

АЛИШЕР НАВОЙ

**МУҲОКАМАТУ-Л-
ЛУГАТАЙН**

ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи
Юсуф Турсунов



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

АЛИШЕР НАВОЙ

МУҲОКАМАТУ-Л-
ЛУҒАТАЙН
ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН

*Тузувчи ва нашрга тайёрловчи
Юсуф Турсунов*



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«Фан» нашриёти давлат корхонаси

Тошкент-2021

УЎК: 82.09:821.512.133(092)Навоий А.

КБК 83(5У)

А 51

Масъул мухаррир

ОТАБЕК ЖҮРАБОЕВ,

филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Тақризчилар:

Дилором Салохий,

филология фанлари доктори, профессор:

Буробия Ражабова,

филология фанлари номзоди, катта илмий ходим;

Шафоат Ҳасанова,

филология фанлари доктори

A 51

Алишер Навоий

“Муҳокамату-л-лугатайн” илмий-танқидий матн/

Тузувчи ва нашрга тайсрловчи Юсуф Турсунов. – Тошкент:

ЎзР.ФА «Фан» нашриёти давлат корхонаси, 2021. – 160 б.

Мазкур китоб Алишер Навоийнинг икки тил муҳокамасига бағишланган илмий-бадний асари – “Муҳокамату-л-лугатайн”нинг манбашунослик ва матнишунослик тадқиқига бағишланган. Унда асарнинг бир нечта қўлёзма иусхасининг ҳусусиятлари ўрганилган, улар асосида илмий-танқидий матни тузилган, жорий ёзувга табдили амалга оширилган ва ниҳоят замонавий ўзбек тилига соддалаштирилган матни ҳам ўрин олган.

Китоб Навоий ижодиёти тадқиқотлари, матнишунос ва умуман кенг китобхонларга мўлжалланган.

Китоб ЎзР.ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи Илмий кенгашини карорига кўра нашрга тавсия этилди (№9/2, 11.11.2020 й.).

УЎК: 82.09:821.512.133(092)Навоий А.
КБК 83(5У)

ISBN 978-9943-19-581-3

© ЎзР.ФА «Фан» нашриёти
давлат корхонаси, 2021.

Сўзбоши ўрнида

Мамлакатимизда илмий матншунослик йўлидаги дастлабки иш 1940 йилда юзага келган эди. Бу Алишер Навоийнинг ўлмас асари “Муҳокамату-л-луғатайн” бўлиб, уни таникли навоийшунос ва тилшунос олимлар Порсо Шамсиев ҳамда Олим Усмоновлар нашрга тайёрлашганди. Муаллифларнинг мақсадлари асарнинг аслиятига, яъни автор редакциясига имкон қадар яқинроқ матнни яратиш бўлган. Бирок ўша йилларда навоийшунослигимиз учун гоятда муҳим воқеа бўларли ушбу ишни кутилган даражада амалга ошириш имкони кам эди. Гап шундаки, юртимизда танқидий матншунослик соҳасида ҳали етарли тажриба йўклигидан ташқари бу йилларда мамлакатимизда ҳам, собиқ иттифоқ фондларида ҳам мазкур асарнинг бирорта ҳам қўлёзма нусхаси йўқ эди. Шунга кўра, муаллифлар “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг Париж (1841), Истанбул (1897) ҳамда Кўқонда (1916) амалга оширилган босма нусхаларига асосланган ҳолда иш кўриш билангина кифояланганлар. Яъни мазкур нашрларни бир-бирига чоғиштириш асосида асар матни тузилган. Бу ҳакда китоб сўзбошисида шундай дейилади: “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг танқидай назар билан нашр килинган бирорта нусхасининг бўлмаслиги ва бу асарнинг ишончли қўлёзмаси топилмаслиги биз тайёрлаган нашрда ҳам анча қийинчилик туғдирди. Шунинг учун ҳам биз “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг бу нашрини Париж нашрига асосланиб тайёрладик. Лекин бу нашрга танқидий қараб, Истанбул ва Кўқон нашрлари билан солиштириб, улардаги учраган хато, ажralиш ва моссизликларни тўла равишда кўрсатиб ўтишга уриндик”¹.

Ана шу “хато, ажralиш ва моссизликлар” китобда матн асосида кайд этиб борилган. Баъзи ўринларда қиёс учун айрим сўзлар ёнида қавс ичида уларнинг араб хатидаги мукобили келтирилган. Сўзбошида танқидий матн тузиш принциплари ҳакида сўз юритилмаган. Бир сўз билан айтганда, бугун мазкур нашрга мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, “Муҳокамату-л-луғатайн” асарининг муаллиф редакциясига яқин матнинг тиклаш йўлидаги илк қадам сифатида карамоқ керак. Зоро, у фанимизда, хусусан, навоийшунослигимизда килиниши зарур бўлган муҳим вазифалардан бирининг дастлабки натижаси сифатида ўзига хос аҳамиятга эга.

Маълумки, “Мухокамату-л-лугатайн”нинг навбатдаги нашрини амалга оширишга чорак асрдан кейин, яъни шоир таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан кпришилган. Бу иш яна П.Шамсиев зиммасига юклатилган.

Ноширнинг бунда ўша ўзининг катта меҳнати эвазига юзага келган илк нашрига асосланиб иш кўрганлиги шубҳасиз. Бирок шундай бўла туриб у нима сабабдан 1962 йилда асарнинг Париж нусхаси матнини араб имлосида кўчириб чиқкан экан.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музеининг “Ўзбекистон ёзувчи ва шоирлари архиви” бўлимида 70-рақам остидаги папкада сақлананаётган мазкур матн араб хати асосида эски ўзбек ёзувида кўчирилган бўлиб, ҳар саҳифада текст остига ярим чизык тортилган². Матн алоҳида канцелярия дафтарига кора рангли сиёҳда кўчирилган. Дафтар муқовасига “Алишер Навоий. “Мухокамату-л-лугатайн”. Тошкент-1962 йил” деб ёзиб кўйилган.

Матннинг алоҳида эътибор билан равон ва тартибли равишда кўчирилганлиги, баъзи саҳифаларнинг хошняларида матншуносликка хос қайдларнинг мавжудлиги, шунингдек, матн остида одатдаги танқидий матнни илмий аппаратдан ажратиб турувчи чизик тортилганлигидан бу “Мухокамату-л-лугатайн”нинг илмий-танқидий матнини яратиш йўлидаги дастлабки иш эмасмикин, деган фикр туғилди бизда. Эҳтимол, асарнинг ишончли кўлёзма нусхалари аникланиб, уларнинг микрофильмлари қўлга киритилгунига қадар Париж босмаси матнини кўчириб олиб, навбатдаги ишларнинг амалга ошира борилиши режалаштирилгандир.

Эътиборли каталоглардан маълумки, Париж Миллий кутубхонасида хижрий 993, милодий 1526–1527 йилларда Ҳиротда китобат этилган Навоий куллиёти кўлёзма нусхаси сакланади. Француз шарқшунос олими Катрмер томонидан “Мухокамату-л-лугатайн”нинг ана шу куллиёт таркибидаги нусхаси асосида Париж босмаси амалга оширилган. Порсо Шамсиев бошка нашрлар (Истанбул ва Қўкон)га нисбатан афзал жиҳатларига эгалиги³ боис уни Навоий асарлари Ун беш томлиги учун асос килиб олишни режалаштирган бўлса ҳам эҳтимол.

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларида “Мухокамату-л-лугатайн”нинг кўлёзма нусхалари мамлакатимиз фондларида деярли йўқ эди. А.А.Семёнов 1940 йилда нашр эттирган “Навоий асарлари кўлёзмаларининг тавсифи”да бу асарнинг бирорта кўлёзма нусхаси ҳакида маълумот учрамайди. Қ.Муниров ва А.Носировлар яратган “Алишер Навоий асарларининг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тўпламидаги кўлёзмалари” каталогида Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар хазинасида асарнинг биттагина қўлёзма нусхаси, қайсики, шу

даргоҳнинг кекса илмий ходими Ибодилла Одилов 1941 йилда Тошкентда қўчирган қўлёзма 5829- инв. рақами билан сакланиши кўрсатилган⁴.

Албатта, савол туғилади: И.Одилов матнни қайси манбадан қўчирган ва у қаерда сакланади? Бу масала Шарқшунослик институтининг заҳматкаш илмий ходими, мархум А.Носиров томонидан кейинчалик мазкур қўлёзманинг охирги саҳифасига қайд этиб қўйган сўзлардан ойдинлашди: «Шу “Муҳокамату-л-луғатайн” Тошкентда, ўртоқ Одилов Ибодилланинг қўллари билан қўчирилган. Қайси шаҳарда қўчирилганлигини маълум бўлишини лозимлиги учун ёзиб қўйишга тўғри келди. Буни 1315/1897да Истанбулда босилган 2311 нумерлик нусхадан айнан қўчирилган.

Одилов билан ишлаган (мен) Носиров ёзиб қўйдим. 20.П-67”.

Демак, масала равшан – “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг юртимизда қўлёзма нусхаси мавжуд бўлмаса-да, босма нусхалари бўлган. Шунга кўра, И.Одилов ўз ихтиёри ёки маъмуриятнинг топшириги билан Истанбул босмасидан бир нусха қўчирилган. Ундан бир неча ўн йил кейин эса П.Шамсиев иккинчи босма вариантида Париж нашри вариантини қўчирилган.

Шундай бўлса-да, Навоий асарларининг Ўн беш томлиги 1940 йилдаги нашр асосида амалга оширилганлиги аник. Чунки бу нашрдаги хато ва камчиликлар Ўн тўртинчи томда (1967, 103-132 бетлар) хам айнан тақорланади. Эътиборлиси шундаки, мазкур хатоликлар кейинги нашр – Йигирма томлик мукаммал асарлар тўпламида (2000, 7-40 бетлар) хам тақорланади. Шунинг учун бўлса керак, ўтган асрнинг охирларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ Қўлёзмалар илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, матншунос Мавжуда опа Ҳамидова “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг илмий-танқидий матнини тузиш билан шуғулланган ва бу ишга ўша вактда мазкур институт фондидаги мавжуд Истанбул (Тўпкопи сарой кутубхонаси) ва Париж нусхаларининг фото нусхалари ҳамда асарнинг эски босма нусхалари (Париж, Қўқон)ни жалб қилган эдилар. Ҳатто танқидий матнни яратишга доир илмий мақола ҳам эълон қилган эдилар⁵. Бироқ Қўлёзмалар институтининг фаолияти тугатилганидан кейин бу ишнинг тақдири нима кечди, хозирча маълум эмас... Шунга кўра асарнинг мавжуд нашрлари матнидаги номатлуб ҳолатларга барҳам беришнинг ягона йўли бўлган мазкур хайрли ишни ниҳоясига етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Зоро, хозирда бу ишни мукаммалроқ тарзда амалга ошириш имкони янада кенгроқ даражададир.

“Мұхокамату-л-луғатайн”нинг құлөзма нусхалари

Филология фанлари доктори, профессор Қ. Содиков “фанда “Мұхокамату-л-луғатайн”нинг түрттә құлөзмаси маълум” лигини ёзади⁶. Бизда улардан учтаси⁷ ҳамда Қ.Содиков назаридан четда қолиб кетган Ҳайдаробод нусхаси мавжудки, юкорида асар танқидий матнини мұкаммалрок тарзда амалга ошириш имкони кенгрек, деганда шу фактларни назарда тутган әдік. Зотан, әнді асарнинг илмий-танқидий матнини тузишда эски босма нусхаларини ишга жалб этишга әхтиёж йўқ.

Ўзбекистон хукумати карорига кўра 1968 йилда кенг қўламда нишонланажак Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигига тайёргарлик ишларидан бири сифатида шоир асарларининг жаҳон кутубхоналарида сакланыётган қадимий ва ҳар жиҳатдан мўътабар ҳисобланган құлөзма нусхаларини ўрганиш ва улардан илмий ҳамда нашр ишларидан истифода этиш максадида фото нусхалар олиш ҳам режалаштирилади. Ана шу ишни ўз зиммасига олган таникли навоийшунос Ҳамид Сулаймонов Навоийнинг дунё ҳазиналарида сакланыётган саккизта куллиёти құлөзма нусхаларини ўрганишга ва уларнинг фото нусхаларини олишга муваффак бўлди. Домла ўзларининг “Алишер Навоий куллиёти құлөзмалари тадқиқотидан” номли илмий мақолаларида ана шу саккизта куллиётнинг құлөзмалари ҳақида кисқача маълумот бериш билан бирга уларнинг таркибиغا кўра қиёсий жадвалини ҳам илова килган эдилар⁸.

Ана шу жадвалга кўра, саккизта куллиётнинг (уларнинг иккитаси юртимизда – бири шахсий кутубхонада, иккинчиси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон фондида сакланади) учтаси таркибидагина “Мұхокамату-л-луғатайн” асари мавжуд, холос.

Бундан аён бўладики, дунё миқёсида ҳам бу асарнинг құлөзма нусхалари жуда кам сакланар экан⁹. Баҳтимизга, сўнгти йилларда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида яна бир нусхаси сакланыётганлигини аникладик ва унинг фото нусхасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдик (бу борада музейимиз директори ўринбосари, ф. ф. н. Отабек Жўрабоевга ушбу манба ҳақида маълумот бергани ва тадқиқотга тавсия этганликлари учун самимий миннатдорлик айтиб ўтамиз).

Хозирда истифода этишимиз мумкин бўлган мазкур учта куллиёт таркибидаги нусхалар, энг аввало, қадимийлигига кўра матншунослик учун гоятда эътиборли нусхалар ҳисобланади. Зотан, уларнинг энг қадимийси Истанбул нусхаси бўлиб, у хижрий 901–902, милодий 1496/97–1498/99 йилларда Навоийнинг топшириғи ва бевосита назорати остида пойтахт

Ҳиротда тасниф қилинган. Котиби – Ҷарвеш Мұхаммад Тоқий. Устоз Ҳамид Сулаймонов зикр этилган маколасыда ушбу куллиёттинг мусаннифи Навоиййинг ўзи эканлигини ишонарлы далиллар асосида күрсатиб үтган әдилар. Куллиёт Истанбулдаги Реван кутубхонасида 808-инв. рақами билан сакланади. Үнда “Мұхокамату-л-лугатайн” 7546-773а сахифаларни әгаллаған ва жойлашиш тартибига күра 24-ўриндадир. Жаъми 26 асар жойлашган. Ҳар бир асар нақшинкор лавҳалар ишланган сахифадан бошланади. Назмий асарлар ҳар сахифада түрт устунда 27 сатрдан. Матнлар мұмтоз настаълиқ хатида майда қилиб күчирилған. Құлөзма үлчами 23,5x32,1 см. Ү мутахассислар томонидан Ҳирот китобатчилик мактабининг гүзал намуналаридан бири сифатида баҳоланиб келмоқда.

Құлөзма гарчи муаллиф назорати остида ёзилған бұлса-да, унда кейинги иккі нұсхага нисбатан мұхим жиҳатлар, афзал хусусиятлар у даражада күзга ташланмаганидан ташкари қутилмагандың қатор матний нұқсонлар ҳам учрайди. Чунончы, 780а сахифада “... күпрак ул ҳазрат шеърига татаб-буъ воқеъ бүлубтур” жумласи нотүлиқ күчирилған:

کوپراک اول شیعیریغه تتبع بولوب تور

Күп үринларда сүз ва құшимчалар тушиб қолған. Мисол тариқасыда келтирилған үзбек тилидаги юзта феълдан бири قىزازىماق سۇزى тарзida күчирилған. “Ва кимизни ва суzmани ...даги туркча айтурлар” жумласи бошқачароқ:

قىزنى و سوزمنى.... داغى ترکچە آيتورلار

Холбуки, асарнинг бу қисмida гап ичкилик ва егуликлар ҳақида боромокда.

Баъзи үринларда сүз ва ибораларнинг ғайрихтиерий равишида тушуриб колдирилиши оқибатида ўша гап ёки мисра мазмуни мубҳамлашиб қолған. Чунончы, “ичкирмак” феълига мисол тариқасыда келтирилған байт шундай:

چىخ ئىلىمى داڭە بىز غزومنى قىرىپ يغلىرىن ايکىرىور چىخ اينچىكىر بىب يغلىرىن

Кейинги мисрада иккинчи сүз билан таркибан боғлик бүлған бир сүз тушиб қолған. Париж нұсхаси асосида нашр этилған босма нұсхадан матн күчирған П.Шамсиев мазкур үринде катта қавс орасыда اورار سۇزىنى бер-

غان. И. Одилов нусхасида ҳам айнан шундай ҳол. Қўқон босмасида эса اورار қиби сўзи устидан чизик тортилиб, хошияда V белгиси ва كىبىس сўзи ёзиб қўйилган.

Демак, П.Шамсиев Париж нусхасида “киби” сўзи мисрада йўқлиги туфайли уни Одилов нусхасидан ёки унга асос бўлган Истанбул босмасидан ана шу кавс билан берилган тарзда кўчирган. 1967 йилдаги нашрда (Ун туртингчи том) ушбу ҳолни номақбул билиб, бу ўринда мазмун талабига кўра “урар” اورار қиби эмас “киби” كىبىس сўзи туриши кераклигига амин бўлған холда уни кавсли тарзда беришни маъқул топган.

Ушбу ҳолат ўтган асрда “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг юртимизда амалга оширилган нашрларига Париж ва Истанбул босмалари асос бўлганлигининг тасдиги бўла олади.

Мазкур қўлёзма фанда Истанбул нусхаси дея юритилиб келинаётганлигини назарда тутиб, уни шартли равишда И нусха дея қўллашни мақсадга мувофиқ топдик. Шундай бўлса-да, баъзи ўринларда Истанбулнинг иккинчи бир хазинаси – Сулаймония кутубхонаси, Фотих бўлимида сақланадиган нусхага нисбатан “Тўпкопи нусхаси” тарзида ҳам қўлланилади.

Иккинчи куллиёт Париж нусхасидир. Икки жилдан иборат бу нусха хижрий 933, минодий 1526/27 йилларда Хиротда котиб Али Ҳижроний томонидан кўчирилган. Куллиёт Париж Миллий кутубхонасида 316–317 инв. рақамлари билан сакланади¹⁰. Унинг таркиби ҳам муаллифнинг 26 асаридан иборат бўлиб, “Муҳокамату-л-луғатайн” 18-ўринда жойлашган. Матнлар настаълиқ хатининг Ҳурсон услубида ғоятда гўзал тарзда кўчирилган, ҳар саҳифа 25 сатрдан. Асарлар номлари олтин суви ва рангли сиёҳ билан сулс хатида битилган. Айрим жихатларига кўра у Истанбул нусхасидан кўчирилган бўлиши керак. Мазкур куллиётлар ўртасида фарқлар мавжуд. Бу, аввало, Навоий асарларининг жойлашиш тартибида қўринади. Чунки Париж нусхасида насрый асарлар: 17. Мезон ул-авzon, 18. Муҳокамат ул-луғатайн, 19. Ҳамсат ул-мутахайирин, 20. Мажолис ун-нафоис, 21. Тарихи анбиё ва ҳукамо, 22. Тарихи мулуки ажам, 23. Вакфия, 24. Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер, 25. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, 26. Муншаот тартибида ўрин олган. Истанбул нусхасида бу тартиб 23, 25, 24, 17, 18, 19, 22, 20, 21, 26 тарзидадир.

Афтидан, Париж нусхаси мусаннифи бу масалага бир қадар принципиал ёндашган ва асарларни таснифлаган холда жойлаштирган. Яъни, аввал илмий-филологик асарларни, кейин моҳиятан яқин турувчи маноқиб ва тазкирани, сўнгра тарих асарларини, кейин эса ҳолотлар ва нихоят, Навоийнигина эмас, ўзбек мумтоз адабиётида ягона бўлган иншо санъати намунаси – “Муншаот”. Ҳар бир асарнинг бошланишида бадиий ун-

вонлар мавжуд. Саҳифалар зарҳал билан жадвалланган. Қўлёзма ўлчами 27,2x38,6 см.

Қўлёзма матни ғоятда равон. Унда юкорида қайд этганимиздек, Истанбул нусхасига хос ҳусусиятлар учраши билан бирга ўзига хос жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, Истанбул нусхасида мисол тариқасида келтирилган шеър турларининг номлари ҳамда “байт” сўзи ёзилиши лозим бўлган ўринлар бўш қолдирилган бўлса, мазкур нусхада бундай номлар насх ҳати билан қайд этиб қўйилган. Шунингдек, Куръондан келтирилган ояти карималар ва ҳадиси шарифлар ҳам насх ҳатида харакатлар билан битилган. Истанбул нусхасидаги **اورکماج تикردا** сўзлари тарзида ёзилган. Биз бу нусхани ишимизда II нусха деб қўллаймиз. Афтидан, котиб кўчираётган асарнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, ундаги мисол тариқасида келтирилган сўзларнинг талаффузини тўлиқ ва равшан ифода этиш йўлини тутган.

Учинчи қуллиёт Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотих бўлимида 4056-инв. раками билан сакланувчи қўлёзма бўлиб, унда китобат санаси ва ўрни, шунингдек, котиби ҳақида маълумот йўқ, таникли манбашуносларнинг таҳминларича қўлёзма XVI асрнинг биринчи ярмида кўчирилган¹¹.

Қўлёзма жуда яхши сакланган бўлиб, унда Навоийнинг 26 асари жамланган. Асарнинг жойлашиш тартиби аввалги нусхаларга нисбатан янада фарқлидир. “Мухокамату-л-лугатайн” энг сўнгги 26-ўринда жойлаштирилган. Истанбул ва Париж нусхаларида эса аввалда айтганимиздек сўнгги уринда “Муншаот” асари берилган. Матн майда настаъликда кўчирилган. Ҳар бир асар аввалги нусхалардаги каби мунаккаш саҳифалар билан бошланади. Ҳар саҳифада 27 тадан сатр жойлашган. Саҳифаларга турли ранглардаги тўрт чизикдан иборат жадвал тортилган.

Қўлёзма аввалги нусхаларга нисбатан қатор фарқли жиҳатларга эга. Чунончи, унда Париж нусхасидагидек мисралар аввалида “байт” сўзи ва шеърий тур номлари ёзилмаган, Истанбул нусхасидаги каби улар учун очиқ жой ҳам қолдирилмаган, балки, улар ўрнига ва мисралар орасига кизил рангла тескари вергулсимон белги қўйилган. Бундан мақсад мисрани мисрадан, шерий парчани насрой қисмдан ажратиб кўрсатиш бўлган. Шунингдек, Куръони Каримдан келтирилган оятлар ҳам кизил сиёҳда ёзилган. Нусханинг камчиликларидан бири баъзи жумла, гап, хатто, кичикрок қисмларнинг ўрни алмашиб қолганлигидир.

“Мухокамату-л-лугатайн”нинг қўлёзма манбаларига багишлиланган ишларда ушбу қўлёзма “Фотих нусхаси” дея қўлланилган¹². Ишимиздан илмий истифода этувчиларга қулай бўлишини назарда тутиб, биз ҳам уни “Фотих нусхаси” дея юритамиз ва Истанбулнинг иккинчи бир хазинасида

сақланаётганлигини назарда тутиб, шартлы равишда қисқача И1 нусха деб белгилаймиз.

Имкониятимизда бўлган “Мухокамату-л-лугатайн” нусхаларининг сўнг-гиси Ҳайдаробод нусхаси бўлиб, у XVIII асрга тааллуклидир. Қўлёзма Ҳайдарободдининг Саларжанг кутубхонасида Захириддин Мухаммад Бабурнинг девони билан бирга 18-инв. раками остида сакланмоқда. Унинг фото нусхасини устоз Ҳамид Сулаймонов 1975 йилда мамлакатимизга келтиргандар. Қўлёзма колофонида китобат санаси кўрсатилган: хижрий 1180 йил. Бу милодий 1766–1767 йилларга тўғри келади. Асар матни китобнинг 596–86а саҳифаларини эгаллаган. Матн бошланган сахифанинг ўқори ўнг бурчагига қизил сиёҳда **نشر على شير نواني** ибораси, чап томонига **محاكم** сўзи ёзилган. Афтидан, асар номининг **الغاتين** кисми кўлёzmани қайта таъмирлаш вақтида варакларнинг туташтирилган кисмлари, яъни таякиси орасида қолиб кетган.

Нусхадаги ўзига хослик аввало, унинг матнида намоён бўлади. Матн ғайриодатий йўсинда кўчирилган, яъни бир неча сатр диагонал ҳолда, сўнгра одатий тарзда ёки бир сахифа тўлик диоганал кўринишида, навбатдаги сахифа бошдан охирнгача горизонтал тарздадир. Мазкур ҳолат матндан истифода этишга бир оз қийинчилик туғдиради. Котибнинг кай максадда бундай йўл тутганлигини тушуниш қийин, у бир хилликдан қочган бўлса, эҳтимол..

Нусханинг яна бир эътиборли жиҳати ундаги жуда кўп сўз, ибора ҳамда жумлалар остига уларнинг форсий мукобилларини қизил сиёҳда ёзиб кўйилганлигидир. Чунончи: “чу оламни яратти Маъбуд” жумласидаги “яратти” сўзи остига “пайдо кард” (59 б), “Сомни Абул-форс битарлар” жумласидаги “битарлар” тагига “минавишанд” (59 б), “ул тиллар иборати” жумласи остига “иборати он забонҳо” жумласи ёзилган. Шунингдек, “кўзу қошлар” – чашму абру, “уз маҳалида” – ба жойи худ, “узгаларни” – дигаронро, “чоқин” – барқ, “айтурлар” – мигуянд, “билимаслар” – намидонанд каби.

Бу каби ҳолат муаллиф мисол тариқасида келтирган байтларда ҳам учрайди. Масалан:

Менгизлар гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.

байтидаги “менгизлари” сўзига “рухсораҳо” сўзи, “кенг-кенг” ва “оғизлари тор-тор” ибораларига “кушода” сўзи ҳамда “даҳанҳо танг” иборалари мукобил сифатида ёзиб қўйилган. Яна:

Анингким ол юзида менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти.

байтида “ол юзида менг яратти” жумласи остига “дар руйи сурҳ холи сийях кард” жумласи, кейинги мисрадаги “тeng яратти” ибораси тагига “баробар кард” ибораси ёзилган. Биринчи мисрада “энгинда” сўзи ӯрнига “юзида” сўзининг ёзилиши эса котибнинг ихтиёрий равишда қилган ўзгартириши дея баҳоланиши керак. Қолаверса, бундай ҳолат яна бир қанча ӯринларда учрайди: “айтқудек”ни “айғудек”ка, “шуаро”ни “шоирлар”га, “гулистан”ни “гулшан”га, “барчаси”ни “бариси”га, “силкига кирмайдур”ни “силкига тортмайдур”га ўзгартириб қўчирилган. Ушбу келтирган мисолларимизда котибнинг билим даражаси ҳамда ишга индивидуал ёндашуви ётиби, албатта.

Мазкур нусхада бошка нусхаларга нисбатан муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган фарқлар ҳам учрайди. Чунончи, асарда мисол тариқасида ўтовнинг кисмларидан бўлмиш “турлуғ” атамаси келтирилади. У аввалги нусхаларда бўлмиш **تۇرلۇغ** ёзилган, Ҳайдаробод нусхасида эса **تۇرلۇغ** ёзилган. Ҳозирги нашрда бу сўз аввалги шаклда – “турлуғ” тарзида босилган. Ҳолбуки, ўтов тепасидаги түйнукка ёпиладиган кигизнинг номи бўлган бу сўз “Навоий асарлари луғати”да ҳам, тўрт жилдлик “Алишер Навоий тилининг изохли луғати”да ҳам **تۇرلۇغ** – “тувурлуғ” шаклида берилган. “Навоий асарлари учун кисқача луғат” (тузувчи Б.Ҳасанов)да бу сўзниң арабча шакли ҳатто **تۇرلۇغ** тарзида берилган.

Иккинчи бир мисол: асарда от абзаллари қаторида “кўшқун” атамаси келтирилади. Бу сўз аввалги уч нусхада **قوشقۇن** ёзилган. Ҳайдаробод нусхасида у **قويوشقۇن** тарзида, яъни дастлаб кўлланган шаклида берилган. Мазкур сўз ҳозирда аввалдагиларга нисбатан анча кам, асосан “куюшкондан чикиб кетди” фразеологик бирикмасида ишлатилиб туради. Кўлёзмаларда мазкур сўзниң ёзилишида котибни айлашимиз, яъни “ёйи ваҳдат” билан “вов”ни тушириб колдирган, дея ёзгиришимиз ноўрин. Зеро, бу ўзгариш ходисаси ҳалкнинг сўзга эътиборсизлиги оқибатида, яъни қисқартириб айтиш оқибатида юз берган. Зотан, Ҳайдаробод нусхасининг котиби уни тўлиқ тарзда ёзишни мақбул кўрган. Вокеан, унинг бу иши эътиборга лойикқина эмас, ибратли дейилса ӯринлидир. Чунки тилимизда кадимдан истеъмолда бўлган, бироқ даврлар ӯтиши билан деформацияга учраган сўзниң аслий шаклини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра биз ҳам танқидий матнда мазкур сўзларни аввалдаги шаклларида беришга карор қилдик.

Матн кўчирилганида котибнинг индивидуал жихатлари ҳам кўзга ташланади: “вов”, “ре” ва “зе”лардан кейин “хойи ҳавваз” келса, бу ҳарфларнинг дум қисмидан нукта чикариб кўяди; “нун” билан тугаган сўзларда бу ҳарфнинг мудаввар (юмалоқ) шаклида эмас, қавсий (ёйсимон) куринишида, яъни паст томонга мойил тарзда битади. Баъзи ӯринларда буни “ёйи ваҳдат”нинг ёзилишида ҳам кўрамиз. Қасиданинг кўплигини ҳамзали ёза-

ди: **بىلا بېرلا** ёзса, бир үринда ёзади. Маънони кучайтириш ёки таъкидлаш мақсадида қўлланиладиган қўшимчанинг факат қисқа шакли **كى** ишлатилган.

Янада эътиборлиси котибнинг баъзи сўзлар үрнига уларнинг маънодошларини ёзиш: **بېرە ور بېرە مند ياتا** үрнига каби ҳамда баъзи сўз ва ибораларни ўзбошимчалик билан ўзгартириб кўчиришдир. Чунончи **دھلوی چانبى دین داغى بو دستورلوغ كوب واقع بولوب دور** гапидаги ўрсуси **غایت سیز نکهت لیغ کول و یاسمن قوینى غه سالدى** жумласини эса **نظم سلکىكا تارتىامايدور** қилиб ўзгартирилиши каби. Албатта, унинг бу ишини маъқуллаб бўлмайди. Бироқ, баъзи үринларда уни кескин айблаб ҳам бўлмайди. Масалан, “қимсанмок” ва “қизғанмок” феълларига мисол тариқасида келтирилган

عڈارىنگنى آچرغا قىمساتورمەن
ولى اهل كورماكىكا قىزغانتورمەن

байтининг иккинчи мисрадаги **كورماكىيىكى** сўзини тарзида ўзгартириб кўчирилган. Гап курилишига кўра тўғри иш килингандек кўринади. Бироқ бу ерда вазн масаласи шу сўзни тақозо этиши котиб хаёлидан фаромуш қолган.

Асарнинг бир жойида овланадиган ёввойи хайвонларнинг номлари устида сўз боради ва у шундай тугайди: **سارت بارچاسىن خوك و كراز لفظى بىلى**: Шундан кейин овланадиган ёввойи кушларнинг номларига ўтилади. **وكيلدوك قوشقە كە اندامقىز و مشهور ايلباسون او ردكدور** Ҳайдаробод нусхасида кейинги гап бошидаги **ايmdi** сўзи ёзилган ва бунда гап “Эмди келдук қушқаки, анда мукаррар ва машхур илбосун ўрдакдур”, деб ўқиласди. Ва аслини олганда гапнинг ана шундай бошланиши маргуброқ, бошқача қилиб айтганда үринли “тахрир”. Бироқ, муаллиф ифода услубининг ўзига хос қирралари мавжудлигини котиб эътибордан четда колдирмаслиги керак эди. Хусусан, Навоийдек санъаткорнинг ифода услуги мумтоз ва бетакорлигини хис қила билмаган.

Ҳайдаробод нусхасининг мухим хусусиятларидан яна бири унинг Фотих нусхаси билан баъзи бир муштаракликларга эгалигидир. Бу дастлаб асарда келтирилган юзта феълнинг тўликлигида кўринади. Унда ҳам Истанбул ва Париж нусхаларида ихтиёрсиз равишда тушириб колдирилган **چىمىدىلاماق** сўзи Фотих нусхасидаги каби ўз үрnidadir.

Абдураҳмон Жомийнинг қаламига мансуб “Жило ур-руҳ” қасидаси Истанбул ва Париж нусхаларида **جلاء الروح** ёзилган Фотих ва Ҳайдаробод нусхаларида **اجلا الروح** шаклида битилган.

Шунингдек, Фотих нусхасидаги камчилик ва нуксонлар Ҳайдаробод нусхасида ҳам айнан такрорланган. Ҷунончи, “Овда умдаки, кийикдур, турк онинг эркагин “хуна” ва тишисин “килчокчи” дер” гапидаги “килчокчи” сўзи ўрнида Фотих нусхасида **بورچин** сўзи (бу котибнинг ғайри ихтиёрий равишда йўл қўйган хатоси бўлиши керак) ёзилган. Ҳолбуки, шу гапдан бир оз кейинроқда “Доги турк ўрдакнинг эркагин “сўна” ва тишисин “бурчин” дер” гапи келади ва ҳакиқатдан ҳам луғатларда кўрсатилишига кўра “бурчин” ўрдакнинг модасидир, кийикнинг урточиси эмас. Ҳайдаробод нусхасида ҳам **بورچин** эмас **قىلچاقچى** келган.

Фотих нусхасининг жиддий камчиликларидан яна бири баъзи ўринларда кетма-кет икки жумланинг тушириб қолдирилганлигидир. Бу ҳол Навоий ўзининг табиатан туркий тилга рағбати кучли эканлигини таъкидлаган ўринда ҳам учрайди. Яъни “турк алфозига дағи мулоҳазани лозим қўрулди – оламе назарға келди, ўзи ўн саккиз минг оламдан ортуқ, анда зебу зийнат ва сипехре табъға маълум бўлди, тўқкуз фалакдин ортуқ анда фазоу рифъат; маҳзане учради дурлари кавокиб гавҳарларидин раҳшандароқ ва гулшане йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дураҳшандароқ...”

Бу парчадаги “зебу зийнат ва сипехре табъға маълум бўлди, тўқкуз фалакдин ортуқ анда” жумласи ҳамда сўнгги жумла “ва гулшане йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дураҳшандароқ” нусха матнида (780 б) йўқ. Ушбу “кемтиклик” Ҳайдаробод нусхасида айнан такрорланади.

Бу келтирганларимизга кўра ўз-ўзидан икки хил фикр пайдо бўлади. Яъни бу ҳар иккала нусха бир манбадан кўчирилган ёки Ҳайдаробод нусхаси Фотих нусхасидан кўчирилган. Ишимиз нуктаи назаридан эса Ҳайдаробод кўлёзмаси ёрдамчи нусха вазифасини уташи мумкин.

Фотих нусхаси – “Мухокамату-л-луғатайн”нинг мукаммал варианти

Ҳамид Сулаймонов Фотих нусхаси хусусида сўз юритар экан, унинг “узи ўрганган куллиётларнинг бир мунча тўликроғи” эканлигини таъкидлайди¹³. Бунда устоз куллиётнинг қайси жиҳатларини назарда тутганликларини билмадик, аммо “Мухокамату-л-луғатайн” асари матнини Тўпқопи ва Париж нусхаларига киёсан ўрганганимизда уларга нисбатан анчайин матний мукаммалликка, муҳим ижобий хусусиятларга эга эканлиги маълум бўлди. Бу эса ишимизнинг савиясини таъминлаш билан бирга асарнинг мавжуд босма нусхаларидаги катор муаммоли нуқталарини ҳам бартараф этишга хизмат қиласи.

Таъкидлаганимиз, яъни мазкур нусханинг аввалги (Тўпқопу ва Париж) нусхаларига нисбатан матний мукаммаллиги, аввало, ундаги кейинчалик

амалга оширилган құшымчалар ва тұлдиришларда намоён бүлади. Үшандай үрінларни биз қуидагича тарзда келтиришни мақбул топдик.

№	Аввалиң иккى нұсқада	Сахи-фасы	Фотих нұсқасында	Сахи-фасы	Тап-қынды мәғіда
1	Фарси көрі Түрк یйек лар و میر زاده لار بوخساماق تى فارسي تىيل بىلە تىلاسه لاركە ادا قىلغىلا و شعرنىك....	И 776a П 280a	Фарси көрі Түрк یйек لار و میر زادе لار بوخساماق تى فارسي تىيل بىلە تىلاسه لارкە ادا قىلغىلار اياتи نوع قىلغىلا و شعرنىك....	775a	6
2	يانه غذا و هر طعام که پيسه بولور يېكولوك ديرلار دېرلار و سارت اهلى نىنك كوبىي....	И 777a П 28a- 286	پنه غذا و هر طعام که پيسه بولور يېكولوك ديرلار وسو ايجماک و هر تىمه تى که ايج... پولغاى ايچكولوك ديرلار و سارت اهلى نىنك كوبى....	776a	11
3	و اکر بير بيرىدىن متىز قىلسە ترکچە ات بىلە اوچ ایتۇر يانا بىلە قوشلاربىن توغانق و توغدارى چاغуروف قىل قويروغ قولە بورغە يابالاع قولاد ولىكى جىلان قراقوش تىلە قوش حدقىقىغىن بىك قوشلارنى ائتلرى يوقۇر كوبىن ترکچە ايتۇرلارو تاغ و توزدا جىداھ سو قماغان توپىن ار غىلال قىرىشىم بورماع تورماع سىكىرىتىم سرت اوچمه اىستەم باڭىرالانك توقى كول كوللاڭ سانك سانك چاپىل سای شور تانك دېك نىمه لارنىك كوبى كا ات تىعىن قىلىملى دورلار و جانوارلارنىك اوپتىن بىر ات كىشىتماكى كاشىمەت قوييپ تورلار تىوه بىز لاماعىمە واوى منكراماكى كا و ايش، اك، ايسىكماغى غە و ايت غۇنكىشىماعى غە ¹⁴ او اولومماعى غە افظۇپ تور بىنەت انواعى داکه....	И 777a- 7776 П 281	و اکر بير بيرىدىن متىز قىلسە ترکچە ات بىلە اوچ ایتۇر يانا بىلە قوشلاربىن توغانق و توغدارى چاغуروف قىل قويروغ قولە بورغە يابالاع قولاد ولىكى جىلان قراقوش تىلە قوش حدقىقىغىن بىك قوشلارنى ائتلرى يوقۇر كوبىن ترکچە ايتۇرلارو تاغ و توزدا جىداھ سو قماغان توپىن ار غىلال قىرىشىم بورماع تورماع سىكىرىتىم سرت اوچمه اىستەم باڭىرالانك توقى كول كوللاڭ سانك سانك چاپىل سای شور تانك دېك نىمه لارنىك كوبى كا ات تىعىن قىلىملى دورلار و جانوارلارنىك اوپتىن بىر ات كىشىتماكى كاشىمەت قوييپ تورلار تىوه بىز لاماعىمە واوى منكراماكى كا و ايش، اك، ايسىكماغى غە و ايت غۇنكىشىماعى غە ¹⁴ او اولومماعى غە افظۇپ تور بىنەت انواعى داکه....	776a	13
4	انداق كە قىمال و ياسال و قىمال و تونقال و قىمال و تونقال و تونقال و سىوار غال بو الفاظ و عبارتا....	И 778a П 282a	انداق كە قىمال و ياسال و قىمال و تونقال و تونقال و تونقال و سىوار غال قىلىچ بىلە چاپماعنى سو غاوماڭنى و تىز بىلە ساتچاڭنى و الماعنى بارىسىن زىن لەنطى بىلە ادا قىلۇرلار يانا بىضى محل و مکانىغە بىر قاف الحى قىلىپ بىر قىمىل بىر امر غە مىسوب قىلۇرلار انداقكە قىشلاق و بىلاق و اولاق و قىشلاق و بو ھە غىرېب دور فارسى داھم بىضمىنى تۈرك تىلى بىلە ايتۇرلار بو الفاظ و عبارتا....	777a	13
5	ئاملاك عرب و سارت سلاطينى دىن تۈرك خانلار غە انتقال تائىتى هلاکوخان زمانىدىن سلطان ملاکۇخان زمانىدىن سلطان صاحب قران تىمور كوركان زمانىدىن فرزند خلفى شاهروخ سلطان نىنك زمانى نىنك اخريغە چە تۈرك تىلى بىلە شعر اپدا بولدى لار	И 780б 781a П 285a 285б	ئاملاك عرب و سارت سلاطينى دىن تۈرك خانلار غە انتقال تائىتى هلاکوخان زمانىدىن سلطان صاحب قران تىمور كوركان دورانى غە چە تۈرك تىلى بىلە انداق شاعر بىدا بولمادى كىم اندىن تعرىف قىلماوجە ورق قە ياز بىلۇچىجە ائر ئاظاھر بولمىش بولغاى و سلاطينى دىن ھە انداق نىمە منقول اپماسکە بىراو قاشىدا اپتسە بولغاى اما سلطان صاحب قران تىمور كوركان زمانىدىن فرزند خلفى شاهروخ سلطان نىنك زمانى ئىشك اخريغە چە تۈرك تىلى بىلە شعر اپدا بولدى لار	783a	23

Кўринадики, дастлабки икки ҳолатда котибнинг эътиборсизлиги туфайли юзага келган кемтиклик керакли жумлалар ҳисобига тўлдирилган ва гаплар тугал мъяно билдирадиган тўлиқ шаклга келтирилган.

Кейинги ҳолатлар эса қўшимчалар тарзида бўлиб, улар муаллиф ўзи мақбул топган усул – киёсий тахлил кўламининг кенгайишига хизмат қилган. Фикримизча, мазкур атамалар асарнинг ёзилиш жараёнида муаллифнинг эътиборидан четда колган. Асар итмом топиб, китобат этилгач, уни бафуржга назардан ўтказган чоғида зикр этилаётган қисмларни ҳам киритиш фикри туғилганлиги ҳақиқатга яқин.

Дарвоке, шу ўринда мазкур чоғиштирма билан боғлиқ бир ҳолатга муносабат билдиришга тўғри келади. Маълумки, бундай чоғиштириш асосидаги тахлил биринчи бор таникли тилшунос К.Содиков томонидан амалга оширилган. Муаллиф З-ракам остида келган тафовутли парчадаги

اوی منکراماکى کاو ایشاك اینکرماغى غە وایت غېنکشىماغى غە اولوماغى غە қисмидаги сўнгги иборани “ит мингишмоғига ва улумоғига” деб ўқиган ва уни “ит эса тишисига (яъни ургочисига) мингашади” дея изохлаган ҳамда ушбу иборани Семо Барутчу Узендер “тегишмоғига” деб ўқиганлигини таъкидлаган¹⁴.

Тўғри, К.Содиков айтганидек, сўз бораётган парча қўшимча киритма сифатида сахифа ҳошиясига сикиштириброк ёзилганлиги туфайли уни ўқиш бироз қийин. Шундай эса-да, бу ўринда этиборли бир жихатни назардан қочирмаслик керак. Яъни Навоий форс тилига нисбатан киёсий мисолларни таснифий тарзда келтиради: қуш ва ҳайвон турлари, жой номлари ва кийим хиллари, от абзаллари ва егуликлар каби. Шундай экан, хонаки ҳайвонларнинг овозларини ифодаловчи атамалар каторига итнинг ургочисига “тегишмоғи” ёки “мингашмоғи” мантиқан мувофиқ келармикин? Қолаверса, бу ўринда итнинг “ғингшимоғи”га унинг “улумоғи” параллел тарзда келтирилаётганлигини ҳам этибордан қочирмаслик керак.

Аввалги икки нусха (**I** ва **II**) билан Фотих нусхаси ўртасидаги бундай жиддий тафовутлар Ҳайдаробод нусхасида ҳам айнан тақрорланади. Вокеан, унинг матнидан юкоридаги тилга олинган иборани **وایت غېنکشىماغى غە** дея аниқ-тиниқ ўқиш мумкин¹⁵.

Илк нусха матнидаги яна бир жихат ҳам муаллифдаги асарни яна та-комиллаштириш фикрини қатъйлаштирган бўлса, эҳтимол. Бу матннаги имловий хатоликлар, сўз ва ибораларнинг тушириб қолдириш ҳолатлари ҳамда таҳрирталаб ўринларидир. Бундай нуксонларни кўплаб келтириш мумкин.

Асарнинг ов қилинадиган ҳайвонлар номлари тилга олинадиган қисми шундай бошланади:

Келтирилган парча 1940 (лотин графикасида) ва 1967 йилдаги нашрларда шундай табдил қилинган ھолда босилган: “Ва ов ва қушки салотин одоб ва русумиңда ҳар қайси бошка мутааййин ишитур, иккаласин “шикор” дерлар”.

Күриниң турганидек, гапдан тұлиқ мазмун чиқаришга ундаги “ишитур” сүзи монелик килады. Шунинг учун бўлса керак, Навоий асарлари “Йигирма том” лигидаги бу сўз “эшитур” тарзидаги ўзгартирилиб босилган (16-том, 20 бет). Шу нашрнинг деярли такрори бўлган “Ўн томлик”да ҳам айни ҳол. Бирок бу сўз ҳам гап мазмунига сингмайди. Энди Фотих нусхасидан ана шу гапни ўқиймиз, унда мазкур сўз эмас, балки **ايштۇر** ёзилган. Мана бу сўз билан энди гап мазмуни равшанлашади: Ов ва қуш эса сultonлар одобу одатича ҳар бири (узига хос) бошка ишдир, иккаласини “шикор” дейдилар.

Аслини олганда, **ايشтۇر**, сўзи бу ўринда нотўғри битилган деб бўлмайди. Фақат уни “эшитир” эмас, “ишетур” деб ўқиш керак, яъни “бир ишдир” маъносида. Унда нега у сўнгги нусхада **ايштۇر** қилиб ўзгартирилган? Күриниң турибиди, гапда икки нарса – ов ва қуш устида сўз бормоқда. Шундай бўлгач, “бир ишдир” иборасини ишлатишига караганда шунчаки “иштур” сўзини қўллаш мантиқан тўғрирок бўлиб кўринган бўлса керак таҳrirчига.

Бу айтилганлар ва уларнинг давомидан ёзилганларга кўра аждодларимиз ёввойи ҳайвонларни овлашни “ов”, қушларни овлашни эса “куш” дея номлаганликлари ва бу ишлар биз бугун ўйлаганчалик кўнгилочар машгулотдан кўра кенгрок тушунчага эга эканлиги маълум бўлади.

Тўпкопи нусхасидан Хожа Ҳофиз таърифидаги парчани ўқиймиз:

يانا حقیقت اهلی آینىک سرخیل و سرافرازی حواجہ حافظ شیرازی نسکات و اسرارین کە انفسى روح القدس دین نشان ايپور و روح الله انفاسى دین اثر بینکورور

Париж нусхасида ҳам ушбу парча айнан шундай. Фотих нусхасида эса гапдаги сўзи ўрнида **бірор** сўзи ўрнида ёзилган (289 б). “Нишон” сўзининг асл маъноси белги, алмат эканлигини ҳисобга олсан, унинг зохир бўлишига нисбатан “бермоқ” феълини ишлатиш ўринлидир. “Мухокамат ул-лугатайн”нинг юртимиздаги барча нашрларининг бош манбаи Париж нусхаси бўлганлиги боис уларда ҳам “берур” эмас “айтур” босилган.

Аввалги икки нусхада “Фаройиб ус-сигар” девони муаллиф томонидан шундай таърифланади:

و غرائب الصغر ديوانى دور كىم كېچىك ياشدە تقريريم دين كذارش و تحريريم دين نكارش تاپسىب دور كىم

Мазкур парча ҳозирги нашрларда шундай берилған: “... бири “Ғаройиб ус-сиғар” дурким, кичик ёшда тақририм гузориш ва таҳриримдин ниго-риш топибтурким, маоний ғурабосидин ғарип алфоз либосига киүрупмен ва халқ күнглини ғарибистон ахли ўти била күйдурипмен”.

Құюров ین تقريرم دین қذارش сүзининг “киүрипмен” шаклида берилишига эътибор қаратмаса ҳам бўлади, зеро, бунинг мазмунга даҳли йўқ. Аммо, иборасидан чиқиш келишиги қўшимчасининг тушириб қолдирилиши бир қадар маъно мавхумлигини юзага келтирган. Бирок башарти бу сўзни тўлик шаклда ўқиганимизда ҳам парчада қандайдир ғализлик борлиги сезилади. Фотих нусхаси кўздан кечирилса, хатолик қаердалиги аён бўлади – унда “маоний ғурабосидин ғарип алфоз либосига кивурубмен” жумласидаги “ғурабоси” сўзи чиқиш келишиги қўшимчаси билан эмас, тушум келишиги қўшимчаси билан ёзилган. Бунда энди маънони ўқиш қийин эмас: “маънолар ажойибликларини ажойиб сўзлар либосига кийгизибмен”, бошқача қилиб айтганда, маънолар ажойибликларини ажойиб сўзлар либосида намоён қилибман.

Бир ўринда Навоий форс адабиётининг таникли намоёндаси Хожа Калимуддин Салмон (1310–1376) ижодиётига доир эътиборли ҳодиса ҳакида сўzlайди. Ана шу жой асарнинг барча тўлик нашрларида шундай келади:

“Яна суханпардоз устози олий шон Хожа Калимиддин Салмонки, қасида майдонининг чобуксуворидир ва ўз замонининг беназир сухангузори, машҳурдирки, чун маснуъ қасидаси тартибиға қалам сурубдур, ўн саккизда итмол еткурубдир. Воқиан ише қилибдурки, назм ахли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар, тарсиъ санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаи ростдур, аммо асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида таҳаллуф қилибдур ва матлаъ будурким,

Байт:

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,
Ҳавои жаннати кўят бибехт мушки татор.”

Келтирилган парчанинг икки ўрнида маъно ноаниклиги кўзга ташланади. Биринчиси, “чун маснуъ қасидаси тартибиға қалам сурубдур, ўн саккизда итмол еткурубдур” гапидаги сўнгги жумлада, иккинчиси “аммо, асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида таҳаллуф қилибтур” жумласида¹⁶.

Ана энди шу жумлаларни Фотих нусхасидан ўқиймиз:

چون مصنوع قصیده سى ترتىسى غە فلم سوروب دور اون «سېكىز يىلدا اتمام غە يىتكۈرىپتۇر(a) (779

Бунда энди мазмун аниқ: юксак санъат ва ажиб бадиий безакларга эга касида яратишга киришиб, уни ўн саккиз йилда ёзиб тугатиби.

Кейинги жумла:

اما اصل مطلع دا اولغى مصرع نىنك بىر لفظى بىلا سونكى مىصراع نىنك بىر لفظى دا
تحلّف، قىلابىپ دور

Күринадики, аввалги нусхаларда “Лафзи била сүнгги мисранинғ бир” кисми тушиб қолганлиги туфайли маъно ноаниклиги юзага келган. Зотан, тарсеъ санъатининг асосий талабларига кўра матлаънинг ҳар икки мисрасидаги сўзлар ўзаро оҳангдош, вазндош ва кофиядош булиши керак. Келтирилган Хожа Калимуддин Салмон қаламига мансуб байтда барча сўзлар ўзаро мос келган, бироқ бир номувофиқлик (тахаллуф) бор. Бу “оби” ва “мушки” сўзларпдир¹⁷.

Асарнинг сўнгрогида Султон Ҳусайн Бойқаронинг туркий шеъриятга бўлган рағбатини кўрсатувчи шундай сўзлар мавжуд бўлиб, у Тўпқопи нусхасида куйидагича келади:

بأجود بو سلطان السلاطين نىنك كيميا اثر حاطري و خورشيد آثار ضميري داغي مونكا
مايلكه ترك نظام لاري اوز الفاظ لاري بىلە شعرعه مشغول لوق قىلغىلار و كونكول غچه سى
داغىدىن كە پىچىلار چىرماتىبىدور بەھار نسىمى دىك انفاس بىلە كلىك آچىغاپلا (286)

Париж нусхасида ҳам айнан шундай (286a). Бинобарин, бу нусха асос бўлган Париж босма нусхасига таяниб амалга оширилган нашрларда ҳам мазкур парча айнан шу кўринишида: “Бовужуд бу султон ус-салотиннинг кимёсар хотира ва хуршедосар замири даги мунча мойилки, турк нозимлари ўз алфозлари била шеърга машғуллук қилгойлар ва кўнгул гунчаси доғидинки, печлар чирмонибдир – баҳор насимидек анфос била гулдек очилгайлар”¹⁸.

Аввалда тушунарли бўлиб келаётган мазмун сўнгги жумлага келганда “боши берк кўчага кириб қолаётгандек”, ундан маъно чиқариш мушкул. “Мухокамат ул-лугатайн”нинг 1940 йилдаги нашрига илова тариқасида берилган асарнинг “саддалаштирилган тексти”да жумла “катма-кат бўлиб чирмашган кўнгул гунчалари баҳорнинг ёқимли шамолига үхаш нафаслар билан гулдек очилсинлар”. Кўриниб турганидек, бунда бутун бошли “догидинки” сўзининг ўрни йўқ. Эҳтимол, у ихтиёрий равишда “унутилгандир”. Чунки у мазкур тарздаги соддалаштиришга “халақит беради”.

Энди ана шу жумлани Фотих нусхасидан ўқиймиз:

و كونكول غچه سیدا غمدىن كە پىچىلار چىرماتىب دور بەھار نسىمى دىك انفاس بىلە
كلىك آچىغاپلار (a) 782

“ва кўнгил ғунчасида ғамдинки печлар чирмонибтур баҳор насимидек анфос била гулдек очилғайлар”.

Бундан энди маъно чикарса бўлади: ғам туфайли кўнгил ғунчасида қаткат бўлган печлар баҳор шабодаси мисол нафаслар билан гулдек очилғайлар. Янада кенгроқ табдил қиласиган бўлсак: баҳорнинг майин ва ёқимли шабодасидан оҳиста-оҳиста силкиниб, ғунчалар очилгани каби турк шоирларининг ўз тилларида айтган шеърларини тинглаб, ғамларга тўлган кўнгил ғунчаси гулдек очилсин.

Аён бўладики, Тўпқопи нусхаси котибининг эътиборсизлиги туфайли “кўнгил ғунчасида ғамдинки” бирикмаси “кўнгил ғунчаси доғидинки” тарзida кўчирилиши боис жумла гализ холга келиб колган. Бу ҳам етмаганидек, мазкур ҳатолик Париж нусхасида ҳам такрорланган ва у кўрганимиздек нашрларда ҳам акс-садо берган. Табиийки, бундай камчилик ҳамда кемтик ҳолатлар 1940 йилдаги нашрга илова килинган “соддалаштирилган текст”да ҳам, Қ.Содиков томонидан амалга оширилган табдилда ҳам намоён бўлади – мазкур ўринларда гап мазмунан мубҳам бўлиб колган.

Фотих нусхаси матнида аввалги икки нусхага нисбатан таҳририй характердаги фарқлар ҳам учрайди. Чунончи, тўпқопи нусхаси (778a) ва Париж нусхаси (282a) даги сўз ясашга доир парчалардан бири:

يانا بير واو و لام بعضی لفظ غه الحق قیلیب بیر مخصوص صفت قه تعین قیلورلار که
سلطین نینک خواه رزم اسبابی اوچون و خواه بزم جهاتی اوچون معتبردور

Яна бир “вов” ва “лом” баъзи лафзға илҳак килиб бир маҳсус сифатка таъйин қилурларки, салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун мӯътабардур.

Энди ана шу жумлани Фотих нусхасидан ўқиймиз:

يانا بير واو و لام بعضی لفظ غه الحق قیلیب بیر معتبر و مخصوص صفت قه تعین
قیلورلار که سلطین نینک خواه رزم اسبابی اوچون و خواه بزم جهاتی اوچون (a) 780

Яна бир “вов” ва “лом” баъзи лафзға илҳак килиб бир мӯътабар ва маҳсус сифатка таъйин қилурларки, салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун.

Кўринадики, кейинги нусхада бир қадар ўзгартиришлар қилинган: жумла сўнгидаги “мӯътабар” сўзи қўшимчасиз тарзда жумланинг аввалги қисмига олинган, “қилур” сўзига ўринли равишда кўплик қўшимчasi қўшилган. Янада эътиборли жихат шундаки, “мӯътабар” сўзи “қилиб” ва “маҳсус” сўzlари орасига майда ҳарфлар билан деярли вертикал тарзда ёзиб қўйилган, “қилур” сўзига ҳам ўз қўшимчasi сикиштириб улаб қўйилган.

Бундай таҳририй ўзгартышдан кўзланган мақсад мазмун ёрқинлигига эришиш бўлган, албатта. Воеан, “мўътабар” сўзининг юқорига олиниши назарда тутилаётган лафзларни юксак даражада эканлигига ургуни кучайтиради. Зеро, улар подшоҳларнинг шохона базмлари ва ҳарб ишлари билан боғлик атамалардир.

Таҳририй тарздагн яна бир холат асардаги Жомий таърифига багишланган ўринда учрайди. Таъриф шундай бошланади: “Барчадин куллийрак са- над буким, Ҳазрати иршод паноҳи наввара маркадаҳу Нуранки, қаломи ма- лики аллом ва аходиси мўъжаз низом, хайруланом алайҳиссаловоту васа- ламдин сўнгра форсий сўзда жамиъ алар сўзидин юқорироқ сўз йўқтур, ...”

Васфлардан сўнг келаётган ҳукм тарикасидаги сўзлар ўзаро мазмун жихатидан қовушимсиздек, яъни “форсий сўзда барча улар сўзидан юқорироқ сўз йўқдур”. Бу жумлалар аввалги нусхаларда ҳам шундай:

فارسى سوزدا جمیع الار سوزیدین یوقارى راق سوز یوقور (И:780a, П:286)

Мазкур жумла Фотих нусхасида сал бошқачароқ:

فارسى جمیع سوزدا الار سوزیدین یوقارى راق سوز یوقور (782б)

Бунда энди маъно осон англашилади: форсийдаги барча сўзда уларнинг сўзидан юқори (турадиган) сўз йўқдир. Албатта, бунда “сўз”ни кенг маънода тушуниш керак.

Кўринадики, котибининг эътиборсизлиги туфайли “жамиъ” ва “сўзда” қаломлари ўрнини алмаштириб кўчирилиши жумла ғализлигига олиб келган. Фотих нусхасида эса бу нуқсон тўғриланган ҳолда кўчирилган.

Ўз навбатида Фотих нусхасига танқидий нұқтаи назардан ёндошиш ло- зимлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Зеро, унда аввалги нусхаларга нисбат талай афзал жихатлар билан бирга бир қатор камчиликлар ҳам учрайди.

Қўлёzmанинг 778 б сахифасида **دور کوکلاماک** . یانا کوک تېکاردا کوکلاماک دور . Бундаги иккала имловий хатолик ҳам ихтиёrsизлик оқибатида юзага келган, албатта. Котиб ўз вактида кейинги като, яъни “кўкламак” ўзакка -ла қўшимчаси уланган ҳолда кўчирилишини фаҳмлаб қолган шекилли, сахифа ҳошиясига **کوکلاماک** сўзи эътибордан четда колган.

Баъзи ўринларда сўз, ибора багловчилар тушиб қолган ҳолатлар учрайди. Ҳатто 780 б сахифада **طبع غه معلوم بولدى توقوز فلاکدین** زېب زینت و سپهرى طبع غه معلوم بولدى توقوز فلاکدین آرسوq آنда жумласи тушиб колган.

Күриниб турибтики, мазкур ҳолатлар ғайри ихтиёрий равишда йўл кўйилган хато ва камчиликлардир.

Фотих нусхасидаги биз юкорида келтирган қўшимча тўлдиришлар ҳамда жиддий таҳририй ўзгартиришлар эса аввалги икки нусхага нисбатан мухим афзал жиҳатлардир. Бошқача қилиб айтганда, бу жиҳатлар “Муҳокамату-л-лугатайн”нинг нисбатан тўлиқрок варианти юзага келишига омил бўлган ва бу ҳодиса ҳакида манбашунослигимизда дастлабки фикр ҳам билдирилди.

Бизнинг мулоҳазамиз ҳам ўша фикрга бир мунча яқин. Яъни, чамаси, Навоийда асарни тезрок тугатиб, ўзи тасниф этаётган ва кўчиритиришга бошлаган куллиёт таркибиға киритиш максади бўлган. Бу вақтга, яъни хижрий 905, милодий 1499–1500 йилга келиб Навоий ҳар бир асарини устоз Ҳамид Сулаймонов айтганларидек, алоҳида-алоҳида жузвларда кўчиририб бўлган. Куллиёт таркибидан, нихоят, сўнгги асар (бу вақтда ҳали “Махбубу-л-кулуб” ёзилмаган эди) сифатида “Муҳокамату-л-лугатайн” ва, шунингдек, “Сирож ул-муслимин” асарлари жой олган ва шунинг билан куллиёт иши итмолом топган. Шундай бўлса-да, муаллиф асарни шошилинч тарзда ёзиб тугатганлиги боис ишидан кўнгли тўлинкирамаган ва шунга кўра асар мусаввадасини қайта синчклиб кўздан кечирган ва ана шу жараёнда баъзи ўринларга таҳририй тузатиш ҳамда қўшимча тўлдиришлар киритган. Шу тарика асарнинг бир мунча тўлиқрок варианти юзага келган. Фотих нусхасига ва, шунингдек, Ҳайдаробод нусхасига ана шу вариант асос бўлган. Эҳтимол, булар ёнига Будапешт нусхасини ҳам қўшиш тўғри бўлар.

Юкоридаги кузатишлардан қўйидаги хуласаларга келиш мумкин:

1. “Муҳокамату-л-лугатайн” асарининг Навоий дастхатидан аввалги асарлари пешма-пеш кўчириб, унинг ўзи назорати остида яратилаётган куллиёт таркибиға киритилган бўлиб, мазкур тўплам (унда жаъми 26 асар ўрин олган) хозирда Туркияning Истанбул шаҳридаги Тўпқупу саройининг Ревон кутубхонасида 808-инв.. раками билан сакланади. Кейинроқ, яъни 25–30 йиллардан кейин ундан навбатдаги куллиёт нусхаси кўчирилган. Бу куллиёт икки жилдан иборат бўлиб, хозирда Францияning Париж миллий кутубхонасида 316-317-инв. раками билан сакланади.

2. “Муҳокамату-л-лугатайн” илк бор 1841 йилда чоп этилган. Бу нашрга ўша 316-327-инв. раками Париж нусхаси матни асос бўлган. Шунга кўра, бу нусхага хос нуқсонлар мазкур нашрда деярли айнан тақрорланган. Асарнинг юртимиздаги биринчи нашри Париж босмаси асосида амалга оширилган. Шу боис Париж кўлёзма нусхасига хос камчилик ва хатолар Париж босмасида ва ундан сўнгра 1940 йилги Тошкент нашрида тақрорланган.

3. Асарнинг Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотих бўлимида сакланашётган кўлёзма нусхаси муаллиф томонидан бир қадар тўлдирилган

кейинги варианти бўлиб, матнининг саводлилиги жиҳатидан ҳам мавжуд бошқа нусхалардан юқори туради. Ана шу фазилатларидан келиб чиқкан ҳолда уни ишимизда таянч нусха килиб белгиладик. Шунинг билан бирга ушбу нусха хакида мутахассислар тўлиқ тасаввур ҳосил қилишлари учун, зарурат тугилган чогда ундан истифода этишларини назарда тутиб, унинг факсимиile нусхасини китобга илова тарзида беришни макбул топдик.

4. Истанбул, Париж нусхаларида жиддий нуксон ва етишмовчиликларнинг мавжудлиги, Ҳайдаробод нусхаси котибининг ўзига эрк берган ҳолда баъзи сўз ва иборалар ўрнига уларнинг маънодошларига ўзгартириб кўчирганлиги назарга олинди ва ишда уларга ёрдамчи нусха сифатида каралди.

Ишдаги белгилар

Мазкур мушоҳадалардан келиб чиқиб, ишда Фотих нусхаси (*И₁*)ни таянч нусха сифатида белгиладик. Қолган уч нусха (*И, Пва X*) эса ёрдамчи нусхалар вазифасини ўтади. Фотих нусхасидаги мавжуд камчилик ва хато ўринлар (албатта, улар кўп эмас) бу нусхаларга қўра тўғриланди. Фотих нусхаси билан Ҳайдаробод нусхаси ўртасидаги фарклар, юкорида келтирганимиздек, асосан, сўз ва ибораларнинг алмашувидан иборат. Бундай ҳолатда аппаратда алмашган сўз ёки ибора, унинг ёнига “ўрн.” (ўрнига) қисқартмаси қўйилиб, алмаштирилган сўз кайд этилди. Масалан: *Ҳ* ўрн. (*پوزیدا اینکندا* 10-бет); *Ҳ* ўрн. (*شاعرلار* 27-бет) каби. Фотих нусхасига хос муҳим хусусият, яъни кейинчалик киритилган жумла, гап ва парчалар *И* ва *П* нусхаларда таги ўрнида бўлмаганини назарда тутиб, шартли равишда “туш.” (тушган) қисқартмаси билан ифодаланди. Бунда жумла ёки парча бошланадиган сўзниң ўнг томонига юлдуза (*) белгиси тугалланма сўзга эса навбатдаги ракам қўйилди. Масалан: *و سو اچماک و هر نیمه نی که ایچسا بولغای ایچکولوک دیرلار* (*И.т.м. 11-бет*)

1 И П туш.

Ибора ёки жумлалар ўртасидаги фаркларни кўрсатишда ҳам шундай йўл тутилди. Чунончи: “ва кўнгул ғунчасида гамдинки печлар чирманибдур, баҳор наслидек анфос била гулдек очилғайлар” жумласидаги дастлабки бирикма *И* ва *П* нусхаларда *كونکول غچه سى داغى دىن كە* тарзида кўчирилган (*и.т.м. 25-бет*). Бу ҳолатни аппаратда шундай кўрсатилди: 2* *ИП* *كونکول غچه سى داغى دىن كە*

Шунингдек, котиб ғайрииҳтиёрий равишида тушириб қолдирган сўз ёки иборани матнда навбатдаги ракам остида берилиб, аппаратда «туш.»

қискартмаси билан кўрсатилди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кайсиdir сўз бир нусхада тушуб қолган бўлса, иккинчи бир нусхада унинг ўрнида бошқа сўз ёзилган. Масалан, илмий-танқидий матннинг 24-бетидаги **طبعی قلبی** сўзи П нусхада тушиб қолган. X нусхада унинг ўрнида **قلبی** ёзилган. Бу ҳолат аппаратда: 2П туш.; X **قلبی** тарзida кўрсатилди.

Истифода этилган қўлёзмалар матнларининг баъзиларида сўз ва ибораларнинг тушуб қолиш ходисасига зид ўлароқ қўшимча сўз ёки боғловчилар битилган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай ҳолат кўпроқ Ҳайдарабод нусхасига хосдир. Чунончи, Xўжа Калимиддин Салмоннинг машхур байти таърифида айтилган “Бу матлаъга татаббуъ қилғон кўп сухандонлар ва назмусторлар чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар” гапида “дебдурлар”дан кейин **اما** - “аммо” сўзи ёзилган (966). Шунингдек, асар бошидаги муаллиф ўзини “яъни Алишер ал-мутахаллис бин Навоий ...” дея тилга олган жумлада “Алишер” исмидан аввал **امير** сўзи ёзилган. Бундай ҳолатни одатдагидек кўшув (+) белгиси орқали кўрсатдик: 2X + **اما** ёки 6X + **امير** каби.

Мухтасар килиб айтганда, Навоий насрой асарларининг амалга оширилган илмий-танқидий матнлари тамойилларига амал килган холда, яъни фаол танқидий танлаш принципи бўйича иш кўрдик.

Маълумки, илмий-танқидий матн яратиш бир қанча қўлёзмаларнинг ҳар бири билан яхши танишган ҳолда уларни чоғишириб ўрганиш, шундан кейингина кутилган матнни тузиб коғозга туширишдек узоқ давом эта-диган мashaққатли ишдир. Бунда бошқалар ёрдамига эҳтиёж тугилиши та-бний ҳол, албатта. Хусусан, биз ишнинг техник жиҳатларида кўмакка зарурат сездик. Ана шу борада бизга амалий ёрдам кўрсатганлари учун ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг илмий ходимлари Озодбек Алимов ва Кутфиддин Дехқоновларга ўзимизнинг самимий мин-натдорчилигимизни билдирамиз.

(Endnotes)

1. Əliser Navaiy. Muhakamatul lug'atayn. Uz SSR goslitzdat Taskent 1940. 11–12-bct.
2. Қаранг: Порсо Шамсиев шахсий архивининг каталоги. Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ю.Турсунов. “Машҳур пресс” н-ти, 2017.
3. Бу афзалликлар уччала босма нусхани ўзаро ҳамда Порсо Шамсиев нашрига қиёсан караб чиқилганда яққол кўзга ташланади.
4. Қ.Муниров. А.Носиров. Алишер Навоий асарларининг ЎзССР Фанлар академияси шарқшунослик институти тўпламидаги кўлёзмалари. Тошкент, “Фан” нашриёти. 1070. 51-бет.
5. Қаранг: М.Ҳамицова “Муҳокамату-л-лугатайн”нинг танқидий матнини яратиш йўлида. Адабий мерос. №2 (33). 1985. 81–84 бетлар.
6. Косимжон Содиков, “Муҳокамату-л-лугатайн”ни ўқиб-урганиш. Т., 2011, 7-бст; Косимжон Содиков. Матншунослик ва манбашунослик асослари, Т., 2017, 163-бст.
7. Тұртнинчиси (D) Будапештда сакланып жүргізілген нұсха бўлиб, Қ.Содиков у ҳақда туркияник олим Сема Барутчу Ўзундер маълумотига суюниш билан кифоятланған. Мазкур олимнинг ҳабар берисича, кўлёзма Венгрия Фанлар академияси кошидаги Кутубхона ва ахборот марказининг түрк бўлимида Top.Ok.75 белгили рақам билан сакланади. Унда китобот санаси кўрсатилмаган бўлиб, қатор матний ҳуусиятларга кўра Фотиҳ нұсхаасига якин туради. Китоб 44 варакдан иборат бўлиб, ҳар саҳифада 11 қатор жойлашган. Қаранг: Əliser Navaiy, Muhakamatul lug'atayn iki dilin Muhakemesi. Hazirlayan: F Semra Barutcu O'zo'nder, Ankara. 1996, 2-sayfa.
8. “Алишер Навоий қуллиёті кўлёзмалари тадқиқотидан”. “Адабий мерос” 1973. 3-сон. 86-87 бетлар.
9. Бу ҳолатни рисоланинг соғ илмий ҳарактердаги асар эканлиги билан изохлаш керак, албатта. Зоро, у асосан, илм ва маърифат аҳлининггина эътиборида бўлиб келган, холос.
10. Бу икки нұсханинг микрофильми Адабиёт музейининг кўлёзмалар фондидаги сакланади. Биз ана шу микрофильмлардан фойдаландик.
11. Ҳ.С.Сулаймонов. Ўша мақола, 88-89 бетлар.
12. Адабиёт музейимизнинг катта илмий ҳодими Жалолиддин Жўраев 2010 йилда Туркияда ҳизмат сафарида бўлиб, мазкур қуллиётнинг электрон вариантининг “Муҳокамату-л-лугатайн” асари матнидан нұсха кўчириб, бизга тақдим этгани учун унга ӯзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.
13. Ҳамид Сулаймон. Ўша мақола, 89 бет.
14. Қ.Содиков. Матншунослик ва манбашунослик асослари. Т., 2017, 168-бет; Қ.Содиков. “Муҳокамату-л-лугатайн” асарининг кўлёзмаларини чогиштирма ўрганиш масаласи. “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуудаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., 2017, 14-бет.
15. Ҳайдаробод нұсхаси. 64 б саҳифа.

16. Таниқли тилшунос олим, мохир мураббий, профессор Қосимжон Содиков мамлакатимизда биринчи бўлиб Фотиҳ нусхасини илмий истифодага киритди. У ўзининг талабалар учун яратган “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб-ўрганиш” номли рисоласида асар матнининг транскрипциясида мазкур парчани тўлик, яъни Фотиҳ нусхасидек берган. Бироқ китобдаги “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг “Хозирги ўзбекчага соддалаштирилган ўғирма”сида юкорида тилга олинган нашрлар матнадаги нуқсонли ҳолатнинг мазмуни берилган (қаранг: Қосимжон Содиков, “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб-ўрганиш”. Т, 2011, 82 бет.

17. Биз бир мақоламида гайрихиёрий равишда бу сўзларни эмас, “бирехт” ва “бигехт” сўзларини ёзиб юборганимиз (Ю.Турсунов, “Муҳокамату-л-луғатайн” танқидий матнини тузиш йўлида). Алишер Навоий ва XXI аср, илмий-назарий анжуман материаллари. “Тамаддун” Т, 2017, 40 бет

18. Əlişer Navayı, Muhakamatul lug'atayn. Uz SSR Goslitizdat Taskent 1940. 11–12 bet.

19. Қосимжон Содиков, Матншунослик ва манбашунослик асослари, Т, 2017, 169-бет.

20. Ҳ.С.Сулаймонов, 90-бет.

БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Алҳамду лиллоҳи-л-лазий имтоза-л-инсона ало соирил-маҳлукоти би-шарафи-н-нутқ-ва-л-лисони ва азҳара мин азубати лисониҳи ва ҳаловати баёниҳи суккари-ш-шукри ва шаҳдиш-шухуди ва-л-имтинони.

Р у б о и й:

Эй сўз била қилғон оғариниш оғоз,
Инсонни арода айлагон маҳрами роз.
Чун «кун фаяқун» сафҳасиға бўлди тироз
Қилғон они нутқ ила боридин мумтоз.

Субҳоноллоҳ не қудрати комиладурким, инсонни «Ҳаммарту тийната одама бияди арбаъина сабоҳан» каримаси мазмуни бирла «аллам ал-асмоа куллаҳа!» қобилияти берди ва ани «ал-мутакаллим» исми маҳзари қилди, то ул бу мазхарият шарафидин жамиъи маҳлукотка сарафroz бўлди ва бу ташриф била борисидин имтиёз топти.

Р у б о и й:

Яъники, чу оламни яратти Маъбуд,
Оlam элига қудрат ила берди вужуд.
Инсон эди мақсадки, бўлди мавжуд,
Инсондин хам ҳабиби эрди мақсад.

Мутакаллимеки, араб фусаҳоси балоғат гулбонгин сипеҳр гулшанидин ошурғонда анинг булбул нутқи «ано афсаҳу» тараннуми била аларни за-бонбаст ва даъвийлари овозасин ерга паст қилди.

Р у б о и й:

Ул вактки, не олам эди, не одам,
Қилмайдур эди буларни сунъ илги ракам.
Чун ул ўзининг хилқатидин урди дам,
Мантуки эди «кунта набиян фафҳам».

Ва саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи-т-тайибина ва асхобиҳи-т-тохирина ва саллама таслиман касиран, касира.

Такаллум аҳли хирманинг ҳўшачини ва сўз дурри самини маҳзанинг амини ва назм гулистонининг андалиби нағмасаройи, яъни Алишер ал-мутахалис бин Навоий ғаффара зунубаҳу ва саттара айюбаҳу мундок арз қилур-ким, сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жомии маонийи жузв ва куллдур. Андоқки, дарёдин гавҳар гаввос воситаси била жилва намойиш килур ва анинг қиймати жавҳариға кўра зохир бўлур. Кўнгулдин доди сўз дурри нутқ шарафига соҳиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатига бока интишор ва иштиҳор топар. Гавҳар қийматига нечукки, маротиб асрү қўпдур, ҳаттоки, бир дирамдин юз тумангача, деса бўлур.

Қ и т ъ а:

Инжуни олсалар муфарриҳ учун,
Минг бўлур бир дирамға бир мискол.
Бир бўлур ҳамки, шаҳ қулокқа солур:
Қиймати мулк, иbrasи амвол.

Сўз дуррининг тафовути мундин доди бегоятрок ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятрокдур. Андоқки, шарифидин ўлган баданға рухи пок етар, касифидин ҳаётлик танға заҳри ҳалок хосияти зухур этар.

Қ и т ъ а:

Сўз ғавҳаредурки, рутбасининг
Шарҳидадур аҳли нутқ ожиз,
Андинки эрур ҳасис мухлиқ,
Кўргузгучадур Масиҳ мӯъжиз.

Ва бу сўзнинг танаввуи таакқулдин нари ва тасаввурдин ташқариидур. Агар муболағасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин ракам урулса, етмиш икки навъ била тақсим топарида, худ ҳеч сўз йўқтурки, етмиш икки фирмка қаломига далолат қилғай; аммо улча тафсилийдур. Улдурким, рубъи маскуннинг етти иклимидин ҳар иклимда неча кишвар бор ва ҳар кишварда неча шаҳр ва қасаба ва кент ва ҳар даштда неча хайл-хайл сахронишин улус ва ҳар тофнинг қўлларида ва қуллаларида ва ҳар баҳрнинг жазойирида ва савоҳилида не тавойиғ бор. Ҳар жамоат алфози ўзгаларидин ва ҳар гурух иборати ёналаридин мутағайирилган ва бир неча хусусият била мутамайиздурки, ўзгаларда йўқтур.

Андокки, туюр ва баҳойим ва сибоънинг тиллариким, ҳар бирининг ўзгача хурушу такаллумлари бор ва ғайри мукаррар навову тараннумлари. Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидур ва мазкур маҳлукотдин мақсуд инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзинададур ва такаллум анинг қаломида борур.

Эмди келдук сўз баёнига ва қалом достониға: мунча мутанаввиъ шахру куро ва жиболу сахро ва бешау дарё ҳалқиким, битилди ва танаввуъй тагаййурини шарҳ этилдики, мажмуида маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фахм бўлур.

Барчасидин араб тили фасоҳатойини била мумтоз ва балоғат тазийини била мўъжизатироздурким, ҳеч такаллум аҳлиниңг мунда даъвоси йўқтур ва сўзи сидқ ва иши таслим – ўқдурким, маликун алломун жалла ва алонинг қаломи мўъжиз низоми ул тил била нозил ва Расул алайҳис-салавоту ва салламнинг аходиси саодат анжоми ул лафз била ворид бўлубдур.

Ва авлиёйи кибор ва машойихи олий миқдор қаддаса оллоҳу асрорахум кўпрак ҳақойик ва маорифки сурубтурлар ва маоний зеболарин тақрир либосига кивурудурлар. Ул фархунда иборат ва ул хужаста алфоз ва ишорат била воеъ бўлубдур. Оллоҳ, Оллоҳ ул равзаи рухафзода не назорат ва ул гулшани дилосода не назоҳатдурким, анинг бобони ва **وَأَنْزَلْنَا مِنَ الْمُنْفَرَاتِ** «ва анзалнаа мин ал-мўъсирооти мааан сажжожан линухрижа биҳи ҳаббон ва наботан ва жаннаатин алфоған» каримаси била такаллум қилур ва андалиб хушнавоси нубувват баёни била ва рисолат нағмаю алҳони била суруд кўргузур ва мазкур бўлғон тайюридин баъзи «лав кушифал-ғитоа мо изدادат яқинан» адоси била тараннум ниҳоятига етар ва сойир күшлари валоят изҳори ва ҳидоят осоридин навое иршодойин ва садое рашодталқин изҳор этар,

б а й т:

Ки, то бўлғай жаҳон боғи бу гулшан мевадор ўлсун,
Ҳаримида бу булбулларға бу гулбонг бор ўлсун.

Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва муътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари била қойилининг адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўлтур. Аммо, туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншиидурки, Нух пайғамбар салавотуллоҳи алайҳаниңг уч ўғлиғаким, Ёғас ва Сом ва Ҳомдур етишур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нух алайҳиссалом тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлакасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди. Ёғасники, таворих аҳли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва

Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турун мамоликининг васатида во-
лий қилди ва Ҳомники, Абул-хинд дебурлар, Ҳиндистон билодига узатти.
Ва бу уч пайғамбарзода авлоду атбои мазкур бўлғон мамоликда ёйилдилар
ва қалин бўлдилар.

Ва Ёфас ўғлонники, Абут-туркдур, тарих аҳли иттифоқи била деб-
дурларки, нубувват тожи билан сарафroz ва рисолат мансаби била кар-
дошларидин мумтоз бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва хиндий
бўлғай, бу уччовнинг авлод ва атбоъи орасида шоев бўлди. Чун Ҳом Нўҳ
алайҳиссаломга беадаблик қилғон жиҳатдин анинг муборак тилига Ҳом
борасида қарғиши ўтуб эрди, бу сабабдин анинг ранги баёзи саводға му-
баддал бўлуб, тили шикасталик зоҳир килиб, фасоҳат ва балоғат ҳуля-
сидин орий қолди ва авлоду атбоъики, Ҳинд кишвари аҳли бўлғайлар,
лавнлари мактаб аҳли машқи варакидек шибҳранг, балки шабгун ва тил-
лари атфолнинг уни ушалғон қаламидек ўзгача адо била таҳриру тақрир
зеваридин ожизу забун қолдилар. Онсиз ҳам бўлмағайким, бирор варак
юзини мураккаб қароси била ўз юзлари сафҳасидек каро қилмағайлар ва
ўз тилларидек шикаста қалам тили била адо этмагайлар. Аммо, ул сафҳа
ракамин ўзларидин ўзга киши билмас ва ул қалоғполарни ул савод аҳ-
лидин ўзга бирор ўқумас ва фахм қилмас. Чун арабий тил ва мақол била
қалом ва хиндий алфоз била музахрафоти нофаржом, бири ғояти шараф
ва улувви манзаладин ва бири ниҳояти наҳусат ва дунувви мартабадин
орадин чиктилар. Қолди туркий алфоз била максуд адоси ва форсий ибо-
рат била қалом маъноси.

Андоқ маълум бўлурки, турк сортдин тезфаҳмроқ ва баланд идрокрак
ва хилқати софроқ ва покрак махлук бўлубдур ва сорт туркдин таақкул
ва илмда дақикроқ ва камолу фазл фикратида амийкроқ зухур қилибдур
ва бу ҳол туркларнинг сидқу сафо ва туз ниятидин ва сортларнинг илму
фунун ва ҳикматидин зоҳирдурур. Ва лекин тилларида камол ва нуқсон
хайсиятидин фоҳиши тафовутлардурки, алфоз ва иборат вазъ қилурда турк
сортка фоиқ келубдур ва ўз алфозида ишорати иборатига мазийялар кўр-
гузуптурки, ўз маҳаллида, иншооллоҳ, мазкур бўлғай.

Яна туркнинг мулојмати табъининг сортдин ортуғлиғига далиле мун-
дин возиҳроқ ва шоҳиде мундин лойиҳроқ бўла олурмуким, бу икки тои-
фанинг йигити ва қариси, балки улуғдин кичик – бориси орасида ихтилот
алассавиядур. Ҳар миқдорки, бу бирининг у бири била омизиши ва гуфту-гу-
зори бор, ул бирининг ҳам бу бир била ҳамонча тақаллуму гуфтори бор. Ва
сорт орасида аҳли табъ ва дониш зумраи илму зеҳн ва бийниш кўпракдур.
Ва турк элида ажлоф ва сода эл сортдин зиёдадур. Аммо туркнинг улуғдин
кичиғига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидин баҳраманд-

б а й т:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим, гаҳ синграмак.

Форсийда бу мазмунки бўлгай, шоир не чора қилғай?!

Ва сиктамоқким, йиғламоқта муболагадур, турк бу навъ адо қилибдурки,

б а й т:

Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени,
Йиғлатти мени демайки, сиктатти мени.

Яна бийик ун билаки, эътидолсиз ошуб била йиғлағайлар, ани ўкурмак дерлар ва туркчада ул маънида бу матлаъ борким,

б а й т:

Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур.
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўкурмакдур.

Чун ўкурмак лафзи муқобаласида форсий тилда лафз йўктур. Форсийгўй шоир мунунғдек ғариб мазмун адосидин маҳрумдур. Яна йиғламоқнинг ўкурмаки муқобаласида **инчкирмак** даги бор ва ул инчка ун била йиғламоқдур ва ул турк лафзида бу навъ таркиб била адо топибдурурким,

б а й т:

Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб йиғлармен,
Игирур чарх киби инчкириб йиғлармен.

Аммо, йиғламоқта **хой-хой** лафzin адода ўзларин туркийгўйларга шарик килибдурлар ва бу лафз ҳам аслан туркий услубдур ва факирнинг бу мактаи машҳурдурким,

б а й т:

Навоий, ул гул учун хой-хой йиғлама кўп
Ки, ҳай дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор!

Яна турк алфозида **қимсанмоқ** ва **қизғанмоқ** икки ғариб лафздурки, анинг адоси бу байтда борки,

б а й т:

Узорингни очарга қимсанурмен,
Вале эл күрмагига қизғанурмен.

Форсийгүй шуаро мундок хұб мазмун адосидин мажжурдурлар.

Ошиқ аёғига тикан кирмакка алар «хор» лафзи била тааруз қилибдурлар, аммо چұкурки, мұълимроқдир, бу лафзлари йұқтур ва бу туркчада мундок адо топибдурким,

б а й т:

Чұкурларким, сенинг йұлунгда тевролмиш аёғимга,
Чекиб ул күй гардин сурма тортармен қарогимга.

Яна ишқ тариқида маҳбуб наззораси мұяссар бўлса, ошиқнинг ниёз юзидин телмурмаги асру мunoсиб ишдур ва бу лафз аларда йұқтур ва мунунгдек лафзлари ҳам йұқтур ва бу туркчада мундок дейилибдурки,

б а й т:

Тўқадур конимни ҳар дам кўзларинг боқиб туруб –
Ким, неча юзумга бокқайсен йироқдин телмуруб.

Яна турк лафзининг маҳбуб жонибидин ясанмоғи мұқобаласида сорт лафзиди ороста ва оройиш лафзи бор. Аммо безанмак мұқобаласида нима демайдурлар ва ул ясанмоғнинг муболағасидур ва ани мундок дебдурларким,

б а й т:

Эрур бас чу хусну малоҳат санга,
Ясанмоқ, безанмак не ҳожат санга?

Ва хұбларнинг күз ва қошлари орасинки, қабоғ дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йұқтур. Маснавийда бир жамоат хұб таърифіда мундок дейилибдурким,

б а й т:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.

Яна ишқ атвoriдаким, ашқ ва йиғламоқ мұқобаласида ох ва иссиг дам умдадур, турклар дамни чоқинга, охни илдиrimга нисбат бериб, дебдурларким,

б а й т:

Фироқинг ичра улус ўртамакка, эй моҳим,
Чокиндуур дамиму илдиримдуур охим.

Сорт тилинда чоқин ва илдиримдек мутааййин ва мұтабар икки нимага от құймайдурлар ва араб тили била «баркун» ва «соңқатун» била адо қилибдурлар.

Ва хүсн таърифида улуғрок холғаким, турклар менг от қўйуптурлар, алар от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким,

б а й т:

Анингким, ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти.

Агар бирин-бирин алфоз вазъидаким, алар таксири қилибдурлар, таарруз килилса, сўз узар. Невчунки, кўп воқеъдур.

Яна шеърда барча табъ ахли қошида равшан ва мажмуъ, фусахо оллида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом багоят куллийдур. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсийдин кўпрак тажнисомиз лафз ва ийҳомангиз нукта борки, назмга мужиби зебу зийнат ва боиси такаллуфу санъатдур. Масалан, от лафзики, бир маъниси аламдур, яна бир маъниси маркабдур ва яна бир маъниси амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буйурғайлар. Бу тажнисда мундок дейилибдурким,

б а й т:

Чун парию ҳурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар ҳадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сортда йўқтур ва муни туюғ дерлар. Ва муунунг таърифин «Мезон ул-авзон» отлиғ арузки битилибдур, анда қилилибдур.

Яна ит лафзи ва анда доғи бу навъ уч маъни бор, андокки,

б а й т:

Эй ракиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит,
Бизга раҳм айлаб анинг қўйидин ит.
Гарчи бор дўзахча ишқинг шуъласи,
Бизни ўз илгинг била ул сори ит.

Ва туш лафзида ҳам бу навъ уч маъни бор. Ва яна ён лафзида ва ёк лафзида ҳам бу ҳолдур ва бу навъ лафзки, анда уч маъни бўлгай, хад ва ҳасрдин кўпрак топилур.

Ва хили лафз ҳам топилурки, тўрут маъниси бўлгай, андоқки, бор лафзики, бир маъниси мавжудлуғдур ва бир маъниси амрдур – борувга ва бир маъниси юқдур ва бир маъниси самардур.

Ва андоқ лафз ҳам топилурки, беш маъниси бўлгай: **соғин** лафзидекки, бир маъниси ёд қилмокқа амрдур ва бири сутлук қуй отидур ва ишқ масти ва мажнуни ва бемори муқобаласида соғин деса, ҳар бириға итлоқ қилса бўлур.

Яна андоқки, **туз** лафзики неча маъни ирова қилса бўлур. Бири тузки, ўқ ё найзадек нимани дерлар. Яна туз – ҳамвор даштни дерлар, яна туз – рост кишини дерлар, яна туз – созни тузмакка амр килмоғни, яна туз – икки киши орасида мувофакат солмоғни дерлар. Яна туз – бир мажлис асбобини ҳам деса бўлур.

Ва **кўк** лафзин ҳам неча маъни била истеъмол килурлар. Бири кўк – осмонни дерлар. Яна кўк оҳангдур. Яна кўк теграда кўкламакдур. Яна кўк кадоғни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва ўлангни дағи дерлар. Бу навъ алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрут маъни ва ортуғроқким, ирова қилса бўлгай, кўп борки, форсий алфозда андоқ йўқтур. Ва маъруф ва мажхул қофияда «вовий», «ёйий» ҳамки, форсий ашъорда воеъ бўлур, икки харакатдин ортуқ бўлмас. «Вовий» андоқки: **худ** ва **дуд** ва **зўр** ва **нур**. Ва «ёйий» андоқки: **пир** ва **шир**. Ва туркий алфозда бу маъруф ва мажхул харакат тўрут навъ топилур: ҳам «вовий»си ҳам «ёйий»си; «вовий»си андоқки, **ұтки**, шайъи мухриқдур ва ұт мурур маъниси била ва ұт муқаммирга бурд жихатидин амр ва ұтки боридин ириқ харакатдур, каллани ұтка тутуп, түкин аритур маънинадур. Яна бир мисол: **тўрки**, **домдур**, яна **тўрки**, андин **дақиқроқдурки**: күш ўлтурур йиғочдур ва тўрки, андин **дақиқроқдур**: уйнинг тўридур ва тўрки, барчадин ариқдур: тўрлугни ё эшикни тўрмак уйдур.

Ва «ёйий» мисол уч харакатдин ортуқ топилмас: **бийизки** сорт «кадуд» дер ва бийизки «мо» ва «нахну» маъниси биладур ва бийизки «дарафш» дерлар. Яна бир мисол: **терки**, термак маъниси биладур. Ва терки, андин **дақиқроқдур**, улдурки, сортлар ани «арак» ва «хўй» дерлар. Тирки, боридин ариқдур, ўқ маъниси биладур. Ва бу навъ алфоз кўп, уч харакат била вазъ қилибдурларки, ҳоло шоеъдур. Ва неча хуруфқа иборат вусъати учун, балки қофия сухулати учун бир-бирига ширкат беридурларки бир лафзни. Ул жумладин бири, «Алиф» била «ҳо» орасида муносабат ва мушоракат беридурларки, бир лафзни ҳам охири алиф лафз била қофия қилса бўлур. Андоқки, «аро» лафзин «саро» ва «даро» била қофия қилса бўлур, «сара»

ва «дара» била ҳам кофия қилса бўлур. Яна бир мисол: андоқки, «ядо» лафзин «садо» била кофия қилса бўлур, «бода» била ҳам қилса бўлур. Ва «вов» била «замма» орасида ҳам ул навъ ширкатдур. Андоқки, «эрур» лафзин «хур», «дур» лафзи била қофия қилса бўлур, «ғуур» ва «зарур» лафзи била ҳам жойиздур. Ва «ё» била «касра» орасида дағи бу навъдур, андоқки, «оғир» ва «боғир» алфозин «содир» ва «қодир» алфози била қофия қилса бўлур, «таъхир» ва «тағирир» алфози била ҳам бўлурки, форсий алфозда бу сухулатлар йўқтур.

Ва бу алфоз возеълари кўп нимада жузъётқа таарруз қилиб, ғарид мазмун ва мағхумлар учун алфоз вазъ қилибдурлар, андоқки, баъзи масодирда ўтти.

Яна гизо ва ҳар таомки, еса бўлур, егулик дерлар ва сув ичмак ва ҳар ниманики ичса бўлғай ичқулиқ дерлар ва сорт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам ва ичмакни ҳам «хўрдани» лафзи била адо қилурлар.

Ва улук кардош ва кичик кардошни иккаласин «бародар» дерлар ва турклар улуғни – «оға» ва кичикни «ини» дерлар. Ва алар улуғ, кичик киз кардошни ҳам «хоҳар» дерлар. Ва булар улуғни – «эгачи» ва кичикни «сингил» дерлар. Ва булар отанинг ога-инисини «абоға» дерлар ва онанинг оға-инисин – «тағойи». Ва алар ҳеч қайсиға от тайнин килмайдурлар ва араб тили била «кам» ва «хол» дерлар. Ва қўкалтошни туркча тил била дерлар. Ва атка ва энагани ҳам бу тил била айтурлар.

Бир мутаайин нимаким, «оқ уйдур», анга «хиргоҳ» от қўюптурлар. Аммо, анинг ажзосининг кўпини турк тили била айтурлар. Андоқки, тунглук ва узук ва тўрлуг ва босруғ ва чиғ ва қанот ва қўзанак ва увуғ ва боғишиш ва бўсаға ва эркина ва ало ҳозал-қиёс.

Ва ов ва қушки, салотин одоб ва русумида ҳар қайси бошқа мутаайин иштур, иккаласин, «шикор» дерлар. Ва овда умдаки кийикдур, турк анинг эркагин «хуна» ва тишисин «қилчокчи» дер. Яна суйқуннинг ҳам эркагин «буғу» ва тишисин «марал» дер. Сорт оҳу ва ғавазндин ўзга нима демас. Ва бир шўру шайнлиғ овки, тўнгуз овидур, анинг ҳам эркагини «қобон», тишисин «мегажин» ва ушогин «чўрпа» дерлар. Ва сорт барчасин «хук» ва «гуроз» лафзи била айтур. Ва келдук қушқаки, анда муқаррар ва машхур илбосун ўрдакдур. Ва сорт эл илбосунни худ билмас. Дағи турк ўрдакнинг эркагин «сўна» ва тишисин «бўрчин» дер. Ва сорт мунга ҳам от қўймайдур. Ва нар ва мода иккаласин «мурғоби» дер. Ва ўрдакнинг анвои билур қушчилар қошида, масалан, жўрка ва эрка, суктур ва олмабош ва чоқирканот ва темирканот ва алабуга ва алапука ва боғчол ва бу йўсунлук дерларки, етмиш навъ бўлурким, сорт борисин мурғобиўк дер. Ва агар бир-биридин мутамайиз қилса, туркча от била-ўқ айтурс.

Яна ёзи қушларидин түгдөк ва түғдори, чөгүрүк, килкүйрук, құла-
пурға, япалок, қулод ва лаклак, жайлон, қоракүш, телбақүш, чақжиг-
дек күшлар отлари йүктүр, күпин түркча айтурлар. Ва тогу тұзда жилға,
сүкмөъ, даваш, арғадол, киройиши, бурмоғ, секретма, сирт, учма,
ишма, ийлот, бокирұланғ, түқай, кулкулақ, сонғ, сойанғ, чоқил, сой,
шұртанғидек нималарнинг күпига от тайин қылмайдурлар. Ва жонвор-
ларнинг унидин бир от кишинамагига шийхә от құйубтурлар; тева бұзла-
могиға ва уй мунграмагига ва эшак ингриғиға ва ит ғингшимогиға ва
улумогиға лафз йүктүр.

Яна от анвойдаки, тубучок ва аргумоқ ва яка ва ёбу ва тоту йұсунлук
– борини түркча-үқ айтурлар.

Ва отнинг ёшин дағи күпракин түркча айтурлар. Бир қулунни «курра»
дерлар. Үзга: той ва ғұнан ва дүнан ва түлон ва чирға ва ланға дегунча
фасихреклари түркча дерлар ва күпраги муни ҳам билмаслар. Ва отнинг
эйарин агарчи «зин» дерлар: аммо күпрак ажзосин, мисли: жибілғир ва
хано ва түқум ва жазлиғ ва үларчоғ ва ғанжуға ва жилбур ва күшкүн ва
қантар ва туфак ва түқа йұсунлук күпин түркча айтурлар ва қамчинни
агарчи «тозёна» дерлар, аммо, булдурғасин ва чупчурғасин түркча айтур-
лар.

Ва жиба ва жавшан ва күхә ва қолғандуруқ ва қорбичи ва ке-
чим ва оxa йұсунлук уруш асбобин ҳам түрк тили била айтурлар.
Ва маъхудий албисадин мисли: дастор ва қалпоқ ва наврұзий ва түппи ва
ширдоғ ва дакла ва ялтак ва ёғлиғ ва терлик ва күр йұсунлуг нималарни
борисин түрк тили била айтурлар.

Егулуклардин агарчи қүй мучаларидин баъзига от қүюптурлар, аммо,
орқани ва ошуғлуғ иликни ва ён сұңгакни ва қобурғани ва игикни ва
ұрта илик ва бүгүзлағуни түркча айтурлар. Ва яна баъзи емаклардин қай-
мог ва қатлама ва буламоғ ва қурут ва улоба ва манту ва қуймог ва
уркамачни ҳам түркча айтурлар. Ва қимизни ва сұзмани ва бохсумни ва
бұзани дағи түркча айтурлар. Яна тутмоч ва умоч ва күмоч ва толғонни
ҳам түркча айтурлар. Ва бу навъ жузъиётка машғуллук қилса бағоят күп
топилур.

Аммо, қуллийрак калимотни адo қилали: араб тилининг сарфий ис-
тилоҳининг аввобида бир бобдурки, анга – муфоала боби от қүйуптур-
ларки, лафз бир мазкур бұлур, аммо иккi киши феълиға муштамал-
дурки, бир навъ воқеъ бұлғай. Андоққи, «муораза» ва «муқобала» ва
«мушоара» ва «муколама» ва қуллий бобдур ва мунда азим фавоид хо-
сил. Ва форсийгүйлар мунча фасоҳат ва балоғат даъвоси била бу фойда-
дин махрум. Аммо түрк булағоси бу фойдаға таарруз килибдурлар. Ва

масдарға бир «шин» ҳарфи илхок қилмоқ била ул мақсудни топибдурлар. Андокки, «чопишмоқ» ва «топишмоқ» ва «қучушмоқ» ва «үпушмак» ва бу шоөл лафздор. Ва бу лафз возеи азизларға жойи таслим ва тахсиндерки, бағоят хұб килибдурлар. Ва бу фасохат била сорт фусахосидин тамом сижилибдурлар.

Яна арабий сарф истилоҳда икки мағъуллук феъллар борки, анинг адоси дағы мұтабар ва куллийдур. Андин дағи сорт ва алар орий қолибдурлар. Ва атрек анға ҳам хұбрөк важқ била мутобаат килибдурлар. Арабий андокки, «Аътайту Зайдан дирхаман», бу таркибда уч лафз мазкур бұлур. Алар лафзға бир ҳарф орттурғон била мунга үхшаш бир замирни орттурубдурлар, бағоят мухтасар ва муғид тушубдур. Андоқки, **югурт** ва **қилдурт** ва **яшурт** ва **чикорт**. Яна бир адолари борки, баъзи алфознинг сұнгғида «ч», «ёй»ки, «чи» лафзидур, орттурурлар, ё мансабнинг ё хунарнинг ё пешанинг изхори учунки, форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар. Мансабда андокки, **қўрчи** ва **сувчи** ва **хизоначи** ва **керак-яроғчи** ва **чавгончи** ва **найзачи** ва **шукурчи** ва **юртчи** ва **шилончи** ва **ахтачи** йусунлуг кўптур.

Хунар ва пешада андокки, **қушчи** ва **борсчи** ва **қўруқчи** ва **тамғачи** ва **жибачи** ва **йўргачи** ва **халвочи** ва **кемачи** ва **қўйчи**. Андоқки, қуш хунарида дағи бу истилоҳ, бордур, андокки, **қозчи** ва **кувчи** ва **турначи** ва **кийикчи** ва **товушкончики**, сорт лафзизда йўқтур. Ва алар мазкур бўлгонларнинг кўпин туркча айтурлар.

Яна бир навъ иборат ва адолари борким, бирордун бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбатгана берурлар, йўқки, таҳқиқ юзидин, балки мазанна ва гумон ҳайсиятидин, аммо, мунда диққат кўптур. Андоқки, **боргудек** ва **ёргудек** ва **кулгудек** ва **билигудек** ва **айтқудек** ва **қайтгудек** ва **урғудек** ва **сурғудек**. Ва бу форсийда бўлмас.

Ва баъзи алфознинг охирида бир «чим» ҳарфи васл қилурлар ва анинг била ул феълда суръат йусунлук ирода қилурлар. Андоқки, **теккач** ва **айтгач** ва **борғоч** ва **ёргоч** ва **топқоч** ва **сотқоч**. Яна бир «коф» ва «ре» ҳарфики, баъзи лафзнинг охирига илхок қилурлар, андин муболага ва саъй ирода қилурлар, андокки, **билакўр** ва **қилакўр** ва **кетакўр** ва **етакўр**. Ва яна бир ранғ ё бир сифатнинг ҳумули ҳолига муболага учун анинг аввалида, аввал ҳарфига бир «п» ё «мим» изофа килиб, ул шайъга зоид қилурлар: «п» мисоли: **оп-оқ**, **қап-қара**, **қип-қизил**, **сап-сариг**, **юп-юмалоқ**, **яп-ясси**, **оп-очуғ**, **чуп-чуқур**. Бу навъ хили ҳам топилур «мим» мисоли: **кўм-кўк**, **ям-яшил**, **чўм-бўз**.

Яна бир «вов» ва «лом» баъзи лафзға илхок килиб бир мұтабар ва маҳсус сифатка таъйин қилурларки, салотининг хоҳ разм асбоби

учун ва хоҳ базм жихоти учун мұттардур. Андокки, хировул ва қаровул ва чингдовул ва янковул ва сүзовул ва патовул ва китповул ва ясовул ва баковул ва шиговул ва дақавулким, алар мундин орий-дурлар.

Яна баъзи лафзға бир «лом» илхоқ қилурларким, ул шайънинг ул сифатда русухига далолат килур. Андокки, қаҳол ва ясол ва қабол ва тункол ва бирқол ва түсқол ва севарғол.

Килич била чопмогни, сўғлумоғни ва найза била санчмоғни ва илмоғни барисин «зад» лафзи била адо қилурлар. Яна баъзи маҳал ва маконға бир «коф» илхоқ қилиб, бир фасл ё бир амрға мансуб қилурлар. Андокки, қишлоқ ва яйлоқ ва овлоқ ва қўшлок. Ва бу ҳам гаридур. Ва форсийда ҳам баъзини турк тили била айтурлар.

Бу алфоз ва иборатда бу навъ дакойик кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши мунинг ҳақиқатига мулоҳаза қилмағон жиҳатдин бу ёшурун қолидур. Ва ҳунарсиз туркнинг ситамзариф йигитлари осонликқа була форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлуттурлар. Ва филҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул килса, чун бу лафзда мунча вусъат ва майдонида мунча фусҳат топилур, керакким, мунда ҳар навъ сухангузорлиғ ва фасихгуфтторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонрок бўлғай ва воеъ осонроқдур.

Андин сўнграким, турк тилининг жомиййати мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу ҳалқ орасидин пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳийат ва табъларин ўз тиллари тургоч ўзга тил била зохир қилмасалар эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилияtlари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озрок айтсалар эрди. Ва агар муболага қилсалар, иккаласи тил била тенғ айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштабълари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва билкулл турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили билан назм айтқондек фасих турклар кошида ўқуй ва ўткара олмағайлар ва ўқусалар, ҳар лафзлариға юз айб топилғай ва ҳар таркиблариға юз эътиroz ворид бўлғай.

Пас, бу ҳайсиятлардин андоқ маълум бўлурким, чун бу тилда гарид алфоз ва адо кўпдур. Муни хушойанда тартиб ва рабоянда таркиб била боғламоғининг душворлиғи бор. Мубтадий табъи ул назмни душворлиғ била боғламоқдин кўфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонроқ сари майл килур. Чун неча катла бу нав воеъ бўлди, табъи хўй килди, чун табиат мұттод бўлди, ўз мұттодин кўйуб, гайр мұттодғаким, мушкилрак ҳам бўлғай, майл қилмоги мутааzzирдур.

Яна улким, ўз хамжинси ожизларни ҳам мойил, балки муштағил ушбу навъга күрар ва замон ва расм ахли тариқидин чиқмоғни муносиб күрмас ва бу навъ била колур.

Ва мубтадийға яна одатдурким, табъидин ул нима бош урса, чун ўз зодай табъи үзига маҳбуб эканга мажбулдур, тиларки, ани бу фан ахлиға арз қилиб жильты бергай. Чун бу фан ахли форсийгүйдурлар ва турк алфозидин баҳраманд эмаслар, табъи ул жонибдин эъроз қилиб, бу фанға машғул эл сари майл күргузур.

Эмдики, майл күргузди, муносабатлар топиб ҳам бу хайлдин бўлур, андокки, бу замонда бўлубдур. Бори ҳар тақдир билаки бор, бовужуд турк алфозининг форсийға мунча мазийати ва нафс ул-амрда мунча дикқати ва вусъати назм тариқида шоёй эмас эрди ва китмон ниҳонхонасиға тушуб эрди, балки матрук бўлурға ёвушуб эрди. Бу хоксорга сибо авоилидаким, оғиз ҳуккасидин бирор гавҳар зоҳир була бошлар, ул гавҳарлар ҳануз назм силкига кирмайдур эрдиким, замир дарёсидин назм силкига тортилғон гавҳарлар табъ ғаввоси саъий била оғиз сохилига келабошламоқ күргузуб эрди. Чун мазкур бўлғон коида билаким, адо топти – майл форсий сари бўлди. Аммо чун шуур синниға қадам қўюлди, чун ҳақ субҳанаҳу ва таоло табъга гаробат сари майлни зотий ва дикқат ва душворписандлиққа шуруъни жибиллий қилиб эрди, турк алфозиға дағи мулоҳазани лозим кўрулди – оламе назарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ, анда зебу зийнат ва сипехре табъга маълум бўлди, тўқкуз фалакдин ортуқ, анда фазоу рифъат; маҳзане учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин раҳшандароқ ва гулшане йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дурахшандароқ; ҳарими атрофи эл аёғи етмақдин масун ва ажноси ғаройиби ғайр илиги тегмақдин маъмун. Аммо, маҳзанининг йилони хунхор ва гулшанинг тикани беҳадду шумор. Хайолга келдиким, ҳамоноки, бу йилонлар неши наштаридин табъ ахли хирадмандлари бу маҳзандин баҳра топмай ўтуптурлар ва кўнгулға андок эврулдиким, гўёки бу тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутубдурлар.

Чун бу тариқда химмат олий эрди ва табъ бебоку лоуболий, ўтарга кўймади ва тамошосидин тўймади. Ул олам фазосида табъ сипоҳи турк-тозлиғлар тузди ва ул сипехр ҳавосида хаёл қуши баланд парвозлиғлар күргузди ва ул ганж жавоҳиридин замир сайрафийси ниҳоятсиз қийматлиғ лаълу дуррисамин олди. Ва ул гулшан раёҳинидин кўнгул гулчини ҳад ва фоятсиз накхатлиғ гул ва ёсуман қўйниға солди.

Чун бу мавоҳиб била ғинолар ва бу ғанойим била истиғнолар мұяссар бўлди, мунунг натойижи гуллари рўзгор ахлига беҳаду микдор очила бошлади ва бошларига беихтиёр сочила киришди. Ул жумладин, бири «Ғар-

йиб ус-сиғар» девонидурким, кичик ёшда тақририм гузориш ва таҳиримдин нигориш топибдурким, маоний гурабосин гарип алфоз либосиға кивурупмен ва халқ құнглин ул гарбиистон ахли үти била күйдурупмен.

Яна «Наводир уш-шабоб» девонидурки, йигитлик авоилида байоним килкидин намойиш девониға ва оройиш бұстониға кирибдурким, ул на водир тамошосидин йигитлик мулкида ғавғо солибмен ва мулк йигитлари құнглидин орому қарорни олибмен. Яна «Бадое ул-васат» девонидурким, умр авоситида хаёлим хомаси анинг зебига нақшбандлиғ ва зийнатиға сәхрпайвандлиғ қилибдурким, ул бадеълар воситасидин шайдо құнгуллар эшигин ишқ тоши била қоқибмен ва ул уйга фитна ва оғат үтін ёқибмен. Яна «Фавоид ул-кибар» девонидурким, хаёт авохирида тахаййулум хомаси ани рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати хұлди барин қилибдурким, анда улутғларға фойдалар зулолин еткурупмен ва ҳаваслари шуыласиға насыйих зулолидин сув урубмен. Бу тұрт девон овозасин чун рубьи маскунга еткурупмен, «Хамса» панжасиға панжа урупмен. Авалким, «Хайрату-лаброр» боғида табъым гуллар очибдур, Шайх Низомий рухи «Махзану-л-асор»дин бошимға дурлар сочибдур.

Яна чун «Фарход ва Ширин» шабистониға хаёлим юз тутубдур. Мир Хусрав дами «Ширин ва Хусрав» үтидин чарогимни ёрутубдур. Яна чун «Лайли ва Мажнун» водисида ишқим пүя уруптур, Ҳожу ҳиммати «Гавҳарнома»сида нисоримға гавҳарлар еткуруптур.

Яна чун «Сабъай сайёра» расадин замирим боғлабтур, Ашраф «Ҳафт пайкар»ининг етти ҳұрвашин пешкашимға яроғлабдур. Яна чун «Садди Искандарий» асосин хотирим мұхандиси солибдур, Ҳазрати Махдум «Хираднома»сидин күси ислоҳ ва имдод чолибдур.

Бу «Хамса» шуғлидин чун фарогат топибмен, тахаййулум гети навардин салотин таърихи даштига чопибмен, чун нома саводи зулматидин «Зубдат ут-таворих» адосин тузупмен, салотин үлған отин бу ҳайвон суйи била тиргузупмен.

Чун «Насоиму-л-муҳаббат» нафақоти байонидин килким файзрасон бұлубтур, авлийоуллох муқаддас рухи файзидин оlam тұлубдур. Чун «Лисону-т-тайр» алқони била тараннум тузулмен, қүш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида құргузупмен. Чун «Насру-л-лаолий» хазоини таржимасиға еттим, «Назму-л-жавохир» била маъни абкори хуллаларин мұрассасъ эттим. Чун «Мезону-л-авзон» баҳрларида ғаввос бўлдум, ул меъёр била Насри Тусий узрин қўлдум.

Яна доғи расоилға қалам сурупмен ва макотибға ракам урупменки, форсий сәхрсозлар ва паҳлавий афсона пардозлар ҳам анда авроқ ораста ва ажзо пироста қилибдурларким, доно ҳакам адолат юзидин кўз солса

ва бурунги форсий ва сўнгги туркий латойиф ва дақоиқидин баҳра олса, хукм сўрар замонида ва ҳар қайсиининг мартабасини таъйин килур авонида умидим улдур ва хаёлимга андок келурким, сўзум мартабаси авждин қуи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай.

Бу сўзлардин хасм мундок билмасун ва муддаий бу навъ гумон қилмасунки, менинг табъим турк алфозига мулойим тушган учун таърифида му болаға изхор килурмен ва форсий иборатқа муносабатим озрок учун инкор ва нафийига исрор кўргузурменким, форсий алфоз истифосин ва ул иборат истиксосин киши мендин кўпрак қилмайдур эркин ва салоҳу фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркинким, умрум гулшанининг тоза баҳорининг таровати чоги ва хаёт равзасининг наврас сабзазорининг назоҳати вақтим, ўн беш ёштин қирқ ёшқачадурки, инсон хайлининг табъи булбули ҳар гул жамолига шефта ва руҳи парвонаси ҳар шамъ хуснига фирифта бўлур, вақт бу авқотдур. Ва бу авқотда кўп ғариб воқеъ ҳодисдурки, ул воқеа бирор хусну нозин ё ўз ишқу ниёзин шарҳ этарга боис бўлур. Ва бу ҳол ғазал тариқида мунҳасирким, ё айтурға мутааммил бўлулғай ё ўқуриға муштағил. Ўқуриға давовиндин бу факир мутолаасига кўп машғул бўлмағон девон оз эркин. Батахсис, ишқу дард аҳлининг раҳбар ва пешрави Амир Хусрав Дехлавий девониким, ошиклиқда дарду ниёз ва сўзу гудоз тариқин ул мунташир қилди ва онинг ишқи машъалидин бу партав олам тийра хокдонига ёйилди.

Яна ҳакикат аҳлининг сархайл ва сарафрози Ҳожа Ҳофиз Шерозий нуқот ва асроринки, анфоси руҳулқудсдин нишон берур ва руҳуллоҳ анфосидин асар еткуур.

Яна бу факирнинг пиру устоди ва тариқат аҳлининг соҳиби иршоди, жамиъ аҳлулоҳнинг муктадо ва шайх ул-исломи Ҳазрати Махдумий Нурул-миллат вад-дин Мавлоно Абдураҳмон Жомий күддиса сиррухунинг руҳпарвар латойифи ва руҳгустар заройификим, андин ҳар ғазал «кал-ваҳийл-мунзал» ва ҳар рисола «кал-аҳодисин-набии мурсал» олий шон ва рафъе макондурким, алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдоррок ва хиркатда лаъли оташиндин барқкирдорроқ. Ва иккаласи мазкур бўлғон азиз қаломи мӯъжиз низомидин анда чошни ва насиб ва ўз ишқу камолоти ва ниҳояти ҳолоти мунга изофаки, ҳазо шаътун ажиб. Барчасига кўп катла ўтупмен, балки кўпин ёд тутупмен ва қасойид ва газалиётларининг ғаройиб ва латофатин билибмен, балки ғариброк ва латифрокларига татаббуъ дағи килибмен. Қасойиддин Амир Хусравнинг «Дарёи аброр»иким, машхур мундоқдурки, дер эрмиш бўлғайки, «Юз минг байтдин ортуғ девонларим ғазалиёти ва қасойид ва маснавийларим абъёти агар олам саҳифасидин йуйулса ва даврон саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасида қолсаки,

анда маъни истийфойи вофийдур, бу фан аҳлиға менинг фазойилим далилиға кофийдур» ва матлаъи машхурдурким,

н а з м:

Куси шаҳ холију бонги ғулғулаш дарди сар аст,
Ҳар ки қонеъ шуд ба хушку тар, шаҳи баҳру бар аст.

Ва бу шеърга Ҳазрати Махдумий Нуран жавоб айтибурлар ва отин «Лужжат ул-асрор» битибурлар. Ва матлаи будурким,

б а й т:

Кўнгурি айвони шаҳ к-аз коҳи кайвон бартар аст,
Рахнаҳо дон к-аш ба девори хисори дин дар аст, –

ки, агар ул «Дарёйи аброр»дур, бу абри баҳордурки, мартабада андин ба-ландрок ва баҳрада андин фойдамандроқдурки, анинг устига соя солурға ёйила олур ва бошиға дурафшонлиғ даги қила олур. Фақир иккаласи бузургвори рафеъ микдорға ниёзмандлиғ ва гадолиғ юзидин татаббуъ қилибмен ва отин «Тухфату-л-афкор» дебмен. Ва матлаи будурким,

б а й т:

Оташин лаъле ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

Ва кўп маъниангиз иборат ва таъмияомиз ишорат изофа қилибменки, бу фан ахлининг моҳирлари мусаллам тутуптурлар. Ва ҳар кишига бу бобда тараддуд бўлса, Ҳазрати Махдумий Нураннинг «Баҳористон» отлиғ китобинким, ани «Баҳористони ҳаёт ва нигористони нажот» деса бўлур, бу матлаъни битибурлар ва истишҳод юзидин таърифин айтибурларки, бу маншури давлат сипеҳр токига осилса ери бор ва бу туғройи саодатни Муштарий бўйниға овиза қилса, мужиби мубоҳот ва ифтихордур. Ул китобни олдик ва бу маҳални топиб назар солдик ва билдиқки, улча мен таърифида таҳрир қилибмен, тақсир қилибмен.

Яна Мир Хусравнинг «Миръоту-с-сафо» отлиғ қасидасиғаким, ҳаллоқул маоний Ҳоконий Шервоний татаббуъе қилибдур ва матлаи будурким,

б а й т:

Дилам тифл асту пири ишқ устоди забондонаш,
Саводул-важҳ сабаку, масканат кунжи дабистонаш,

Ва Ҳазрати Махдумий Нуран анинг жавобида «Жилоу-р-руҳ» отлиғ қасидани дебурлар ва матлаи будурким,

б а й т:

Муаллим кист, ишқу кунжи хомуши дабистонаш,
Сабак нодонийу доно дилам тифли сабақхонаш.

Ва факир ҳам «Насиму-л-хулд» қасидасин иккаласи бузургворға татаб-буъ қилибмен ва матлаи будурким,

б а й т:

Муаллим ишқу пири акл дон тифли сабақхонаш,
Паи таъдиби тифл инак фалак шуд ҷархи гардонаш.

Бу қасидада дағи кўп маоний гавҳари дарж ва умр нақди ҳарж бўлуб-дур.

Яна «Рух ул-кудс» қасидасин баланд овоза қилибменки, қудсийлар руҳин андин тоза қилибмен ва матлаи бу дуурким,

б а й т:

Зиҳи ба хомаи қудрат мусаввар ашё,
Ҳазор нақши ажиб ҳар замон аз у пайдо.

Яна «Айну-л-хаёт» қасидаси зулолин еткурупменки, гафлат аҳлининг ўлук баданларига жон кивурупмен ва матлаи будурким,

н а з м:

Ҳожибони шаб чу шодурвон савдо афғананд,
Жилва дар хайли бутони моҳсиймо афгананд.

Яна «Минҳожу-н-нажот» қасидасида хидоят тариқин тузупмен ва залолат аҳлиға нажот шаҳроҳин кўргузупмен ва матлаи будурким,

б а й т:

Зиҳи аз шамъи руят ҷашми мардум гашта нурони,
Жаҳонро мардуми ҷашм омади аз айни инсони.

Яна «Қуту-л-кулуб» қасидасинки, килким сабт этибдур, ҳақиқат йўлида заъфлиғ қўнгулларга ул қутдин кувват этибдур ва матлаи будурким,

б а й т:

Жаҳон ки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,
Дар ў масоз иқомат ки роҳи шоҳу гадост.

Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано ва мавъизатдур ва аҳли тасаввуп ва ҳақиқат тили била маърифат.

Яна зоҳир шуароси тариқида ҳам тӯрт қасидаки, «Фусули арбаа»ға мавсумдур ва андин тӯрт фасл: ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва йубусати кайфияти маълум, ҳомам рақам қилибдурки, тӯрт фасл ҳосийати асариdek рубъи маскунға ёйилибдур.

Яна суханпардоз устози олий шон Ҳожа Калимиддин Салмонки, қасида майдонининг чобуксуворидур ва ўз замонининг беназир сухангузори, машҳурдурки, чун маснуъ қасидаси тартибиға қалам суруптур, ўн саккиз йилда итмомға еткурубдур. Вокеан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар, тарсиъ санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаи ростдур, аммо асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзи била сўнгги мисраънинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким,

б а й т:

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,
Ҳавои жаннати кўят бибехт мушки татор.

Бу матлаъфа татаббуъ килғон кўп суханварлар ва назмгустарлар чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар. Бу факирнинг матлаи будурки,

б а й т:

Чунон вазид ба бустон насими фасли баҳор,
К-аз он расид ба ёрон шамими васли ниғор.

Басорат аҳли мулоҳаза қилсалар билурларки, бу матлаъ тарсиъға воеъ бўлур, айдин муарро ва мурассаъға келур, эътиrozдин мубарродур. Бу навъ шеърнинг таъкид ва муболагаси учун яна бир рубоий ҳам дебменки, то Ҳалил бинни Аҳмад рубоий қоидасин вазъ қилибдур, тарсиъ санъатида рубоий айтилғон эшитилмайдур, балки йўқтур ва ул будурким,

р у б о и й:

Эй руи ту кавкаби жаҳон орое,
Вэй буи ту ашҳаби равон осое,

Бе муй ту, ё раб, чунон фарсое,
Гисуи ту чун шаби фиғон афзое.

Яна форсий газалиёт девони Ҳожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ сухан аролар ва назм пийролар назарида мустахсан ва матбуъдур, тартиб берибменким, олти мингдин абъёти адади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеъриға татаббуъ воқеъ бўлубтур. Ва баъзи Ҳазрат Шайх Муслиҳиддин Саъдий қуддиса сирруҳуғаким газал таври муҳтарийдур. Ва баъзи Мир Ҳусравғаким, ишқ оташкадасининг шуълаангизидур ва дард ғарибхонаси-нинг ашқ рези. Ва баъзи Ҳазрат Маҳдуми Нуранғаким, камол авжининг меҳри ломинидур ва мазкур бўлғон азиллар ҳолотининг жомиики, бу девон ҳалойик орасида шоєъдур ва рўзгор ахлининг табълари ул сари рожеъ ва анда кўп турлук дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқеъдурки, тафсили бу факирдин муносиб эмас. Ва анда ҳар навъ назм асноғидин, мисли: мұқаттаот ва рубоийёт ва маснавий ва таърих ва лугаз ва ул жумладин беш юзга якин муаммоким, кўпи Ҳазрат Маҳдуми Нуран муборак назариға етибдур ва ул ҳазратнинг ислоҳ ва таҳсинин шарафин касб этибдурким, хомамдин рўзгор сафҳасига ёзилибдур ва қаламим лайлу наҳор авроқида накш килибдур.

Булардин доги бошқа, йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сехрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг шириң ашъо-ри ва рангин абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутупмен ва алар завқу хушхоллиғидин ўзумни овутупмен ва салоҳу фасодлариға фикр айтибмен ва маҳфий дақоқиқига тааммул ва тафаккурлар била етибмен ва форсий алфоз айбу хунари мулоҳазаси идрокида табъим ўзин солмайдур, балки ул водий катъида килким равандаси тезгомлиғ била қадам урмағон ер қолмайдур.

Ва ўтуз йилдин ортуқ ва қирқ йилға яқиндурким, Ҳурросон мулкиким, фазлу камол ахлиға олам мамоликининг мисри муazzами ва саводи аъзами-дур, бу мулкнинг жамиъ назм ахли, шуаройи шириң қаломи ва фусаҳойи вожибул-эҳтироми ҳар не ҳар маъни билаким, авроқ юзиға оройиш ва ҳар алфоз билаким, ажzo узорига намойиш берибдурлар, бу факир сұхбатига еткурубдурлар ва бу заиф оллинда ўткарибдурлар ва ҳак ва ислоҳ илтимо-син килибдурлар ва хотирға келғон нұктаки, айтилибдур, инсоғ юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар баъзи ибо килибдурлар далойил била аларға хотирнишон килилибдур, андин сұнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар.

Ва басо маоний ахли хурдадонлар ва дақоқиқ хайли дақиқ баёнларки, Ан-зарий ва Салмон шеърида ҳар бири бирининг жонибин тутуб баҳслар килиб,

сўзлари бир-биридин ўтмагандин сўнгра бу факир оллиға мухокама учун келтуруптуурлар ва ҳар не хукм топибдуурлар мусаллам тутуб, мунокашалари бартараф бўлубтур. Ва газалда Мир Шохий ва Мавлоно Котибий ва алар ғайритарафидин доги бу йўсунлук ва маснавийда ҳазрат Шайх Низомий ва Мир Хусрав Дехлавий жонибидин дағи бу дастурлуг кўп воқеъ бўлуптур. Барчадин куллийрак санад буким, Ҳазрати иршод паноҳи наввара маркадаху Нуранки, қаломи малики аллом ва аҳодиси мўъжаз низом, хайруланом алайхиссалавоту васаламдин сўнгра форсий жамиъ сўзда алар сўзидин юкорироқ сўз йўқтур, кўпрак кутуб ва расойил ва ғазалиёт ва қасойиддаки, маоний гавҳарларин назм силкига кийдурур эрдилар ва замир ниҳонхонасидин анжуман тамошогохиға жилва берур эрдилар, анинг мусаввадасин бурунрок бу факирга илтифот ва эътиқод юзидин берур эрдиларким: «Бу авроқни ол ва боштин аёғига назар сол, хотирингга ҳар не айтқудек сўз келса, айт», деб ва ҳар не ишорат бўлғониким, мазкур бўлди, зохир килсан, мақбул тушар эрди. Бу даъвоға далил буким, ўндин ортиқ кутуб ва расойилда ул Ҳазрат бу факирнинг отин мазкур килибдурлар. Ва кўпи табъ ва идрок ва мунга муносиб нималарга нисбат бериб, мастур килибдурлар. Бу қабул назари асаридин бир карндин ортуқ султон ус-салотини сипехро-йин сұхбатларида ва фирдавс тазийин хидматларидақим, ахли қаломдин ва маколдин фазлу камол зумрасининг мажмаидур ва илму фазлнинг манбайдур, бу факирнинг сўзига мартаба рафев ва мақола васеъ эрди ва ўзига сўз жиҳатидин азим эътибор ва сўзига ўз жиҳатидин бийик поя ва микдор.

Ва Султон ус-салотинки, мазҳари лутфи илоҳий ва музҳири анвори ҳақойики номутаноҳийдур ва фархунда замири улум гавҳарининг дарёси ва хўжаста хотири хоксор бандалар зотининг кимиёси, бу тоифанинг кўпрак истилоҳ ва қавоидидин олний мажлисда сўз ўтса мухотаб бу факир, фасоҳат ва балоғат ахли натойижи табъидин ҳар не мазкур бўлса, мушорун илайҳ бу ҳакирни килур эрдилар. Ва ул микдор бу туфроғнинг рутбасин фалакка еткуруб ва онча бу зарранинг поясин куёшдин ошуруб эрдиларким, ўзларининг хуршед файз табъларидин зухур килғон рисолаки, ўз гавҳаррез қаламларидин нигориш топибдур ва ўз камоҳий ҳолотлари кай-фиятида гузориш сурати тутубдур, бу бойри бандаларини назм тариқининг барча навъида таърифлар битиб, соҳибқиронлик лақаби била сарафroz килибдурлар ва бемислу анбозлиғ васфи била мумтоз этибдурлар ва муқаррардурки, хумоюн табълари замон мушкилотининг меъёридур, фархунда зехнлари олам дақоқиқининг ҳаллоли ва соҳиб асрори.

Бандаи хоксор агарчи туфрогдин ўксук эрдим, аммо ул куёш тарбияти била ранго-ранг гуллар очтим ва афкандаи безътибор агарчи заррадин камрак эрдим, ул соҳиб таквияти била гуногун дурлар сочтим ва дилсўз

абётим муножот ахлиға ошуб ва ғавго солди ва базмафрұз ғазалиётим харботийларға оху вовайло солди.

Хосиلى калом, андин сүнграким, мунча қавий далойил ва азим шавохид била бу фақирниң вуқуфи, балки маҳорати бу фаннинг форсий ва туркий назмида событ ва равшан бўлди, агар бирни яна бирига таржих килсан, керакки, бу тоифадин ҳеч кишига мусаллам тутуб, “саддака”, демакдин ўзга мақол ва мажол бўлмагай. Батахиски, мунча бурҳони котеъ била ҳам кать топқай ва истишходга бу мусавваданинг ҳар лафзи, йўкки, ҳар харфи фарёд ургайлар ва ғавғо кўтаргайлар.

Яна бир куллия буким, то мулк араб хулафоси ва салотинида эрди, фалак ул вактда назм дабирига араб тили била жилва берди, андокки, Ҳассон Собитдек ва Лақитдек малик ул-калом сухангузорлар ва маъний офарин фасоҳатшиорлар пайдо бўлдилар ва ўз тиллари била назм адосининг додини бердилар.

Бу муносабат била араб салотини даги Иброҳим Маҳдидек ва Маъмун халифадек ва булардин ўзга ҳам салотинзодалар ғарро назмлардин қасоийид айттилар ва фавоид зохир қилдилар.

Чун мулкдин баъзи ақолим ва кишварда сорт салотини мустақил бўлдилар, ул муносабат била форсийгүй шуаро зухур қилдилар. Қасидада Ҳоконий ва Анварий ва Камол Исмоил ва Захир ва Салмондек ва маснавийда устоди фан Фирдавсий ва нодири замон Шайх Низомий ва жодуий хинд Мир Ҳусравдек ва ғазалда мухтарии вакт Шайх Муслиҳиддин Саъдий ва ягонан аср Ҳожа Ҳофиз Шерозийдекки, буларнинг таърифи юқорироқ чун шаммана сурулупдур ва васфлариға қалам урулупдур. Сўзни узотмоқ ҳожат эмас ва калом татвилин маъни аҳли мустаҳсан демас. Ва бу муносабат била сорт салотинидин ҳам Султон Тўғрулдек ва Шоҳ Шужоъдек олий қадр подшохлар ва рафеъмартаба анжумсипоҳлар рангин абёт ва ширин ғазалиёт айттилар ва замонларида машхур бўлди ва рўзгорлари авроқида маствур.

То мулк араб ва сорт салотинидин турк хонларға интиқол топти, Ҳулогуҳон замонидин султони соҳибқирон Темур Кўрагон даврониғача турк тили била андок шоир пайдо бўлмадиким андин таъриф қилғуча, варакқа ёзилғуча асар зохир бўлмиш бўлгай ва салотиндин ҳам андок нима манқул эмаски, бирав қошида айтса бўлгай. Аммо, султон соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳруҳ Султоннинг замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул Ҳазратнинг авлод ва ахфодидин ҳам хуш табъ салотин зухурга келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Ҳоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар. Ва форсий мазкур бўлғон шуаро мукобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур. Ул жумладин бири будурким,

б а й т:

Улки хусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Күзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Ва салотиндин ҳам ўлгучатабъ асари ҳеч қайсидин зоҳир бўлмади ва
варак юзига нақш қилгуча нима қолмади, Султон Бобурдин ўзгаким, бу
матлаъ алар табъи асаридурким,

б а й т:

Неча юзунг кўруб ҳайрон бўлайин,
Илоҳи мен санга қурбон бўлайин.

То бу вактқачаким, мулк бу дудмоннинг тахти салтанатига хотам ва
тожи хилофатига сазовор ва мусаллам, асолат баҳрининг дурри шоҳвори,
адолат маъданининг гавҳари олий микдори, сипаҳбадлиғ маъракасининг
Рустами достони, сипаҳдорлиғ майдонининг Соми Наримони, сарафрозлиғ
тожининг гавҳари зебандаси, базмозлиғ сипеҳрининг ахтари фархундаси,
жаҳондорлиғ базмининг Искандари Жамшидҷоҳи, жаҳонгирлиғ анжуман
нининг хуршеди олампаноҳи, рифъат жаҳонининг қуллаи гардунҳароши,
адолат сипеҳрининг саҳоби гавҳарпоши, фазлу камол ҳадиқасининг мард
думаки бийноси, такаллум ва мақол ҳадиқасининг булбули хушнавоси
ас-султони биннис-султон ал-хокон бинни-л-хокон муизз-ус-салтанат вад-
дунё вад-дин Абул Ғозий Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳаладаллоҳ таоло
мулкаҳу ва салтанатаҳу ва афоза алал-оламина бирраҳу ва мукарраматиҳи.

Р у б о и й:

Ким, то фалак оғоқ уза давр қилур,
Анжум гули ҳар тун бу чамандин очилур,
Не шоҳ анинг зоти киби ёд билур,
Не табъ анинг табъидек истаб топилур.

Р у б о и й :

Токим фалак эврулур, давом ўлсун анга,
Иқбол бисотида мақом ўлсун анга.
Ҳам нутқ ила жонбахш калом ўлсун анга,
Ҳам назм каломи мустадом ўлсун анга.

Жаҳонбонлиқ тахтида мақом тутти ва кишварситонлиқ маснадида ором
топти – мулк силкига амният гавҳарларини чекти ва жаҳон мазраъида жа-

мийят доналарин экти, чун салим табъи гавхари кони маоний эрди ва мустаким зехни мавриди файзи субхоний, калом ахлиға тарфия ва ибтиҳожлар ва калом хайлиға равнак ва ривожлар даст берди. Ва ҳар илмда муғид таълифлар ва ҳар фанда мунтиж таснифлар қилдилар ва ғарип расойили маънавий зухур қилди ва ажиб давовин ва ғазал ва қасойид ва маснавий ёйилди. Ва ўз шариф табъ ва латиф зеҳнларидин дағи, агарчи ҳам форсий демакка кодир ва ҳам туркча айтмолққа моҳир эрди, аммо аслий табъ иқтизоси ва шоёй тақаллум муносабати адоси била туркий девон тадванига майл қилдилар ва дилпазир абёт ва беназир ғазалиёт тартиб бердиларки, то Уторид фалак девонхонасининг каламзан ва рокимикур ва сипеҳр байтул-интизомининг ракамкаш ва нозими, андок гулшани дақоқий ғулу раёхини била ороста ва ул навъ маҳзане маоний жавоҳири самини била пийроста кўрмайдур. Дақик маъни гулъузорлари салис алфоз кисватларида жилванамой ва ғарип максуд моҳрухсорлари латиф адo ҳуллаларида чехракушой. Девон демайки, баҳри Уммондур, ҳар ғазал анда жавоҳирдин мамлу бир сафина; сафина демайки, хазинадур, ҳар байти бир уй маоний гавхарларидин анда юз дафина, сўзном абётини ўкуғувчининг нафаси эл кўнглин ўртамакка самуми оғат ва дардмандана алфозини адo қилғувчининг уни ҳарошидин маҳзунлар бағри жароҳат; иборати нишотлиғ замирларни мотамзада қилғувчи ва ҳарорати муздек совуғон кўнгулларни оташкада қилғувчи; ҳуруфи тартибида сехрсозлиғлар ва адоси таркибида фусунпардозлиғлар ҳосилки, туркча тил била бу навъ девонки, мазкур бўлди ва таърифи бу сифат ва ойин билаки, мастур бўлдиким, бу йўсунлук ғаройиб йўқки, салотини мукаррами Доро ҳашамдин, балки шуаройи қудсий нафаси Масиҳ дамдин воеъ бўлмайдур ва ораға кирмайдур, воеъ бўлди ва ораға тушти ва анинг зулоли ҳаётининг файзи қуёш чашмасидин ўтгали ёвушти ва бу тоифанинг бебаҳралари, бу рух нақидин баҳраёб ва лаб ташналари бу оби ҳаётдин сероб бўлдилар. Бовужуд бу султон ус-салотиннинг кимиёасар хотири ва ҳуршедосор замири дағи мунга мойилки, турк нозимлари ўз алфозлари била шеърга машғуллуқ қилғайлар ва кўнгул ғунчаси доғидинки, печлар чирманибдур баҳор насимидек анфос била гулдек очилғайлар. Ва илтифот ва эҳтимом юзидин баъзи маънилар топиб, назм қилурға ҳуқмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубига таъйинлар ва адосига таълимлар ҳам изҳори бўлди. Турк улусининг хуш табъ беклари ва мирзодалари ва соҳиби зеҳни пок табълари ва озодалари андоқки, керак машғуллуқ асбобин туза олмадилар ва ул навъ табъ натижаси кўргуза олмадиларки, андин хушгўйлук умиди тутса бўлгай, балки бу умидни аларнинг рўзгори ҳолига ёвутса бўлгай. Турфароқ буким, бу навъ подшоҳи сухандон тарғиби ва талқини, эҳсони ва тахсини коидай мутобаат ва мувофақатни унутуб ва жоддаи нофармон-

лиғ ва залолатни тутуб, күпи, балки бориси форсийға мойил бўлдилар ва ул тил била назмға қойил. Бу иш мундин ўзға бўла олмаски, турк тили таърифида андоқки, юкорирок мазкур бўлди: бовужуди алфоз касрати ва иборат вусъати ва маоний гаробати ва адо салосати дилпазир боғламокта суубат бор ва дилписанд тартиб бермакта табъ ранж ва укубат топар, лозим кўрунди турк тили шарҳида бир неча вараққа зебу оройиш бермак ва анда ҳазрати султон ус-салотин мулоямати табъ ва маҳорати зехнларин шарҳ этмак ва ҳумоюн раъйлари тартиб берган девон бобида бир неча сўз густохлиғ юзидин сурмак ва ул ҳазрат камоли донолик ва вуқуфи тавонолиги ниҳоятидин бу фан асҳобига ва бу фазл арбобига таълимлар бериб ва талқинлар қилиб, булар ул ҳазратнинг дақиқ сўзин ё англамай, ё англасалар буйурулғон йўсун била амал қилмай, ё кила олмай. Ва бу заифи хоксор ул ҳазратнинг қудсий нафаси посини асраб ва вожибул-изъон ҳукмлариға итоат ва фармонбардорлик қилиб, кўнглумдин ва тилимдин келганча ва қаламим ва илгимдин қувват фаҳм қилғонча ул ҳазратка бовужуди бандалиғ ва ул бандалиғ била саодатмандлиғ ва фархундалиқ – шогирдликка дағи ўзумни мушаррафу аржуманд ва мубоҳийу сарбаланд қилдим. Ва йиллар турк тили ва назми қоида ва услубида билмаганларимни сўруп ва мушкиларимни ҳаллоли мушкилотим тобуғида арзга еткуруп, азим фойдалар то-пиб, куллий натижалар кўрдум. Ул Ҳазратнинг таълими ва тарбияти била ва раҳнамойлиғи ва тақвийати била ишим ул ерга еттиқим, ул ҳазрат ўз пок табълари натижасидин зохир бўлғон рисолаки, ўз маорифнигор килки таҳрири эрди ва ўз латоифосор нутки такрири, алқобимни юқори адо қилдимки, не унвон била сабт қилдиларки, мукаррар қилмоқ ҳожат эрмас.

Бу бандага ҳам чун бу навъ азим давлатки, ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг «Ал-мутакаллим» деған исмиға мазҳариййат бўлғай ва ҳалойик орасида тақаллумда акрон ва амсолдин имтиёз ва эътибор ва улуғ от била овоза ва иштиҳоргаки, ул ҳазратнинг инойат ва эҳтимомлари боис бўлди ва юқори мазкур бўлғон давовин ва маснавий ва сойир кутуб ва расоили маънавийки, то олам биносидур бу тоифадин ҳеч кимга ижтимоъе даст бермайдур ва ихтирое мұяссар бўлмайдур, даст берди ва мұяссар бўлди. Агарчи борчани ул Ҳазратнинг шариф исмиға мухайjal ва ҳумоюн алқобига музайjal қилибмен, буларни сойир иноятлар мукобаласида тутуб «Ал-мутакаллим» исмиға мазҳарийатим узриға туркӣ ва сорт лугати кайфияти ва ҳакиқати шарҳида бу рисолани жамъ қилиб битидим. Ва анга “Мұхокамату-л-лугатайн” от қўйдум, то турк эли тили фасоҳату диққати ва балоғату вусъатики, ул Ҳазрат бу тил ва иборат била назм бисоти тузубдурлар ва Масихо анфоси ва Хизр зулолидин ўлук тиргумзак тариқин олам аҳлиға кўргузубдурлар, зохир қилдим. Ва хаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасихла-

риға улуг ҳақ событ қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва лугатлари кайфийатидин вокиф бўлдилар ва форсийғўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишидин кутулдилар. Алар дағи ранж ва мashaқкатим муқобаласида, чун бу маҳфий илмдинки, зохир қилибмен, вукуф тоисалар, умид улким, бу факирни хайр дуоси била ёд қилғайлар ва рухумни аниңг била шод қилғайлар.

Рубоий:

Бу номаки, ёзди қаламим тортиб тил,
Таърихин аниңг жумодийул-аввал бил,
Куннинг ракамини чоршанба қилғил,
Тўккуз юз йилдин ўтуб эрди беш йил.

“МУҲОКАМАТУ-Л-ЛУГАТАЙН”НИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЗОҲЛИ БАЁНИ

БИСМИЛЛОҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Инсонни нутқ ва тил шарафи билан бошқа маҳлукотдан ажратиб қўйган, унинг тили ва нутқининг гўзаллигини намоён қилган, инсонни (ўзининг) берган неъматларига шукр қиласидиган қилиб қўйган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Рубоий:

Эй, сўз била килган оғариниш оғоз,
Инсонни арода айлаган маҳрами роз.
Чун, “кун фаяқун” сафҳасига бўлди тироз,
Килған ани нутқ ила боридин мумтоз¹

Субҳоноллоҳ, қандайин комилкудратдурки, инсонни “Хоммарту тийната одама бияди арбаъини сабоҳан”² каримаси мазмуни билан “аллам ал-асмоа куллаҳа”³ қобилияти берди ва уни “ал-мутакаллим”⁴ исмига сазовор килди. Инсон бундай марҳаматга сазовор бўлиш шарафидан барча маҳлукотдан юксакликда бўлди ва бу шарафлантириш билан барисидан ортиқликка эга бўлди.

Рубоий:

Яъники, чу оламни яратти Маъбуд,
Оlam элига қудрат ила берди вужуд.
Инсон эди мақсудки, бўлди мавжуд,
Инсондин ҳам Ҳабиби эрди мақсуд.⁵

Шундай бир сўз эгасики, арабнинг сўзга чечани балогат билан сайрашини фалак гулшанидан ошириб юборганда, унинг булбулдай нутки “ана афсаҳу”⁶ тараннуми билан уларнинг тилини боғлаб қўйди ва даъволари овозасини ерга булади.

Рубоий:

Ул вактки, не олам эди, не одам,
Қилмайдир эди буларни сун илги рақам.
Чун ул ўзининг хилқатидин урди дам,
Мантуки эди “кунта набиййан фафҳам”⁷

Ва саллаллоху алайхи ва ало олихи-т-тоййибина ва асҳабиҳи-т-тоҳирина ва саллама касирон, касиро.⁸

Сўз ахли хирмонининг бошоқчиси⁹ ва сўз кийматбаҳо тошлари хазинасининг пойлокчиси¹⁰ ва назм гулистонининг сайроки булбули, яъни Навоий деб тахаллус олган Алишер (ғофара зунубаҳу ва саттора уйубаҳу)¹¹ мундай арз қилурким, сўз бир дур бўлиб, унинг дарёси кўнгилдир. Кўнгил шундай бир ўрин бўлиб, унда майда ва иирик маънолар тўплланган. Бу шунга ўхшайдики, гавҳар дарёдан ғаввос кучи билан чиқазилади, унинг киймати эса, тошига қараб маълум бўлади. Сўзниң дури ҳам кўнгилдан сўзга чечан киши воситаси билан нутқ шарафига эришади, унинг киймати ҳам ўзининг даражасига қараб шухрат қозонади ва ҳамма ёқка ёйлади. Нечунки, гавҳар киймат юзасидан жуда кўп даражаларга бўлинади, ҳатто бир дирамдан юз тумангача, деса бўлади.

Қитъа:

Инжуни олсалар муфарриҳ учун,
Минг бўлур бир дирамга бир мисқол.
Бир бўлур ҳамки, шоҳ қулокқа солур:
Киймати мулқ, ибраси амвол.¹²

Сўз дурининг айирмаси бундан ҳам чексиз ва даражаси бундан ҳам ниҳоясиздир. Шундайки, яхши сўздан ўлган баданга тоза рух етади, ёмон сўздан тирик танга ўлдирувчи заҳар хосияти пайдо бўлади.

Қитъа:

Сўз гавҳаредурки, рутбасининг
Шарҳидадур аҳл-и нутқ ожиз.
Андинки эрур ҳасис мухлик,
Кўргузгучадур Масих мўъжиз.¹³

Ва ана шу сўзниң турланиши-ю хилма-хиллиги шу даражадаки, уни идрок этиш ва тасаввур қилишнинг имкони йўқ. Агар муболағасиз, қисқа тарзда баён қилинса ва қисқача ёзиб чиқиўса, (нутқ) етмиш икки навга бўлиниб, етмиш икки ҳалқнинг сўзига айланишида ҳеч бир сўз йўқ; аммо, у шунчалар тафсилотга эгадир. Бу шундайки, ер юзи етти иқлимининг ҳар бирида неча мамлакат бор ва ҳар даштда неча-неча сахрова яшовчи ҳалқ, ҳар бир тоғнинг камарларида ва юкорисида, ҳар бир дарёning оролида ва киргоғида неча гурух одамлар бор. Ҳар бир жамоанинг тиллари бошқаларидан ва ҳар бир гурухнинг сўзлашувлари яна бирларидан ўзгача ва бир неча хусусиятлар билан фарқлидирки, бу айрма – ўзгачалик бошқаларда йўқдир.

Шундайки, қушлар, ҳайвонлар ва йиртқичларнинг овоз чиқаришларида ҳар бирининг ўзгача қичкирик ва айтимлари ҳамда тақрорланмайдиган наво-ю хонишлари бор. Аммо сўз ва гапдан мақсад маъно ва мазкур яратилганлардан мурод инсондир ва у маъно ва нутқнинг эгасидирки, шунинг учун сўз унинг сўзи хусусида боради.

Энди сўзни баён қилишга киришайлик: юкорида турфалиги ва бир-бираидан айирмаси айтилган турли шаҳар, қишлоқ, тоғ, ўрмон ва дарё ҳалқарининг барчасида маънони сўзлар орқали ифода қилинади ва у сўзлардан маъно англаради.

Бу тилларнинг барчасидан араб тили (ўзининг) равонлиги билан ажралиб турувчи, бадий безаклари билан мўъжиза кўрсатувчандирки, бунда хеч бир тил аҳлларининг даъвоси йўқ, сўзи “тўғри” дейишу ва иши таслим бўлиш, холос. Чунки буюк подшоҳнинг (яъни Тангри таолонинг) мўъжизали сўзи (яъни Куръони карим) ўша тилда тушган ва Пайғамбар алайҳис-саловати вас-саламнинг саодатга элтгучи ҳадислари ўша тилда айтилган. Ва буюк авлиёлару баланд даражали машойихлар сурган ҳақикат ва маърифатларини таҳrir кийимиға кийинтирган маъно гўзалларини кўпроқ ўша муборак иборайу кутлуғ сўз ва ишоралар билан адо қилибдулар.

Аллоҳ, Аллоҳ! Жон киргизувчи у боғда қандай тозалик ва кўнгил очувчи ул гулшанда қандай покизалик борки, унинг боғбони **وَأَنْزَلْنَا مِنَ النُّفُصَاتِ** «ва анзалнаа мин ал-мўъсирооти мааан сажжожан линухрижа биҳи хаббон ва наботан ва жаннаатин алфо-фан»¹⁴ каримаси билан сўзлайди ва хушнаво булбули Пайғамбарлик нутки ва хабарчилик хушвоноз нағмаси билан сайрайди. Юкорида зикр этилган күшларнинг баъзиси “лав кашиф ал-ғиттоо маа задат яқийнан”¹⁵ ифодаси билан хонишнинг охирига етади ва учар қушлар дўстлик изҳори ва тўғри йўл кўрсатиш нишоналаридан ҳақ йўлга бошлиш куйини ва ҳақ йўлга ундаш садоларини изҳор этади.

Байт:

Ки, то бўлғай жиҳон боги, бу гулшан мевадор ўлсун,
Харимида бу булбулларға бу гулбоғ бор ўлсун.¹⁶

Бундан сўнгра уч нав тил борки, ҳамма тилларнинг аслидир ва бу тилларнинг ўзига хос гўзалликлари уларда сўзловчиларнинг сўзларига кўркдир ва уларнинг шахобчалари бениҳоя кўпдир. Аммо, туркий, форсий ва хиндий тиллари асл тилларнинг келиб чиқишига асос бўлганки, ушбу ҳодиса Нух пайғамбарнинг уч ўғли: Ёфас, Сом ва Ҳомга бориб тақалади. Бу қиска сўзнинг тафсили шуки, Нух тўфон фитнасидан ҳалос топганда ва

барчасига кишининг эҳтиёжи тушади, сўзлашиш чоғида киши унга мухтоҷ бўлади. Буларнинг кўпи шундай сўзларки, (форсчада) унинг мазмунини асло англатиб бўлмайди, баъзисини англатса бўлади, лекин бир сўзни тушунириш учун бир неча сўзни тизмагунча бўлмайди. Бу ҳам арабча сўзлар ёрдами билан бўлади. Турк тилида бундай сўзлар кўп топилади. Масалан, юқорида зикр этилган юзта сўздан бир нечаси устида шуғулланиб, исбот килайлик, токи даъвогар қаршилик кўрсатганда уялиб колсин, шунинг билан бошқаларини ҳам бунга киёсласин.

Шоирларнинг улуғларидан баъзилари май таърифида муболаға қилиб-дурлар. Бу нарса одат бўлиб кетганки, май ичмак қоидалари тўғрисида кўп сўзлар юргизиб, ниҳоясиз хуш таблик кўрсатадилар. Бири *сипқармоқ* сўзидирким, муболаға бундан ўтмас. Туркча назмда шундай бошланмана²¹ бор, байт:

Сокиё, тут бодаким, бир лахза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқарай²²

Қизик! Форсий шеър ёзувчилар ана шу сўзнинг маъносини беришга дуч келиб колсалар, нима қилган бўлардилар.

Яна “*томшилимоқ*”ки, ичишнинг ғоят завқлилигидан тез ичмасу, лаззат топа-топа, оз-оз ичар. Бу гаройиб маъно адосида туркчада шундай матла бор, байт:

Сокий чу ичиб, манга тутар қўш,
Томший-томший ани қилай нўш²³.

Ёки *бўхсамоқ* сўзини қўллаб, турк ушбу матлани айтиби, байт:

Ҳажри андуҳида бўхсабмен, била олмон нетай,
Май иложимдур кўпуб, дайри фаноға азм этай²⁴.

Форсийгўй турк беклару мирзодалар *бўхсамоқни* форсий тилда қўлламоқчи бўлсалар, нима қиладилар?

Шеър (одатда) ошиқликга асосланади ва (унда) “*йигламоқ*”дан ортиқроқ ва доимиyroқ иш йуктир ва (бунда унинг) турли қўриниши бор: *йигламсимиоқ* мазмунидаки, турк бундай дебди, байт:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,
Йигламсинару кўзига келмас ёш²⁵.

Яна инграмак ва синграмак сўзлари ҳам борки, (мазмуни) “дард билан яширин, охиста йигламоқ“ дир, ораларида фарқ оз топилур. Туркчада бу матла борким, байт:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим, гаҳ синграмак.²⁶

Форсийда бу мазмунни ифодалашга тұғри келса, шоир нима қилган бўларди?

Яна “сиқтамоқ” сўзики, “йигламоқ”нинг муболагали ифодасидир. Турк бу тарзда адо қилибдурки, байт:

Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени,
Йиғлатти мени демайки, сиктатти мени.²⁷

Яна “кучли овоз билан, тенгсиз фигон билан йиғлаш ҳам борки, уни ўкурмак дерлар ва туркчада бу маънода матла борким, байт:

Ишим төғ узра хар ён ашқ селобини сурмакдур.
Фироқ ошубидин хар дам булат янглиғ ўкурмакдур.²⁸

Форсий тилда “ўкурмак” маъносини берувчи сўз йўқдир, форсийғўй шоир бунингдек гаройиб мазмунни ифодалашдан маҳрумдир.

Яна *йигламоқ* нинг ўкурмак шаклига мазмунан зид бўлган *инчкирмак* сўзи ҳам бор ва у “ингичка овоз билан йигламоқ”дир. Ва у туркча тарзда мана шундай қўлланганки, байт:

Чарх зулмида бўғзумни кириб йиглармен,
Игирур чарх киби инчкириб йиғлармен.²⁹

Аммо, *йигламоқ* нинг бир кўриниши бўлган ҳой-ҳой сўзини ишлатиша форс шоирлари ўзларини туркларга шерик қилибдилар. Бу сўз ҳам аслан туркий услубдир ва факирнинг бу мақтаи машҳурдирким, байт:

Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп
Ки, ҳай дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор!³⁰

Яна турк сўзлари орасида қимсанмоқ ва қизганимоқ – икки гаройиб сўз борки, унинг кўлланиши мана бу байтда учрайди.

Узорингни очарга кимсанурмен,
Вале эл кўрмагига кизғанурмен.³¹

Форсийгүй шоирлар бундай гўзал мазмунни ифодалашдан маҳрумдирлар. Ошикнинг оёғига тикан киришини улар (яъни форсийгўйлар) *хор* сўзи билан ифодалайдилар. Аммо, *чўкур* янада оғритувчанроқдир (уларнинг) бундай сўzlари йўқдир. Туркчада бу шундай адо топибди:

Чўкурларким, сенинг йўлунгда тевролмиш аёғимға,
Чекиб, ул кўй гардин сурма тортармен кароғимға.³²

Яна ишқ йўлида севганини кўриш насиб этса, “бундай дамда” ошикнинг зорланиб телмуриши ғоятда ўринли ишдир ва бу лафз (“**телмурмак**”) уларда (форсларда) йўқдир, туркларда бу (сўз) шундай ишлатилганки, байт:

Тўқадур қонимни ҳар дам кўзларинг бокиб туруб
Ким, неча юзумга бокқайсен йироқдин телмурууб.³³

Яна турк тилидаги севикли ёр *ясанмоги* сўзига сарт тилида (тўғри кела-диган) *ороста ва оройии* лафзи бор. Аммо *безанмакга* мос келувчи бирон нима демайдилар ва у *ясанмог* нинг муболағали кўринишидир ва уни бундай дебдурларки, байт:

Эрур бас чу хусну малоҳат санга,
Ясанмок, безанмак не ҳожат санга.

Гўзалларнинг кўз ва қошлари орасини, *қабоғ* дерлар. Форсийда (инсон танасига хос) бу аъзонинг оти йўқдир. Маснавийда бир жамоат ғўзаллар таърифида бундай дейилибди, байт:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.³⁴

Яна ишқ бобида *аиш* ва *йигланмоқ* муқобаласида *оҳ* ва *иссиг дам* асос ҳисобланади. Турклар “дам”ни *чоқмоқга*, “оҳ”ни *йашинга* нисбат бериб, дебдурлар, байт:

Фирокинг ичра улус ўртамакка, эй моҳим,
Чокиндуур дамиму илдиримдуур оҳим.³⁵

Сарт тилида *чоқин* ва *шлдири*мдек аник ва мұтабар иккі нарсага от күймаганлар. Араб тилидаги *барқ* ва *соңқа* лафзлари билан аді қилибдурлар.

Хусн таърифида “кеттарок хол”га турклар *менг* от күйганлар, улар эса от қүймаганлар. Турк бу таърифни шундай аді қилибдур, байт:

Аннгким, ол энгинда менг яратти,
Бүйи бирла сочини тенг яратти.³⁶

Агар улар (форслар) бажара олмаган сүз ясаш түгрисида бирин-бириң тұхтала берилса, сүз узайиб кетади, чунки бундай холат жуда күпдир.

Яна барча шоирлар кошида равшан ва хамма сүз усталари олдиде аник маълумдирки, шеърда *тажнис*³⁷ ва *ийхом*³⁸ ҳодисаси умумлашгандир. Бу чиройли ибора ва гүзәл белгиларда форсийдан күра (туркчада) күпрөк тажнисни билдирувчи сүз ҳамда ийхомни англатувчи (сермаъно) сүзлар борки, бу назмни³⁹ безантиради ва санъатли қиласы. Масалан: *от* сүзини олайлик: бир маъноси “от, исм”дир, яна бир маъноси “минадиган от” ва яна бир маъноси “амр” дирки, *тошни ё үқни от*, деб буйургайлар. Бу тажнисда бундай дейилибдирким, байт:

Чун парию хурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Хар хадангиким, эл андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.⁴⁰

Бу иккі байт *тажниси тоңдир*⁴¹ ҳамда, (у) турк шоирларига хос бүлиб, сартда йүкдир. Буни *туюғ* дерлар. Бунунг таърифини “Мезон ул-авзон” отлиғ аruz (китобида) битилибдир, унда (баён) килинибдир.

Яна *ит* сүзи, унда ҳам шунингдек уч маъно бор, андоқки, байт:

Эй ракиб, үзни анга тутсанг ҳам ит,
Бизга раҳм айлаб аниңг күйидин ит.
Гарчи бор дүзахча ишқинг шуъласи,
Бизни үз илгинг била ул сори ит.⁴²

Ва *туши* сүзида ҳам юқоридагидек уч маъно бор. Яна *ёң* сүзида ва *ёқ* сүзида шундайдир. Бу хилдаги уч маъноли сүзлар хаддан ташкари күп топилади.

Ва шундай сұзлар ҳам топилурки, тұрт маъноси бұлади. Чунончи, *бор* сұзики, бир маъноси – “мавжудлик”,⁴³ бир маъноси – “борувга амр”⁴⁴ (яьни, “кет” дея буйуриш) бир маъноси – “юк”дир, бир маъноси “самар” (мева) дир.

Шундай сұз ҳам топилурки, ундан беш маъно англашилади. Масалан, *сөгин* сұздекки, бир маъноси – “ёд килмокқа буйрук”, бири – “сұтли қүйнинг оти”дир, “ишқ мастлиги”ю “мажнунлиги” ва “хасталиги” мүкобилида *сөгин* деса бұлади ва ҳар бирининг ўрнида ишлатса бұлади.

Яна шунингдек, *туз* сұзики, ундан бир неча маънени англаш мүмкін. Бири *туз* – “үк ё найзага үхаш нарса”га айтилади, яна *туз* – “текис дашт”ни дерлар, яна *туз* – “тұғри киши”ни айтадилар, яна *туз* – “чолғуни созламокқа буйрук”дир, яна *туз* – “икки киши орасыда мувофакат солмоқ (келишириш, ярашириш)”. Яна *туз* – “бирор мажлис (үтириш) анжомла-ри”ни айтиш ҳам мүмкін.

Ва *құқ* сұзини ҳам бир неча маънода ишлатадилар. Бири *құқ* – “осмон”-ни дейдилар, яна *құқ* – “оханг”дир, яна *құқ* – “тикарда құкламак, құклаб тикиш”, яна *құқ* – “қадағ(бүёк)”ни ҳам дерлар, яна *құқ* – “сабза ва үланг” (яшиллик ва үт-үлан)ни ҳам дерлар.

Бу хилдаги уч, тұрт ва ундан ортиқрок маъно англашиладиган сұзлар күп, форсий сұзларда бундай нарсалар йүкдір.

Маъруф (белгили) ва мажхул (белгисиз) кофияда “*вовий*” ва “*ёйий*” кофиялар форсий шеърларда келса ҳам, икки белгидан ортиқ келмайди. “*Во-вий*” шундайки: *худ* ва *дуң* ҳамда *зұр* ва *нұр*; “*ёйий*” шундайки, *нир* ва *нир*.

Туркий тилда бу маъруф ва мажхул белгининг ҳам “*вовий*”сидан, ҳам “*ёйий*”сидан тұрт хили топилади. “*Вовий*”си шундайки, *ұт* – “ёндирувчи нарса”дир ва *ұт* – “үтиш” маъносидадир ва *ұт* – “қиморвозга ютиш жиҳатдан буйрук”дир ва үткі, ҳаммасидан ингичка ҳаракат билан айтилади, “каллани үтга тутиб, тукини аритиш” маъносидадир. Яна бир мисол: *тұр* – “овчилар түри”дир, яна ундан ингичкароқ айтиладиган *тұр* – “куш үтирадиган ёғоч”дир, ундан нозикрок бұлган *тұр* – “үйнинг түри”дир. Ва юқоридагиларнинг барчасидан нозик айтиладиган *тұр* – “тұрлуг ва эшикдаги пардаларнинг нақши”дир.

“*Ёйий*” мисол уч ҳаракатдан ортиқ топилмайды: *без* – сарт уни “қудуд (гүштнинг бези)” дейди; *биз* – (форсча) “*мо*” ва (арабча) “*нахшу*” (биз, ол-мош) маъносидадир; *бигиз* – ундан (чүзикрокдир), форсчада “*дарағии*” (бигиз) дерлар. Яна бир мисол: *тер* – «термак» маъносидадир; ундан нозикрок бұлган *тер* – сартлар уни *арақ* ва *хүй* дерлар; баридан нозик бұлган *тир* – “*үк*” маъносидадир.

Бу хилда күп сұзларни уч ҳаракат (уч хил унли) билан ясадырлар-

ки, ҳозирда ҳам тарқалгандир. Жумлани кенгайтириш ва қофияни осонлаштириш учун бир неча ҳарфни бир-бирига шерик қилибдиirlар. Шу жумладан, «*Алиф*» билан «*ҳо*»⁴⁵ орасида шериклик ва муносабат пайдо қилибдиларки, бир сұзни охири “алиф”ли сұз билан қофия қилса бұлади. Шундайки, *аро* сұзини *аро* ва *даро* билан қофия қилса бұлади, *сара* ва *дара* билан ҳам қофия қилса бұлади. Яна бир мисол шундайки, *ядо* сұзини *садо* била қофия қилса бұлади, *бода* била ҳам қилса бұлади.

«*Вов*» била «*замма*» орасида ҳам шундай шериклик бордир. Андоқки, *әрүр* сұзини *хүр*, *дүр* лағзлари била қофия қилса бұлади, *гүрур* ва *зарур* сұзи билан ҳам мүмкіндір.

“*Ё*” (йо) билан “*касра*” орасида ҳам шундайдір. Андоқки, *сагир* ва *багир* сұзларини *содир* сұзлари билан қофия қилса бұлади, *нитъхир* ва *тагайир* сұзлари билан ҳам бұладыки, форсий сұзларда бундай енгіліліктер йүкдір.

Бу сұзларни ясовчилар күп жойларда жуда майда нарсаларга тұхталиб, қызық мазмұн ва маңнолар учун сұзлар яратибдірларки, баъзи масдарлар юқорида күрсатыб үтилди.

Яна ейиладиган озиқ-овқатни *егулік* дейдилар, ичиш мүмкін бұлған нарсани *иҷкулиқ* дейдилар. Сарт элининг күпи, балки барчаси *емакни* ҳам ва *иҷмакни* ҳам *хұрдан* сұзи билан айтадилар.

Улуғ кардош ва кичик қардошнинг ҳар иккисини *бародар* дейдилар, турклар улугни – *оға*, кичикни – *ини* дейдилар. Улар улуғ ва кичик киз қардошни ҳам *ҳоҳар* дейдилар. Булар улугни – *жачи* ва кичикни – *сингіл* дейдилар. Булар отанинг оға-инисини – *абога*, онанинг оға-инисини – *тигойи* дейдилар. Улар хеч бирига от белгиламайдилар, араб тиili билан *ами* ва *хол* дейдилар. *Құкалтоши* туркча айтадилар, *апика* ва *энага* ни ҳам бу тиіл билан айтадилар.

Бир аниқ нимаким, *оқ* үй дур, унга *хиргоҳ* деб от қўйганлар. Аммо, унинг булакларининг күпини туркча айтадилар, андоқки, *тунглуку* узук ва *түрлугу босруг* ва *чигу қанот* ва *күзанаку увуг* ва *богишу бұсага* ва *эркина* ва шунинг сингари.

Подшохлар одоб ва русумида бошқа-бошқа бұлған ов ва күшнинг ҳар иккисига *шикор* дейдилар. Овда овланадиган ҳайвонларнинг асосийси кийикдір, турк унинг эркагини *хұна*, ургочисини *қылчоқчи* дейди. Яна суйқуннинг эркагини – *бугу*, ургочисини – *марал* дейди, сарт эса *оху* ва *ғавзан* дейди, холос.

Тұнгиз ови түптон ва даҳшатли овлардандир. Унинг эркагини *қобон*, тишисини *мегажин*, ушоғини *чұрна* дерлар. Сарт эса барчасини *хук* ва *гуроз* дейди.

Күшларга келганды, буларнинг овланадиганлари ичиде тайинли ва машхури *ұрдақдир*. Сарт эл күшларни овлашнинг үзини билмайды. Турк

Үрдакнинг эркагини *сұна*, ургочисини *бүрчин* дейди. Сарт буларга ҳам от қўймасдан, нар ва мода иккаласини *мургоби* деб атайди. Үрдакнинг хилларини яхши биладиган күшчилар кошида, масалан, *жүркайу* эрка ва суксур *у олмабоши* ва *чоқирқаноту* *төмирқанот* ва *алдалдагаву* *алапука* ва бөгчол. Ва айтишларича, улар етмиш хилга боради, сарт эса барчасини факат мурғоби дейди. Агар бир-биридан ажратмоқчи бўлса, туркча ном билан айтади.

Яна дашт күшларидан *түгдоқу* *түгдори*, *чогрук*, *қилқуйруқ*, *қулапурга*, *яналоқ*, *кулод* ва *лаглак*, *жайлой*, *қорақуш*, *төлбакуш*, чақжиг дек күшларнинг отлари йўқдир, кўпини туркча айтурлар. Тоғ ва тузда *жилга*, *сўқмог*, *дўши*, *аргадол*, *қиройишма*, *бурмог*, *секримма*, *сирт*, *учма*, *ишима*, *ийлом*, *боқирўланг*, *тўқай*, *кулкулак*, *сонг*, *сойанг*, *чоқил*, *сой*, *шўртанд* дек нималарнинг кўпига от тайин қилмайдилар.

Жониворларнинг товушидан бир отнинг кишинамагига *ишиҳа* деб от қўйганлар. Туянинг бўзламоғига ва сигирнинг мунграмагига ва эшакнинг инграмоғигайу ва итнинг финшимоғига ва у лимоғига (уларда) сўз йўқдир.

Яна отнинг *тубучоку* *аргумоқ* ва *якаву ёбу* ва *тоту* йўсинлиқ хилларининг барини факат туркча айтадилар. Отнинг ёшини ҳам кўпрагини туркча айтадилар. Ёлиз қулунни *курра* дерлар, бошқаларини: *тойу*⁴⁶ *гўнан*⁴⁷ ва *дўнану*⁴⁸ *тўлон*⁴⁹ ва *чиргайу*⁵⁰ *ланга* сингариларни сўзга чечанлари туркча айтадилар, кўпчилиги буни ҳам билмаслар.

От эгарини гарчи *зин* десалар ҳам кўп жабдуқларини, мисли *жисабилгиру* *ҳано* ва *тўқуму* *жасазлиг* ва *уларчогу* *ганижуга* ва *жисилбуру* *қуюшқон* ва *қантару* *шуфак* ва *тўқа* йўсинлиғ кўпини туркча айтадилар. Қамчинни *тозёна* десалар ҳам, аммо, *булдурга* сини ва *чуңчурга* сини туркча айтадилар.

Яна *жисабаву* *жасавашан* ва *қўҳаву* *қолғандурук* ва *қорбичиву* *кечим* ва *оҳа* сингари урушга доир буйюмларни ҳам туркча айтадилар.

Маълум кийимлардан, мисли *дастору* *қалпоқ* ва *наврўзию* *тўпни* ва *ширдогу* *дакла* ва *ялаку ёглиг* ва *терлику* *кур* сингари уст-бошларнинг барчасини туркча айтадилар.

Егулуклардан гарчи кўй аъзоларининг баъзисига от қўйган бўлсалар ҳам, аммо *орқанию* *ошуғлуг* *иликни* ва *ён* *сўнгакнию* *қобургани* ва *игикинию* *урта* *илик* ва бўгузлагуни туркча айтадилар. Яна баъзи емаклардан *қаймогу* *қапитама* ва *буламогу* *қурут* ва *улобаю* *мантию* ва *куймогу* *уркамачни* ҳам туркча айтадилар. Яна *қимизнию* *сузмани*, *боҳсумнию* *бузани* ҳам туркча айтадилар. Яна *тутымочу* *умоч* ва *кумочу* *толгонни* ҳам туркча айтадилар. Бу хил майда-чўйда нарсаларга тўхталаверсак, жуда кўп топилади, аммо жиддийроқ сўзлар борасида сўз юритайлик.

Араб сарфи атамасининг бобларида бир боб борки, уни “муфоала боби” деб атайдилар. Бунда бир сўз айтилса ҳам, икки кишининг иш-харакатини ўз ичига олади, ўзи бир хилда келади, масалан, «муораза» қўламли, «муқобала» (қаршилашмоқ), «мушоара» (шеръ айтишимоқ), «муколама», бу кенг қўламли боб бўлиб, унда кўп фойдалар бор. Форсча ёзувчилар шунча усталик ва мохирлик даъвоси билан бу фойдадан маҳрумдирлар. Аммо, туркнинг сўз усталари бу фойдага қўл уриб, масдарга бир «иии»⁵¹ қўшиш билан ўша максадни топганлар. Масалан: «чопишишмоқ»у «топишишмоқ» ва «кучумоқ»у «ўпумак» ва бундай сўзлар кўп. Бундай сўзларни ясаган улуғларга, шундай яхши иш қилганлари учун таҳсинлар айтиш керак. Бундай салоҳийатлари билан сартнинг сўз усталаридан тамом устун чикибдилар.

Яна араб сарфи⁵² атамасида икки мағъулли (икки ишловчили) феъллар борки, унинг ишлатилиши ҳам мўътабар ва кенгdir. Бундан ҳам сартлар четда колганлар, турклар эса бунга ҳам жуда яхши равишда эргашганлар. Масалан, арабча: «Аътайту Зайдан дирҳаман» (Зайдга ақчани бердим) гапининг таркибида уч сўз бор, улар (турклар) сўзга бир ҳарф орттирганларидек, араблар бир замир (ҳарф)ни орттирганлар, бунинг билан жуда ихчам ва фойдали бўлиб чиқсан. Андокки, “югурт”у қилдурт ва” яшурт”у чиқорт.

Яна бир қўлланишлари бор, у ҳам бўлса, баъзи сўзларнинг охирига мансаб ёки касб-хунарни билдириш учун “чиму ёй”⁵³ қўшимчасини орттирадилар. Бу ҳам форсийда йўқдир, балки улар ҳам туркча айтадилар. Мансабда андокки, қўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-ярогчи ва чавгончи ва пайзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилопчи ва ахтачи сингари кўпdir.

Хунар ва пешада андокки, қуиччи ва борсчи ва қўруқчи ва тажгачи ва жисбачи ва ўргачи ва ҳалвочи ва кемачи ва қўйчи. Қуш хунарида бу атамалар бор, масалан, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушиқончи. Булар сарт тилида йўқ, улар юкоридагиларнинг кўпини туркча айтадилар.

Яна бир хил қўлланиш ва айтишлари бор: бирордан бир ишни гумон килиш оркали ўша ишни ўша кишига нисбат бергандек бўладилар. Бу аниклик юзасидан эмас, балки шакл ва гумон юзасидан бўлади, аммо бунда нозиклик кўп. Масалан, боргудег ва ёргудег ва қулгудег ва билгудег ва айтқудег ва қайтгудег ва ургудег ва сургудег. Бу форсийда бўлмас.

Баъзи сўзларнинг охирига бир «чим» ҳарфи қўшиб, унинг оркали феълда суръатни кўзлайдилар, масалан, еткач ва айткач (теккач ва айтгач) ва боргочу ёргоч ва топқочу сониқоч.

Яна бир “коф” ва “ре” ҳарфини баъзи сўзларнинг охирига қўшиб, ундан муболаға ва кисташни кўзлайдилар, масалан, билакўру қилакўр ва кетакўру етиакўр.

Яна бир ранг ёки бир сифатни аслидан орттириш учун аввалидаги биринчи харғыга бир “*не*” ёки “*мим*” қүшиб, у нарсада ортиқликни билдирадилар; “*не*” мисоли: *оп-ок*, *қап-қара*, *қип-қизил*, *сан-сарыг*, *юм-юмалок*, *яп-ясси*, *оп-очуг*, *чун-чуқур*, бу хили ҳам бор – “*мим*” мисоли: *күм-күк*, *ям-яшил*, *чум-бұз*.

Яна бир “*вов*” ва “*лом*”ни баъзи сүзга қүшиб, бир маҳсус ва мұйтабар сифатни белгилайдилар, бундай сүзлар подшохларнинг уруш асбоблари ёки базм ишларида құлланади. Андоқки, *ҳировул* ва *қаровул* ва *чингодовул* ва *янковул* ва *сузовул* ва *натовул* ва *китповул* ва *ясовул* ва *баковул* ва *шиговул* ва *дақавул* ким, улар (яъни форслар) бундан бебаҳрадирлар.

Яна баъзи сүзларга бир “*лом*” қүшадилар, бу ҳолда үша нарсанинг үша сифатда маҳкам туришини билдирадилар, масалан, *қаңол* ва *ясол* ва *қабол* ва *тунқол* ва *тарқол* ва *түсқол* ва *суюргол*.

“*Килич билан чопмок*”ни, “*суғлумок*”ни тиғли қуролни сукмок ва “*найза била санчмок*”нино “*илмог*”нинг барисини (форслар) “*зәд*” деб айтадилар.

Яна баъзи маҳал ва маконга бир “*коф*” қүшиб бир фасл ёки бир амрга мансуб қилурлар. Андоқки, *қишилоқ* ва *яйлоқ* ва *овлоқ* ва *қүшилоқ*. Бу ҳам гаройибдур ва форсийда ҳам баъзисини турк тили билан айтадилар.

Бу сүз ва гапларда шундай нозикликлар құпки, бугунгача ҳеч ким буларнинг ҳақиқати устида фикр юритмаганлигидан, яширин ҳолда қолиб келган. Туркнинг хунарсиз, бечора хушфеъл йигитлари осонликни құзлаб, форсий тилда шеър айтиш билан шуғулланиб келгандар. Ҳақиқатан, бу тилда шунча кенглик ва майдонида шунча очиқлик топилғанлигидан, агар киши яхши үйласа ва фикр юритса, бу тилда тез айта олиш, гүзал нарсалар ёзиш, шеърлар яратиш ва чиройли ҳикоялар ижод килиш осонроқ бўлади, воеан ҳам осонроқдир.

Турк тилининг тұликлиги шунча далиллар билан исбот қилингач, бу халқ орасидан пайдо бўлган истеъдодли кишилар қобилият ва истеъдодларини үз тиллари тургач, бошқа тил билан юзага чикармасликлари ва ишга солмасликлари керак эди. Агар ҳар икки тилда айтишга қобилиятлари бўлса, үз тилларида кўпроқ ва яна бир тилда озроқ айтсалар бўлар эди. Агар орттириб юбормоқчи бўлсалар, ҳар икки тилда тенг айтсалар эди.

Турк элининг барча үткір зеҳнли (шеър битувчи)лари сарт тилида шеър айтиб, турк тилида бутунлай айтмай, балки қўплари айттолмай, айтсалар ҳам сартнинг турк тилида шеър айтганидек нозик фаҳм турклар қошида үкий ва үткаролмай үқисалар, ҳар сүзларида юз айб топилиб, ҳар жумлала-рига юз хил эътиrozлар юзага келади.

Бас, юкорида келтирилғанлардан маълум бўладики, бу тилда ажойиб сўзлар ва ифодалар кўпdir. Буни гўзал тарзда, жозибали сатрларда кўрсата

олишнинг кийинлиги бор. Ижод оламига эндиғина кириб келган ижодкор бу қийинчиликдан малолланади ва (күнгли) осон томон майл қиласи.

Шундай иш бир неча марта воқе бўлгач, у нарса табиатига ўрнашиб колади ва одатланган нарсасини кўйиб, мушкул бўлган ва одатланмаган нарсага майл килмоқ оғир бўлади.

Яна шуниси ҳам борки, фахмли кишилар ушбу хилдаги ишга кучсизларнинг ҳам мойил, балки машғуллигини кўргандан кейин замоннинг расм ва одатидан четга чиқмоқни муносиб кўрмас ва шу йўлда колар. Янги бошловчида яна шундай одат борки, табъидан бирор нарса бош урса, яъни ижод қиласи, у ижоднинг ўзига севимли булиши табиий, уни ҳунар эгалари га арз қилиб, чиройли кўрсатишни истайди. Ҳунар эгалари форсча куйловчи бўлганларидан ва турк тилидан баҳрасиз эканликларидан, унинг табъи у томондан қайтиб, бу ҳунар билан машғул кишилар сари майл қиласи.

Шу томонга майл қилгандан кейин, турли йўллар орқали ана шу гурухдан бўлиб колади. Чунончи, бу замонда шундай бўлгандир. Ҳар қандай бўлса бўлсин, ҳар ҳолда турк тилининг форсийга караганда бу қадар ортиклиги ва ҳақиқатда бунча нозиклиги ва кенглиги шеър соҳасида ёйилмаган ва бекикликнинг яширин уйига тушиб колган эди, балки ташландиклик ҳолига яқинлашган эди.

Бу камина ҳали ёшлиқ чоғимда, оғиз қутичасидан бир оз гавхар кўрина бошлаб, у гавхар ҳануз назм ипига тизила олмаган пайтда⁵⁴, кўнгил дарёсидан назм ипига тортилган гавхарлар таб ғаввоси харакати билан оғиз соҳилига кела бошламоқни истаб қолди, лекин юкорида айтилган қоидага мувофиқ майл форсчага бўлди. Аммо, идрок ёшига қадам кўйилганда, тангри аслда таъбимизда гаройиб нарсаларга майлни ва нозик ҳам кийин нарсаларни англашга киришишни табиий қилгани учун, турк сўзлари устидага мулоҳаза юргизишни лозим кўрилди. Бу ҳолда шундай бир олам намоён бўлдики, ўн саккиз минг оламдан ортикроқ, турган-битгани зебу зийнат. Ва тўккиз фалакдан ортикроқ бир осмон табъга маълум бўлдики, унда фазо ва юксаклик ва бир ҳазина учрадики, дурлари юлдузлар гавҳаридан ёрқинрок ва бир гулшан йўликтини, гуллари самодаги юлдузлардан кўра жилолирок; бу ҳазина ва чаманзорнинг тевараги эл оёғи етишдан асралган ва кийматбаҳо нарсалари бошқаларнинг қули тегишидан сакланган эди. Аммо, ҳазинасининг илони конхўр ва чаманзорининг тикани сон-саноқсиз эди. Ҳаёлга келдики, ҳамоно, табъ аҳллари⁵⁵ бу илонларнинг найзасидан кўркиб, бу ҳазинадан баҳра ололмай ўтган эканлар ва кўнгилга шундай туюлдики, гўё назм тўдасининг гулдаста боғловчилари⁵⁶ бу тиканлар санчилиши зааридан ҳадиксираб, бу чаманзордан гулни қўлга киритолмай йўл тутган эканлар.

Бу йүлда бизнинг ҳимматимиз олий ва табъимиз ботир ва парвосиз бүлгани учун ўтиб кетолмадик ва томошасидан түя олмадик. У олам теварагида табъ қүшини ҳужумга киришди ва у осмон ҳавосида хаёл қуши юкори учишлар кўрсатди, у хазинанинг кимматбаҳо тошларидан кўнгил саррофи⁵⁷ нихоясиз қийматли лаъл ва марваридлар олди. Кўнгил гул терувчиси⁵⁸ у чамзордаги гуллардан сон-саноқсиз ҳушбўй гуллар териб қўйнига солди.

Бу олинган ҳадялар орқали бойлик ва ғаниматлар билан кўнгил тўклиги мусассар бўлгач, бу натижаларнинг гуллари замон ахлига бенихоя ва бемиқдор очила бошлади ва бошларига беихтиёр сочила берди. Шу ижодлардан бири: “Фаройибу-с-сигар” девони – кичик ёшликда ёзилган ва таҳририм орқали зийнат топгандирки, бундай ажойиб маъноларни қизик сўзлар либоси билан кийинтирибман ва ҳалқ кўнглини ундаги ғарибистон аҳли ўти билан кўйдирибман.

Яна: “Наводиру-ш-шабоб” девони, бу йигитлик даврларимда қаламим баёнидан намойиш девонига ва оройиш гулзорига киргандирки, у нодирликлар тамошоси билан йигитлик дунёсига ғавго солибман ва дунё йигитлари кўнглидан ором ва карорни олибман.

Яна: “Бадойиу-л-васат” девони – буни хаёлим қалами умримнинг ўрталарида безашга наккошлиқ ва пардозлашга сехрбозлик қилгандирки, у бадиалар орқали шайдо кўнгиллар эшигини ишқ тоши билан қоқибман ва у уйга фитна ва тўпалон ўтини ёқибман.

Яна: “Фавоиду-л-кибар” девони – уни хаёлим қалами тириклигим охирларида Чин суратхонасининг рашкини келтирувчи ва жаннатга тенглашувчи килибдирки, унда улуғларга фойдалар тоза сувини етказибман ва ҳаваслари шуъласига насиҳатлар тиник сувини урибман.

Бу тўрт девон овозасин бутун дунёга етказганимдан сўнг “Хамса” панжасига панжа урибман. Биринчидан: “Ҳайрату-л-аброр” боғида табъим гуллар очибди, Шайх Низомий руҳи “Махзану-л-асрор”дан бошимга марваридлар сочибди.

Яна: “Фарход ва Ширин” шабистонига хаёлим юз тутганда, Мир Хусрав нафаси “Ширин ва Хусрав” ўти билан чироғимни ёритибди.

Яна: “Лайли ва Мажнун” водийсида ишқим кезибди, Ҳожу Ҳимматий⁵⁹ “Гавҳарнома”сидан кенг йўлимга гавҳарлар етқизгандир.

Яна: кўнглим “Сабъа-и сайёра” расадини боғлаб, Ашраф⁶⁰ “Ҳафт пайкар”идан етти ҳур юзлини ҳузуримга тақдим этибдир.

Яна хотирим мухандиси “Садд-и Искандарий” асосини солиб, Жомий “Хираднома”си орқали тузатиш ва ёрдам ноғарасини чалибдир.

“Хамса”ни ёзиш ишидан бўшаганимдан кейин, хаёлимнинг дунё кезар отини подшоҳлар тарихи даштига караб чопдирибман, шундай қилиб ёзув

кораси зулматидан “Зубдату-т-таворих”ни⁶¹ яратиб, подшоҳларнинг ўлган номини бу тириклик суви билан тиргизибман. “Насойиму-л-муҳаббат”⁶² хидлари баёнидан қаламим яхшиликлар келтиргач, авлиёларнинг муқаддас руҳи файзидан дунё тўлибдир.

“Лисону-т-тайр” овози билан кўшиқ айтиб, ҳакикат сирларини куштили ишорати билан мажоз суратида кўрсатибман.

“Насру-л-лаолий” (“Марваридлар сочмаси”) ҳазиналарининг таржимасига етганимда, “Назму-л-жавоҳир”⁶³ билан маъно қизларининг кийимларини безантиридим.

“Мезону-л-авzon” (“Вазнлар ўлчови”) дарёларида ғаввос бўлиб, бу йўл билан Носир Тусийдан узр тиладим.

Яна тағин бундан бошка рисолалар устида қалам тебратганман ва турли мактублар ёзганман, худди шунингдек, форсий сўз усталари ва афсоналарга пардоз берувчилар ҳам вараклар безаганлар ва тайёрлаганлар. Агарда доно ҳакам тўғрилик билан кўз солиб, бурунги форсий ва сўнгги туркийнинг гўзаллик ва нозикликларидан баҳра олиб, ҳар бирининг баҳоси ва даражасини аниқлаган вактида, умидим шундай ва хаёлимга бундай келурки, сўзимнинг мартабаси юқори даражадан қуиға тушмас ва бу тизмаларим (ижодларим) юлдузлари энг олий даражадан ўзга ерни эгалламас.

Бу сўзлардан ғаним бундай англамасин ва зид фикрловчи бу хилда гумон қилмасинки, табъим турк тилига мос тушгани учун, уни макташда муболаға кўрсатмакдаман ва форсий тилга муносабатим озрок бўлгани учун уни инкор қилиш ва йўққа чиқаришга тиришмоқдаман. Форсий сўзларни ва ибораларни ҳеч ким менчалик чукур таҳлил қила олмайди ва яхши томони бузук жихатларини мендан кўра яхшироқ билмайди.

Умрим гулшани илк баҳорининг сафоли даври ва ҳаёт богининг ям-яшил майсаларга бурканган вактиким, ўн беш ёшдан кирқ ёшгачадир, бу пайтда инсониятнинг кўнгил булбули ҳар гул жамолига берилған ва руҳи парвонаси ҳар шам ҳуснига маҳлиё бўлади, вактнинг яхшиси мана шу вактлардир. Бу вактларда кўп қизик воқеалар юзага келади, у воқеа бироннинг ҳусну нозини ёки ишқу умидини баён этишга сабаб бўлади. Бу хол ғазал (ишқий шеърлар) йўли билан бўлади, киши ё ўзи ижод қиласи, ёки бошқаларникини ўқиш билан машғул бўлади. Шоирларнинг девонларидан мен мутолааси билан шуғулланмаган девон жуда оз, ҳусусан, ишқ ва дард аҳлининг раҳбари ва илғори Амир Ҳусрав Дехлавийнинг девони ким, ошиклиқда дард ва зорланиш, қуиши-ёниш йўлини у тарқатди ва унинг ишқ машъаласидан тушган ёруғлик қоронғу дунёниг ҳамма ерига ёйилди.

Яна хақиқат ахлининг сараси ва улуғи, нафаси Аллоҳ рухониятидан нишон берувчи ва Ийсо нафасини эслатувчи Хожа Ҳофиз Шерозийнинг сермаъно сўзлари ва сирли оламидан хабардор бўлдим. Яна бу факирнинг пири ва устози, тариқат ахлининг тўгри йўл кўрсатувчиси, худога яқинларнинг йўл бошловчиси ва шайхул-исломи ҳазрати Маҳдум – дин ва миллатнинг нури мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг руҳпарвар латифаларини ва жон бағишловчи асарларини ўқиганман, у кишининг хар бир ғазали *кал-ваҳйил-мунизат*⁶⁴ ва хар бир рисоласи *кал-аҳодисип-набии мурсал*⁶⁵ (каби) юкори даражали ва юксак ўринлидир. Ҳар сўзи кийматда асл марвариддан юксакроқ ва тобланишда ўтли лаълдан кўра ёнувчанроқ, бунда юкорида мазкур бўлган икки азизнинг мӯъжизали сўзидан таъм ва баҳра бор, бунга ўзининг ишқ етуклиги ҳамда етишган кайфияти қўшиладики, бу жуда қизик нарса. Мана шуларнинг барчасини кўп қатла ўкиб ўтганман, балки кўпини ёдлаганман, қасида ва ғазалларининг пурмаъно нукталарини ва нозикликларини билганман. Балки қизикроқ ва нозикроқларига татаббуъ қилганман.

Улар каторида қасидалардан Амир Хусравнинг “Дарё-йи аброр”идир. Бу қасида тўғрисида шундай сўз машхурдир, Амир Хусрав: “Юз минг байтдан ортиқ бўлган девонларимнинг ғазаллари, қасида ва маснавийларимнинг байтлари дунё юзидан ювилиб кетса ва замон саҳифасидан ўчиб йўқ бўлса, лекин бу қасидам колса, шунинг ўзи менинг фазилатларимга далил бўла олади”, - деяр экан.

У қасиданинг бошланмаси машҳурдир:

Кўси шаҳ холију бонги ғулғулаш дарди сар аст,
Ҳар ки қонеъ шуд ба хушку тар, шаҳи баҳру бар аст⁶⁶.

Бу шеърга жавобан ҳазрати Маҳдумий дархол – “Лужжату-л-асрор”⁶⁷ номи билан шеър ёзибдилар. Бошланмаси бундай:

Кўнгuri айвони шаҳ к-аз коҳи кайвон бартар аст,
Рахнаҳо дон к-аш ба девори ҳисори дин дар аст⁶⁸.

Агар у⁶⁹ яхшилар дарёси бўлса, бу⁷⁰ баҳор булутидирки, мартабада ундан баландроқ ва баҳрада ундан фойда берувчанроқ булиб, соя солиш учун унинг устига ёйила олади ва бошига марваридлар ҳам соча олади. Факир юкори мартабали улуғларнинг ҳар икковларига муҳтожлик ва гадолик юзасидан татаббуъ⁷¹ килибман ва отини «Тухфату-л-афкор»⁷² дебман, бошланмаси бундай:

Оташин лаъле ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст⁷³.

Бунда кўп маъно берувчи ибора, муаммога ўхшаш (яширин) ишоралар қўшганманки, бу фан аҳлининг моҳирлари қойил колибдирлар. Бирон кишининг бу хусусда шубҳаси бўлса, ҳазрати Махдумнинг «Баҳористон» номли китобини кўрсинг у китобни «ҳаёт баҳористони ва нажот наққошхонаси» деса бўлади, ана шу китобда бу бошланмани битибдилар ва уни далил юзасидан келтириб мақтабдиларки, бу давлат ёрлигини осмоннинг пештоқига осилса арзиди ва бу саодат тамғасини Муштарий юлдузи бўйнига илиб қўйилса, фахрланиш ва шодликка сабаб бўлади. У китобни олдик, бу жойини топиб кўздан кечирдик ва билдикки, мен бошда таърифлаб ёзганман-у, лекин таърифимда камчилликка йўл қўйибман.

Яна Мир Хусравнинг «Миръоту-с-сафо»⁷⁴ номли қасидасига ҳаллоку-л-маоний Хоқоний Шервоний татаббуъ килгандир. Бошланмаси бундай:

Дилам тифл асту пири ишқ устоди забондонаш,
Саводул-важҳ сабаку, масканат кунжи дабистонаш⁷⁵.

Ҳазрати Махдумий унинг жавобида «Жилоу-р-руҳ»⁷⁶ номли қасидани айтибдилар ва бошланмаси бундай:

Муаллим кист, ишқу кунжи хомуши дабистонаш,
Сабак нодонийу доно дилам тифли сабақхонаш⁷⁷.

Фақир ҳам «Насиму-л-хулд»⁷⁸ қасидаси билан ҳар икки улуғларга пайравлик қилибман, бошланмаси будир:

Муаллим ишқу пири акл дон тифли сабақхонаш,
Паи таъдиби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш⁷⁹.

Бу қасидага ҳам кўп маънолар гавҳари киритилган ва умр маблағи сарф килингандир.

Яна «Руҳу-л-кудс»⁸⁰ қасидасининг овозасини кўтарибман, бунинг билан кудсийлар (яни, пок кишилар) руҳини тоза қилибман, бошланмаси будир:

Зиҳи ба хомаи қудрат мусаввар ашё,
Ҳазор нақши ажиб ҳар замон аз у пайдо⁸¹.

Яна “Айну-л-хаёт”⁸² қасидаси тиник сувини етказиб, ғафлат аҳлининг
ўлик баданларига жон киргизибман, бошланмаси будир:

Ҳожибони шаб чу шодурвон савдо афгананд,
Жилва дар хайли бутони моҳсиймо афгананд⁸³.

Яна “Минҳожу-н-нажот”⁸⁴ қасидасида тӯғрилик йўлини тутиб, адаш-
ганларга қтулишнинг катта йўлини кўрсатибман, бошланмаси будир:

Зиҳи аз шамъи руят чашми мардум гашта нурони,
Жаҳонро мардуми чашм омади аз айни инсони.⁸⁵

Яна “Қуту-л-қулуб”⁸⁶ қасидасини қаламим битиб, ҳакиқат йўлида ожиз
кўнгилларга ўша қутдан (маънавий) қувват етибди, бошланмаси бундай:

Жаҳон ки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,
Дар ў масоз иқомат ки роҳи шоҳу гадост.⁸⁷

Бу олти қасида: ҳамд, наът, сано, панду насиҳат ҳамда тасаввуф ва
ҳакиқат ахли тили билан айтилган маърифатдан иборатdir.

Яна оддий (тасаввуфчилар сирасидан бўлмаган) шоирлар йўлида ҳам
иссиқ, совук, намгарлик ва қурғоқлик аҳволлари билинадиган тўрт фаслли
“Фусул-и арбаа” (“Тўрт фасл”) номли қасидани қаламим ёзган ва тўрт фасл
хосиятининг таъсирига ўхшаш бутун дунёга ёйилгандир.

Яна сўз пардозчиси улуг устоз Ҳожа Калимиддин Салмон қасида май-
донининг чавандози ва ўз замонининг мислсиз сўз устасидир, машҳур-
дирки, санъатли қасидасини тузишда қалам суреб, уни ўн саккиз йилда
ёзиб тутагибди. Ҳакиқатан шундай иш килибдики, назм ахли унинг тагига
етишда хайрон ва унинг устида фикр юритишида саргардондирлар. Тарсиъ⁸⁸
санъати бошланмадан кейинги байтларда бўла олмайди, у қасиданинг му-
стахраж бошланмаси тӯғри бўлса-да, аммо, асл бошланмада аввалги ми-
садаги бир сўз билан кейинги мисрадаги бир сўз орасида номувофиқлик
бордир. Бошланма мана будир:

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,
Ҳавои жаннати кўят бибехт мушки татор.⁸⁹

Бу бошланмага тақлид қилган күп сўз усталари ва шоирлар унга монанд шеър айтган бўлсалар ҳам, лекин лат егандирлар. Бу фақирнинг⁹⁰ бошланмаси шудир:

Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,
К-аз он расид ба ёрон шамими васли нигор.⁹¹

Зийрак кишилар мулоҳаза қилсалар биладиларки, бу бошланма тарсиъ йўли билан айтилган бўлиб, айдан холи ва тарсиъ санъатига тўғри келади ҳамда бунинг устида ҳеч ким унга эътиroz билдирилмайди. Бу хилдаги шеърнинг таъкид ва муболағаси учун яна бир рубоий ҳам айтганман. Рубоий коидасини яратган Ҳалил бинни Аҳмаддан⁹² тортиб то бугунгача тарсиъ санъатида рубоий айтилгани эшитилмаган, балки йўқдир. У рубоий шудир:

Эй руи ту кавкаби жаҳон орое,
В-эй буи ту ашҳаби равон осое,
Бе мую ту, ё раб, чунон фарсое,
Гисуи ту чун шаби фиғон афзое.⁹³

Яна сўз усталари ва назмчилар томонидан яхши ва маъкул деб топилган Ҳожа Ҳофизнинг йўли билан форсча ғазаллар девони тузганманки, байтлари олти мингтадан кўпроқдир, бу ғазалларнинг кўпроғи у ҳазратнинг шеърига татаббуъ сифатида яратилгандир. Баъзиси ғазалчиликда янгиликлар яратувчи Шайх Муслиҳиддин Саъдийга ва баъзиси ишқ ўтхонасининг шуъла сочувчиси ва дард ғарибхонасининг ёш тўкувчиси Мир Ҳусравга ва баъзиси баркамоллик осмонининг нурли қуёши ҳазрати Маҳдумга татаббуъ тарзида яратилгандир. Юкорида тилга олинган азизлар ижодига доир жиҳатларни ўзида жамлаган бу девон ҳалойик ўртасида тарқалган ва замон аҳлиниң табълари у асарга қаратилгандир. Унда кўп турли дилкаш ифодалар ва кўнгилга хуш ёкувчи маънолар бордирки, улар ҳақида сўз юритиш бу факирдан муносиб эмас. У девонда ҳар хил назм турларидан, қитъалар, рубоийлар, маснавий, тарих, лугаз ва шу жумладан беш юзга яқин муаммо тилимдан замон сахифасига ёзилган ва қаламим кеча-кундуз варакларига накш қилгандир, буларининг кўпи Ҳазрати Маҳдум назарига етишиб, у ҳазратнинг тузатиш ва мақтовлари шарафига эришганлар.

Булардан бошқа, йигитлигим замони ва ёшлигим кунлари даврларида кўпроқ шеърда сехрловчи ва назмда мафтун этувчи шоирларнинг ширали шеърларидан ва рангдор байтларидан эллик мингдан ортиқроғини ёдлаганман. Уларнинг завқу шавқидан ўзимни овутибман. У шеърларнинг

яхши ва ёмон томонлари устида фикр юритибман. Яшпирин нозикликла-рига ўлаш ва фикрлаш орқали етишибман. Форсий сўзларнинг камчили-гию афзал жиҳатларини ўйлаб, тушунишда табъим четда қолмайди, балки у водийни кезишда қаламим чопари йўргалик билан қадам еткизмаган ери қолмагандир.

Ўттиз йилдан ортиқ ва кирк йилга яқиндирки, билим ва хунар ахли ол-дида дунё мамлакатларининг буюк шахри ва улуғ ўлкаси бўлиб танилган Хурсон мамлакатининг барча назм ахли, ширин сўзли шоирлари, хур-матга лойик адиллари, (ўзларининг) ҳар мазмунда варакалар юзида берган зийнатлари ва ҳар турли сўзлар билан қофоз бўлаклари саҳифасида намо-ён этган безакларини бу факир сухбатига етказган ва (мен)ожиз назаридан ўтказган, яхши-ёмонини ажратиш ва тузатишни илтимос қилган, хотирга келган нукталарни айтилганда, инсоф юзасидан қабул қилгандирлар. Агар-да баъзан (бизнинг айтганларимизга) рози бўлмасалар, далиллар билан эсларига туширилган. Шундан сўнг қабул қилиб, ўзларини рози ва хурсанд билгандирлар.

Зарраларни кўрувчи кўпгина маъно ахллари ва нозик нукталар устида сўз юритувчи нозикфаҳм гуруҳлар Анварий ва Салмон шеъри устида икки томон бўлишиб баҳслашганларида, бир-бирларига сўз ўтказа олмаганла-ридан кейин, бу факир олдига муҳокама учун келтириб турар ва ҳар қандай бир ҳукм топғанларида таслим бўлиб, жанжал-тортишувлари бирёқ-лик бўлгандир. Ғазалда Мир Шоҳий⁹⁴ ва Мавлоно Котибий⁹⁵ ва бошқалар тўғрисида бу йўсинда, маснавийда ҳазрати Шайх Низомий ва Мир Хусрав Дехлавий тўғрисида ҳам бу (мазмунда иш) кўп содир бўлгандир.

Барчасидан муҳимрок ҳужжат шуки, тўғри йўл кўрсатиш хомийси, гур-лари нурга тўлгур Ҳазрати Нуран⁹⁶ (худонинг сўзидан ва пайғамбарнинг мўъжизали ҳадисидан сўнгра форсий сўзда у кишининг сўзидан кўра юко-рирок сўз йўқдир), кўпроқ китоб, рисола, ғазаллар ва қасидаларда маъно гавҳарларини назм ипига тузган ва кўнгил махфий уйидан ҳалойик томо-шагоҳига жилвалантирганларида, ўша асарларнинг қораламасини илгари-рок бу факирға илтифот ва ишонч юзасидан берар ва: “Бу варакларни ол, бошдан-оёқ қараб чиқ ва хотирингга ҳар қандай айтадиган сўз келса айт”, – дер эдилар. Юқорида айтилгандек, мулоҳазаларимни айтсам уларга мақбул тушар эди. Бу даъвога далил шуки, ўндан ортиқ китоб ва рисолаларида ул ҳазрат бу факирнинг отини мазкур қилибдирлар ва кўпида фаҳм, идрок ва шунга муносиб сўзларга нисбат бериб, ёзибдирлар: бу яхши қараш таъсири билан сўз ахлларидан адив ва шоирлар гурухининг йиғин жойи ва илм-нинг манбаи бўлган подшохлар подшохининг⁹⁷ кўкка етар сухбатларида ва жаннат зийнатли хизматларида ўттиз йилдан ортиқ бу факирнинг сўзига

юксаклик ва эркинлик, ўзига сұхбатидан улуғ зәтибор ва сұзига ўзи жиҳатидан буюқ мартаба ва даража берилар эди.

Тангри таоло илтифотининг эгаси ва бепоён ҳақикат нурларининг манбаи, муборак күнгли илмлар гавҳарининг дарёси ва гүзал хотири тупрокка тенг бандалар зотининг кимёси бўлган подшоҳлар подшоҳи олий мажлисида бу гуруҳнинг атама ва қоидалари тўғрисида сўз бўлганда, кўпроқ бу факирга хитоб қилас, адид ва шоирлар ижоди тўғрисида бирор нарса айтилса, сўзни бу каминага қаратар эдилар. Бу тупрокнинг мартабасини осмонга шунча кўтариб, бу зарранинг қадрини қўёшдан шу кадар ошириб эдиларки, ўзларининг қўёшни равшанлаштирувчи табларидан юзага чикиб, ўз гавхар сочувчи қаламларидан накш топган ва ўзларининг ахволлари кайфиятини батамом тасвирлаган рисолаларида⁹⁸ бу аввалдан синашта бўлган қулларини шеър йўлининг барча соҳасида мактаб ёзиб, соҳибқиронлик лақаби билан фахрлантирган ва мислсиз, тенгсиз каби сифатлар билан имтиёзлантиргандилар.

Аниқдирки, олий табълари замон мушкулларининг ўлчови, муборак зехнлари олам нозикликларининг ҳал қилувчиси ва сирларини билувчи-сидир.

Бу камтар банда агарчи тупроқданда тубан бўлсан ҳам, аммо ул қуёшнинг тарбиялари билан ранг-баранг гуллар очдим ва бу беэътибор агарчи заррадан камрок эсам ҳам, ул булутнинг қувватлашлари билан турли-туман дурлар сочдим ва дилсўз байтларим илтижо қилувчилар ўртасида фитна ва ғавғо солди, базмни қизитувчи ғазалларим ишк аҳлларига оҳу вовайло солди.

Сўзнинг қискаси, мунча кучли далиллар ва буюқ шоҳидлар орқали, бу фаннинг форсча ва туркча шеъри бобида бу факирнинг маълумотлилиги, балки моҳирлиги аниқ ва равшан бўлгандан кейин, агар бирини бошқа биридан ортиқ кўрсам, бу тоифанинг кишиларидан ҳеч кимсага таслим бўлиш ва “тўғри” дейишдан бошқа сўз ва мажол қолмаса керак. Хусусан, бунча катъий далил билан аниклангач, шоҳидлик юзасидан бу кораламанинг сўзи эмас, балки ҳар ҳарфи фарёд урадилар ва ғавғо кўтарадилар.

Яна бир хулоса шуки, мамлакат араб халифалари ва султонлари қўлида экан, фалак у вақтда шеъриятга араб тилида жилва берди, чунончи, Ҳассон Собит ва Лакитдек сўз подшоҳи сухандонлар ва маъно яратувчи гўзал сўз эгалари пайдо бўлдилар ва ўз тилларида шеър айтишнинг додини бердилар.

Бу муносабат билан араб подшоҳларидан Иброҳим Маҳдий, Маъмун халифадек ва булардан бошқа подшоҳлар ва подшоҳзодалар шеърлар ва қасидалар айтдилар, фойдалар келтирдилар.

Дунёнинг баъзи иклим ва ўлкасида сарт подшоҳлари мустақил бўлгандан кейин, шу муносабат билан форсийгўй шоирлар пайдо бўлдилар. Қасидада: Ҳоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Захир ва Салмон; маснавийда фан устози Фирдавсий, замонининг нодири Шайх Низомий ва ҳинд сехргари Мир Ҳусрав; ғазалда ўз вактининг ихтирочи ижодкори Шайх Муслиҳиддин ва асрининг ягонаси Ҳожа Ҳофиз Саъдий Шерозий сингарилар етишди. Буларнинг таърифи юқорида бир озгина айтилган ва сифатлари тўғрисида қалам урилгандир. Сўзни чўзмоқнинг ҳожати йўқ, узундан-узоқ сўзлашни маъно аҳли мақбул ҳисобламайди. Бу муносабат билан сарт подшоҳларидан ҳам султон Тугрул ва Шоҳ Шужодек юкори қадрли подшоҳлар ва баланд мартабали юлдуз сипоҳлар рангдор байтлар, ширин ғазаллар айтдилар, асарлари ўз замонларида машхур бўлди ва турмушлари варакларида ёзилди. Мамлакат араб ва сарт султонларидан турк хонларига ўтгандан сўнг, Ҳулогухон замонидан султон соҳибқирон Темур Кўрагон замонигача турк тилида бирор шоир пайдо бўлмадики, таъриф қиласи ва варакқа ёзарли асар яратган бўлсин ва султонлардан ҳам (таниклиси) ўтмадики, бировнинг олдида тилга олишга муносиб бўлсин. Аммо, султон Соҳибқирон Темур Кўрагон замонидан хуш ахлок фарзанди Шоҳруҳ Султон замонининг охиргача турк тилида ижод этувчи шоирлар пайдо бўлдилар. Ва у Ҳазратнинг авлодидан ҳам хуштабъ султонлар етишиб чикди Саккокий, Ҳайдар Ҳоразмий, Атоий, Муқимий, Якиний, Амирий ва Гадойдек шоирлар каби. Лекин ижод бобида тилга олинган форсий шоирларга teng келадиган ёлгиз Мавлоно Лутфийдан бошқа киши пайдо бўлмади, унинг табъ аҳли қошида ўқиса бўладиган бир неча матлаълари бордирки, улардан бири мана будир, байт:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Подшоҳлар ичидан ҳам султон Бобурдан бошқа ҳеч қайсисидан шеърий асар юзага чиқмади ва варак юзига накш қиласи ўзга бирор нарса қолмади. Бу матлаъ уларнинг намуналаридандир, байт:

Неча юзунг кўруб ҳайрон бўлайин,
Илоҳи мен санга қурбон бўлайин.

То бу вақтгачаки, мамлакат хонадонининг салтанат таҳтига, муҳр ва тож ўринбосарлигига лойик ва мувофиқ бўлган асллик даражасининг шоҳона дурри, адолат маъданининг олий даражали гавҳари, қўшиндорлик маъра-

касининг Рустам-и достони, қўмондонлиқ майдонининг Сом-и Наримони, юксаклик тожининг ярашган гавҳари, базм тузувчилик осмонининг кутлуғ юлдози, жаҳондорлик базмининг Жамшидмонанд Искандари, жаҳонгирлик йигинининг оламга ёйилган қуёши, юксаклик жаҳонининг осмонтешар чўккиси, адолат осмонининг гавҳар сочар булути, фазилат ва камол қўз қорасининг ўткир қорачиги, сўз ва нутк богининг сайроки булбули – султон ўғли султон, хокон ўғли хоқон, подшохлик, дунё ва диннинг иззати Абулғози султон Ҳусайн Баҳодирхон *халадаллоҳ таоло мулкаҳу ва салтаниматҳу ва афоза алал-оламина бирраҳу ва мукарраматиҳи*⁹⁹

Рубоий:

Ким, то фалак оғоқ уза давр қилур,
Анжум гули ҳар тун бу чамандин очилур,
Не шоҳ аниң зоти киби ёд билур,
Не табъ аниң табъидек истаб топилур.

Токим фалак эврулур, давом ўлсун анга,
Иқбол бисотида мақом ўлсун анга.
Ҳам нутк ила жонбахш калом ўлсун анга,
Ҳам назм каломи мустадом ўлсун анга.¹⁰⁰

Подшохлик таҳтига ўтиргач ва юрт сўровчилик ўрнида ором топгач, мамлакат ипига тинчлик гавҳарини тизди, жаҳон экинзорига жамият уруғларини экди. Соғ қалби гавҳари маъноларнинг кони, тўғри марварид зеҳни илохий файз курсатувчи эканлиги учун, калом аҳлига¹⁰¹ шодлигу осойишталиқ ва калом гурухига¹⁰² равнаку ривожланиш берди. Ҳар илмда фойдали асарлар, ҳар фанда натижали ёзишмалар яратдилар, мазмундор китоблар ва ажойиб девон, ғазал, қасида ва маснавий каби шеър турлари юзага чиқди ва ҳамма ёққа ёйилди. Ўзлари ҳам, гарчи ҳам форсий, ҳам туркий тилида (шеър) айтмокқа қодир бўлсалар-да, аммо, асл табъларининг тортиши ва шу тилнинг тарқалганлиги муносабати билан туркий тилда девон яратишга майл килдилар ва кўнгилга ёқувчи байтлар, ўхشاши йўқ ғазаллар туздиларки, осмон маҳкамасининг қалам тебратувчиси ва ёзувчиси, олам тартибли уйининг чизмакаши ва тартибга солувчиси бўлган Аторуд¹⁰³ юлдози, нозикликлар гули варайхонлари билан бунчалик безалган боғни ва қийматбаҳо маъно тошлари билан зийнатланган бундай хазинани кўрмагандир. Нозик маъно гул юzlари силлиқ сўзлар қийимида жилва берган ва ажойиб мақсад ой юzlари майин ифода либосида чехра очган девондир, девон демай, балки улуғ денгиздирки, ундаги ҳар газал қийматбаҳо тошлар билан тўлатилган бир кемадир, кема демай, балки бир хазинадирки, ҳар бир байти маънолар гавхаридан кўмилган юз хазинадир.¹⁰⁴ Куйдирувчан

байтларини ўқувчининг нафаси – эл кўнглини ўртамакка заҳарли оғат ва дардли сўзларини айтувчининг товушидаги ноладан ғамгинлар бағри ярадордир. Айтими шод кўнгилларни мотамга солувчи, ҳарорати муздек совиган кўнгилларни ўтхонага айлантирувчи, ҳарфларнинг тартибида мафтункорлик ва ифода тузилишида кишини сехрловчи байтлар юзага келган.

Айтиб ўтилган, бунда кўрсатилган сифат ва тартибида таърифи ёзилган ва бошқа Доромисол подшоҳлар, балки Масихсифат пок нафасли шоирлар томонидан воқеъ бўлмаган бу хилдаги туркча девон юзага чиқди ва орага тушди. Унинг тириклик сувининг файзи қўёш чашмасидан ўтиб кетди ва бу тоифанинг бебаҳралари бу рух озигидан баҳраманд ва лаб ташналари бу тириклик сувидан сероб бўлдилар. Шунинг билан бирга, подшоҳлар подшоҳининг¹⁰⁵ муборак хотири, қуёшдай равshan кўнгли шунга ҳам мойилки, турк шоирлари ўз тилларида шеър айтишга машғуллик қилсинлар ва катма-қат бўлиб чирмашган кўнгил ғунчалари баҳорнинг ёқимли шамолига ўхшаш нафаслар билан гулдек очилсинлар.¹⁰⁶ Илтифот ва ғамхўрлик юзасидан баъзи сабаблар топиб шеър айтишга ҳукмлар ҳам жорий бўлди, сўз услубини белгилашлар ва айтилиши устида таълимлар изҳор қилинди.

Турк ҳалқининг хуштаб бекларийо мирзодалари ва кобилиятли зеҳн эгалари бу йўлда керак даражада машғуллик қилолмадилар ва унчалик ижод натижаларини кўрсата олмадилар, улардан яхши айта олиш умидини қилса бўлар, балки бу умидни уларнинг турмуш аҳволига яқинлаштирилса бўлар эди. Қизикроғи буки, билимдон подшоҳнинг бундай тарғиб ва ундаши, эҳсони ва тахсини эргашиш ва мувофиқлашиш қоидасини унутиб, бош тортиш ва адашиш йўлини тутиб, кўпи, балки бариси форсийга мойил ва у тил билан шеър айтувчи бўлдилар. Бунинг сабаби шундан ўзга бўла олмас: турк тили таърифида юкорида айтилгандек, агарчи сўзлар кўп, ибора кенг, маънолар ажойиб, айтилишда равонлик бўлса-да, кўнгилга ёқувчи қилиб тузишда қийинлик бор ва дилтортар қилиб тартиб беришда табъ меҳнат ва азоб чекар.

Турк тили шархида бир неча бетни безаш ва пардозлашни, унда ҳазрат султон табъларининг ёқимлилиги ва зеҳнларининг маҳоратини шарҳ этмакни ва олий раъйлари тартиб берган девон тӯғрисида беадаблик қилиб бир неча сўз айтмоқни лозим кўрилди.

Ул ҳазрат¹⁰⁷ бориб турган донолик ва бенихоя чуқур тушуниш юзасидан бу фан эгаларига ва билим арбобига таълимлар берган ва бу йўлда (шуғулла-нишига) унdagанлар, лекин булар ул ҳазратнинг нозик сўзини ё англамай, ё англасалар ҳам буйуюрулган йўсинда амал қилмай ёки қила олмай келдилар.

Бу камтар ул ҳазратнинг пок нафаси хотирасини сақлаб, ижроси лозим бўлган ҳукмларга бўйсуниб ва фармонбардорлик қилиб, кўнглимдан ва тилимдан келгунча, қаламим ва қулимда куч бор деб хис қилгунча ул

ҳазратга қуллик қилиб¹⁰⁸ ва у қуллик билан ўзимни саодатли ва хурсанд сезиб, ҳатто, шогирдлик билан ўзимни шарафли, азиз, фахрли ва боши күкка етган, деб билдим. Йиллар бўйича турк тили ва назми қоида ва услуби тўғрисида билмаганларимни сўраб, кийинчиликларимни, мушкулларимни ҳал қилувчи хузурида арз қилиб¹⁰⁹, буюк фойдалар топиб, зур натижалар кўрдим. Ул ҳазратнинг таълими ва тарбияси билан, йўл курсатиши ва қувватлаши билан ишим ул ерга етдики, ўз пок табълари натижасидан чиқсан ўз маърифатпарвар қаламлари таҳрири ва ўз ёқимли нутқларининг ёзмалари бўлган рисолаларида, юкорида айтганимча, менинг лақабларимни қандай номлар билан ёзганларки, қайтариб айтишнинг ҳожати йўқ.

Бу бандага ҳам худонинг исми бўлган «Ал-мутакаллим»¹¹⁰ унвонига эга бўлиш, ҳалойик орасида сўзчанликда тенгдош ва қурдошларимдан фарқ ва эътиборга, улуг ном билан овоза ва шуҳратга эга бўлиш ул ҳазратнинг марҳамат ва ғамхўрликлари туфайли юз берди. Юкорида мазкур бўлган ва то шудамгача бу гурухдан ҳеч кимга тўплаш насиб этмаган ва ихтирои мұяссар бўлмаган девон, маснавий ва бошқа китоб ва рисолаларни тузиш ва ижод қилиш мумкин ва мұяссар бўлди. Агарчи барча нарсани ул ҳазратнинг шарафли исмига боғлаган ва олий лақабларига қўшган бўлсам ҳам, буларни бошка марҳаматлари кархисида тутиб, «Ал-мутакаллим» исмига эришувимга узр айтиш юзасидан туркий ва сарт тили орасидаги ахвол ва ҳақиқатни изохлаб, бу рисолани туздим ва унга «Мұҳокамату-л-лугатайн» деб от кўйдим.

Бунинг билан турк тилининг фасоҳату нозиклиги ва балоғату кенглигини ул ҳазрат бу тилу иборат билан назм бисотини тузибдирлар, Исо нафасию Хизр сувидан ўликни тирилтиրмак йўлини олам ахлига кўргазибдирлар – курсатдим. Ҳаёлимга шундай келадики, турк ҳалкининг сўз усталари олдида улуғ вазифани бажардим, бунинг билан улар ўз сўзлари, иборалари ҳақиқатидан ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидан хабардор бўлдилар ва форсийгўйларнинг нутқ ва сўз бобида қилиб келган таъна ва маломатларидан кутулдилар. Улар ҳам шунча меҳнат ва машаққатлар билан юзага чиқарганим – бу маҳфий илмдан хабардор бўлсалар, умидим шуки, бу факирни яхши дуо билан ёд килгайлар ва руҳимни унинг билан шод килгайлар.

Рубоий:

Бу номаки, ёзди қаламим тортиб тил,
Таърихин анинг жумодийул-аввал бил,
Куннинг ракамини чоршанба килғил,
Тўккuz юз йилдин ўтуб эрди беш йил.¹¹¹

Вас-салом.

Изоҳлар, шархлар, таржималар^{*}

1. Мазмуни: “Эй” яралишни сўз билан (яъни, “бўл” амри билан) бошлаган, инсонни орада (Ўзига) яқин тутган, бунинг билан “бўл” деса – бўлади” сахифасига (инсонни) безак қилиб, инсонни нутқ ила баридан юксак қилиб қўйган Зот, Сенга ҳамду санолар бўлсин.
2. Таржимаси: “Одамнинг лойини кирқ тонг пишитиб қўйдим”. Ҳадиси қудсий.
3. Таржимаси: “Ҳамма исмларни ўргатдим”.
4. Ал-мутакаллим – сўзловчи, нотик.
5. Мазмуни: Яъники, Маъбуд оламни яратиб, олам аҳлига қудрат ва вужуд берди. Мақсад инсон эди, у мавжуд бўлди. Инсоннинг ҳам максади ўз Ҳабибини (яъни яратган Зотни) англаш эди.
6. Таржимаси: “Мен аниқрок ва чиройлироқ гапираман”.
7. Мазмуни: Ўша вақътда на олам бор ва на одам, буларни ҳали қудрат эгаси яратмаган эди. Вақтики, у ўзининг яратувчанилигидан дам урди. Айтгани шу эди: “Пайғамбар бўлдинг, бас, англаб ол”.
8. Таржимаси: “Ул зотга ва ул зотнинг пок оиласига ва пок саҳобаларига кўпдан кўп саловат ва саломлар бўлсин”. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)га айтилган сано.
- 9,10. Навоий бу ўринда ўта камтарлик билан ўзини назарда тутмоқда.
11. Гуноҳлар кечирилсин, айблар яширилсин.
12. Мазмуни: Марваридни дори сифатида олганда, майда-майда қилиб, бир мисқолни бир дирҳамдан сотилади. Агар подшоҳ қулоқ соладиган бўлса, бутун ҳолида олинади ва унинг қиймати (бутун бир) мамлакатга, ҳазинасининг кирими (қимматбаҳо) молларга teng бўлади.
13. Мазмуни: Сўз шундай бир гавҳардурки, (унинг) мартабасини аниқлашдан нутқ эгалари ожиздирлар: мартабаси ёмон сўзнинг ҳалок қилувчанилигидан тортиб, яхши сўз билан Исонинг (а.с) муъжиза кўрсатишига қадар боради.
14. Мазмуни: Яна Биз сиқиб чиқарувчи (булут)лардан дув-дув сув (ёмғир) ёғидирдик. Токи, у сабабли дон ва наботот (ундириб) чиқарурмиз. Шунингдек қалин (сердараҳт) боклкрни ҳам. Куръони Карим “Набаъ” сураси, 14–16 оятлар. Абдулазиз Мансур Куръони Карим маънолари таржимаси.
15. Таржимаси: “Ёпинчиқни кўтармаганда ҳақиқий илм ошмаган бўларди”.
16. Мазмуни: То жаҳон боғи бор экан, бу гулшан мевага тўлсин, Унда бу булбулларнинг сайроқ овози янграйверсин.
17. Яъни туркнинг отаси.
18. Яъни форсларнинг отаси.

* Форсий шеърлар таржималарини беришда ва батъи форсийгүй шоирлар ҳақидаги маълумотларни келтиришда 1967 йилда Порсо Шамсиев томонидан тайёрлаб нашр этилган (Алишер Навоий, Асарлар. Ўи беш томлик, Ўи тўртичи том) китобининг “Изоҳ ва таржималар” кисмига (103–132 бетлар) мурожаат килиши.

19. Яъни ҳинднинг отаси.

20. Санскрит тилида карвонбоши, савдогар маъноларини ифодаловчи бу сўз ўтмишда турли ўлкаларда турлича маъноларда ишлатилган. Жумладан, у ўрта асрларда форс ва шунингдек, тожикларга нисбатан ишлатилган. Чунончи, Навоий ҳам бу сўзни ўз асарларида фаол қўллаган.

21. Бошланма, яъни, матла. Матнда ҳар икки шакл ҳам қўлланилди.

22. Мазмуни: Эй сокий, май бер, бир лаҳза ўзимни унутай.

Шарти шуким, канча тутсанг ҳам, тутгансанг ҳам уни лабо-лаб сипкарай.

23. Мазмуни: Сокий (майни ўзи) ичиб менга қўш-қўш тутади, мен эса уни томший-томший лаззатланайин.

24. Мазмуни: Ҳижрон азобида эзилдим, нима қилишни билмайман. Мени бу ғам-андуҳдан фақат май кутқара олади, йўқса туриб фано оламига (йўкликка) кетай.

25. Мазмуни: Зоҳид ўзининг Тангри-таолога бўлган ишқини ошкор қилайин десса, йиғламсирайди-ю, лекин кўзига ёш келмайди.

26. Мазмуни: Сенинг ишқингни замона ахлидан пинҳон тутишни истасамда, кечалар гоҳ инграб, гоҳ синграб чиқаман.

27. Мазмуни: Ул ой юзли сулув, кула-кула мени ўзига якинлаштириб олди. Мени йиглатти десам бўлмас, мени сиктатти.

28. Мазмуни: Ишим тоф узра ҳар ёнга кўз ёши селини тўқмакликдир, фироқ ғавғосидан ҳар дам булут каби ўкурмакдир.

29. Мазмуни: Чархнинг зулмидан бўғзимни кириб йиғларман; йигирилаётган чарх сингари ингичка овоз чиқариб йиғларман.

30. Мазмуни: Эй Навоий, ул гул учун "хой-хой"лаб йиглайверма, чунки "ҳай" дегунча на гулнинг танаси, на ғунча, на гул қолади.)

31. Мазмуни: Юзингни очарга муштоқману, лекин уни эл кўришидан қизғонаман.

32. Мазмуни: Сенинг йўлингда оёкларимга кирган чўкурларни териб олиб, уша кўчанинг тупрогига суртиб, кўзларимга сурма қилиб тортаман.

33. Мазмуни: Кўзларинг боқиб туриб ҳар дам қонимни тўқадиким, йироқдан телмуриб юзимга яна қанча боқасан.

34. Мазмуни: Гўзалнинг таърифида айтади: Юзлари гул-гул, киприклари – тикан, кўз қовоқлари кенг-кенг, оғизлари тор.

35. Мазмуни: Эй ой юзлигим, фироқинг ичра ҳалқни ўртамак учун нафасим гўё чақмоқдир, оҳ уришим яшин кабидир.

36. Мазмуни: Унинг қизил юзида кўркли бир хол яратди, бўйи бирла сочини (эса) тенг яратди.

37. Тажнис шеърда шаклан ўхшаш ёки яқин бўлган сўзларни қўллаш санъатидир. Бундай сўзлар ўзбек мумтоз адабиётигагина хос бўлган туйук жанрини яратиша, айниқса, қўл келган.

38. Бу ҳам бадиий санъатлардан бири бўлиб, унда икки маънони ифодаловчи сўз қўллаш воситасида нафис мисралар яратилади. Байтдаги бундай мисралардан икки хил маънони англаш мумкин.

39. Назм сўзи бир неча маънога эга бўлиб, бу ўринда вазн ва қофияга солинган сўзлар тизмаси – шеър назарда тутилмоқда.

40. Мазмуни:

Отинг пари-ю хурдир, бегим,
Отинг тез югуришда дев эрур, бегим.
(Унинг) хар ўқики, улус ундан кочар.

(Ўша ўқни) нотавон жоним сари отинг, бегим.

41. Тажниси том – тўлик тажнис. Бунда шаклдош (омоним) сўзларнинг шеър кофияларида ишлатилиши назарда тутилади.

42. Мазмуни:

Эй ракиб, жононга ўзингни ит тутсанг ҳам,
Бизга раҳм килиб, ёрнинг кўчасидан ит (йўқол).
Ишқнинг шуъласи дўзахча бўлса ҳам,
Бизни ўз қўлинг билан у сари иткит(улоктири).

43. Яъни, мавжуд эканлигини таъкидлаш.

44. Яъни, буюриш.

45. Яъни, “алиф” (!) – а ҳамда “ҳойи ҳаввоз” (ﷺ) – ҳ нинг сўз охрида а ҳарфини инфодалаб келиши назарда тутулмоқда.

46. Той – отнинг ҳали икки ёшга йистлаган боласи.

47. Фунан – икки яшарли от.

48. Дунан – уч ёшга тўлиб тўрт ёшга ўтган от.

49. Тулон – беш яшар от.

50. Чирга – олти яшар от.

51. Яъни, “шин” (ش) – ш ҳарфи.

52. Яъни, араб морфологияси.

53. Яъни, ч ва и = чи.

54. Яъни, тилимга келган мисралар ҳали шеър бўлиб, қогозга тушмаган пайтида, дейилмоқчи.

55. Яъни шоирлар.

56. Яъни шеърлар яратувчилвр.

57. Сарроф – бу ўринда қимматбаўо тошларни баҳовловчи, заршунос маъносида кўлланмоқда. Навоий ўзини назарда тутмоқда.

58. Бунда ҳам Навоий ўзини назарда тутмоқда.

59. Эрон шоири Хожи Кирмоний – Абулато Камолиддин Махмуд ибн Али (1290-1354) Бу ўринда унинг “Хамса” сидан бешинчи достон “Гавҳарнома” йўлида Навоий ўзининг “Лайли ва Мажнун” достонини яратганлигига ишора этмоқда.

60. Бу адабнинг тўлик номи Ашраф ибн Шайхул-Умам Абулҳасан ибн ал-Ҳасан ал-Марогийи ат-Табризий бўлиб, тугилган йили номаълум, вафоти 1459 йил. У ҳам бешлик яратган бўлиб, улар “Минҳожу-л-аброр”, “Риёз ул-ошиқин”, “Ишқнома”, Ҳафт пайкар” (баъзи манбаларда “Ҳафт авранг”), “Зафарнома” асарларидир. Жумланинг янада аниқ маъноси: кўнглим “Сабаъий сайёра” достонини яратишни истади ва бунда Ашрафнинг “Ҳафт пайкар”и менга ибрат бўлди.

61. “Зубдату-т-таворих” (Тарихлар сараси). Навоий яратган “Тарихи мулуки

ажам” ва “Тарихи анбиё ва хукамо” номли тарихга оид асарларининг умумий номи.

62. “Насойиму-л-муҳаббат”. Яъни, “Насойиму-л-муҳаббат мин шамойил ул-футувват” (Улуғлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шабадалари). Навоийнинг ўзи таъкидлашича, устози Жомийнинг Шарқ ориф ва мутасаввифлари хақида маълумот берувчи “Нафоҳату-л-унс” (Дўстлик нафаслари) номли тазкира асарини туркий тилга таржима қилган ва уни туркий ҳалклар орасидан етишиб чикқан машойихлар хисобига тўлдирган тазкирасини шу ном билан атаган.

63. “Назму-л-жавоҳир”. Ҳозирда Али (каррамаллоҳу важҳаҳу)га нисбат берилган “Насру-л-лаолий” (Марваридлар сочмаси) насрый асарининг шеърий таржимасидир. Мазкур асар мұқаддимасида таъкидланишича, ана шундай ижодий ишни амалга ошириш режаси Навоий қалбида аввалорок пайдо булган. 1485 йилда Ҳусайн Байқаро ўзининг “Рисола “асарини яратар экан, унда Навоий мадхига катта үрин беради. Ва ҳакли равиша “Турк тилининг ўлган жасадиги Масих каби рух кирилди”, дея васф этади. Дустининг бундай илтифотига жавобан Навоий қўнглидаги режасини – “Насру-л-лаолий”нинг шеърий таржимасини амалга оширган ва уни “Назму-л-жавоҳир” (Жавоҳирлар тизмаси) деб атайди.

64. Тушурилган ваҳий каби.

65. Юборилган Пайғамбарлар ҳадислари каби.

66. Мазмуни: Подшоҳ ногорасининг ичи бүш-у, шовқин-сурони бош оғригидир. Кимки ҳўл-куруққа қаноат қилса, ер юзию денгиз шоҳидир.

67. Абдураҳмон Жомийнинг “Лужкату-л-асрор” (Сирлар теранлиги) асари. Навоий кўп үринларда устозини “Ҳазрати Маҳдум”, “Ҳазрат Маҳдумий” дея тилга олади.

68. Мазмуни: Подшоҳ саройи айвонининг жимжимаси энг юкоридаги юлдузнинг пештоқидан юксак бўлганида ҳам, билгилки. ундан дин қалъасининг деворига ёриқ пайдо бўлади.

69. Яъни, Ҳусрав Деҳлавий шеъри.

70. Яъни, Саъдий шеъри.

71. “Татаббӯ” сўзининг лугавий маъноси “бирор нарсанинг кетидан тушиш, изидан бориб текшириш, излаш” булиб, истилоҳда таниқли шоирларнинг шеърига бошқа бир адаб томонидан (у замондош ижодкор ҳам бўлиши мумкин, кейинги давр адабиёт вакили ҳам бўлиши мумкин) ҳар жиҳатдан мувофиқлаштириб янги шеър яратишдир.

72. “Тухфату-л-афкор” – Фикрлар тухфаси. Навоий ўзининг устози Жомийга бағишлиланган асари – “Хамсату-л-мутахайирин”да бу қасидасининг яратилиш тарихини баён этган.

73. Мазмуни: Подшоҳлар тожини зийнатловчи ёлқинли лаъл тоши уларнинг бошидаги ҳом хаёлларни пишишувчи ўтдир.

74. “Миръоту-с-сафо” – Поклик ойнаси. Бу асар тилга олнаётган жумлада янглиш холат мавжуддек. Гап шуңдуки. Афзалиддин Иброҳим Али ўғли – Ҳоконий Ширвоний 1120 йилда туғулиб, 1199 йилда вафот этган. Ҳусров Деҳлавий эса, 1253 йилда туғулиб, 1325 йилда вафот этган. Демак. Ҳоконий Ҳусров Деҳлавийдан юз йилдан

ортиқ вақт аввал яшаган. Шундай бүлгач, қандай қилиб у үзидан 133 йил кейин дүн-ёға келган ижодкорнинг асарига татаббуъ килиши мүикин?! Фикримизча, бу с尔да хаттоттинг гайрихтиёрий равищда хатога йўл кўйиши туфайли шундай кўпол хато юзага келган. Эҳтимол, жумла “Яна Мир Ҳусравнинг “Миръату-с-сафо” отлиғ қасидасиким, ҳаллақул – маоний Ҳоконий Шервонийга татаббуъ қилибдур...” тарзида бўлгандир, аслида. Зотан, Алишер Навоий “Тула асарлар тўплами”нинг Ўн жилдлигида мазкур ўринга “Навоий бу срда Ҳоконийнинг бир қасидаси жавобида Ҳусрав Дехлавий ҳам қасида ёзганини тилга олади” дея изоҳ берилиши ўринлидир. (Қаранг: ўша китоб, ўнинчи жилд, изоҳлар, 34-бет, 53-изоҳ.

75. Мазмуни: Кўнглим ёш боладир, ишкнинг пири тил ўргатувчи муаллимдир. Юз коралик ундаги дарс бўлиб, мискинлик мактабнинг бурчагидир.

76. Абдураҳмон Жомийнинг “Жилоу-р-руҳ” (Рухнинг жилоси) қасидаси. Навоий уни Ҳусрав Дехлавийнинг “Миръоту-с-сафо” қасидаси жавобида ёзилганлигини таъкидлайди.

77. Мазмуни: Муаллим ким? – ишқдир, хомушлик бурчаги унинг мақтабидир. Ундағи дарс – нодонлик бўлиб, доно дилим у мактабнинг сабоқ ўрганувчи боласидир.

78. “Насиму-л-хулд” – Жаннат шаббодаси. Навоий бу қасидасини ўзи таъкидлаганидек, “хар икки улуглар”, яъни юкорида зикр этган зотлар – Ҳоконий ва Ҳусрав Дехлавийларга татаббуъ тариқасида яратган.

79. Мазмуни: Муаллим ишқдир, аклнинг пири сабоқ ўқувчи боладир. Болага одоб бериш учун фалак айланувчи чарх бўлди.

80. “Руҳу-л-кудс” – Покиза рух.

81. Мазмуни: Қандай яхшики, қудрат қалами билан нарсалар тасвиранади. У каламдан хар замон юз хил қизиқ нақшлар пайдо бўлди.

82. “Айну-л-ҳаёт” – Ҳаёт булоғи.

83. Мазмуни: Кеча посбонлари кора чодирларини тушаганларида, ой юзли гўзларга жилва ташлайдилар.

84. “Минжоҳу-н-ножот” – Нажот йўли.

85. Юзинг равшанлигидан одамларнинг кўзи нурланди, айни инсонлигингдан жаҳоннинг (кўз) корачиги бўлдинг.

86. “Қуту-л-қулуб” – Қалблар озиғи.

87. Мазмуни: Жаҳон – фано катта йўлининг тор манзилидир. У срда турма, чунки, (у) шоҳу гадонинг ўтар йўлидир.

88. Тарсиъ, тарсе. Бу сўзнинг асл маъноси бирор нарсага безак мақсадида қимматбаҳо тошлар ўрнатишdir. Шеъриятда байтнинг биринчи мисрасидаги сўзлар билан иккинчи мисрадаги сўзларнинг бир-бирига оҳангдош, вазндош ва қофия-дош қилиб келтиришdir. Навоий мисол тариқасида келтирган байтда муаллиф, яъни, Ҳожа Калимуддин Салмон бир ўринда қоидага хилоф иш қилганини айтмоқда. Бу биринчи мисрадаги “оби” сўзи билан иккинчи мисрадаги “мушки” сўзининг ўзаро номувоғиқлигидир.

89. Мазмуни: Покиза юзининг соғлиғи баҳор сувини тўқди. Жаннатдек манзилининг ҳавоси тоза ва энг хушбўй хид тарқатди.

90. Яъни Навоий ўзини назарда тутмоқда.

91. Мазмуни: Богчага баҳор фаслиниң майин шамоли шундай эсдини, ундан кадрли дүстларга севикли машуқаның ёкимли иси етишди.

92. Ҳалил бинни Аҳмад – тилшунос олим, аruz илмининг асосчиси. Навоий-нинг бу зотга нисбатан “рубой қасидасини яратган” жумласини ишлатишига кўра, у шеърият назариячиси ҳам бўлган.

93. Мазмуни:

Сенинг юзинг жаҳонга зийнат берувчи юлдуздир,
Сенинг ҳидинг хушбўйликда жоннинг роҳатидир.
Сенинг сочингиз сишига афтодалик келади,
Қора кокилинг худди фигонли кечага ўхшайди.

94. Исли Мир Оқмалик, таҳаллуси Мир Шоҳий бўлган бу шахс Сабзаворда туғилиб (1385), Астрабодда вафот этган. Унинг жасади солинглан тобутни Сабзаворга келтиришган ва ота-буvasи хилхонасига дағн этишган. Шоирнинг аждодлари сарбадорлар етакчиларидан бўлган. Ўзи зўр кобулият ва юксак истеъодд эгаси сифатида ўша давр маданий ҳётида эътиборли ўрин эгаси бўлган. Навоий гарчи Мир Шоҳийни кўрмаган бўлса-да, бироқ у билан мактублар ёзишиб турган. Бу маълумотларни Навоий ўзининг “Мажолису-н-нафоис” асарида келтирган.

95. Котибий – Шамсиддин Муҳаммад Абдуллоҳ ўғли – машҳур шоир, хаттот ва мунший (саройда хат-хужжат ишларини олиб борувчи). Хаттотлик ишига ихлоси баландлиги боис ўзига “Котибий” таҳаллусини танлаган. У ҳакида ҳам Навоий қимматли маълумотларни ёзига колдирган. Чунончи, бу ижодкор бир қанча маснавий йўлида яратилган асарлар муаллифи эканлигидан ташқари ғазал ва киссалардан иборат девонлар соҳиби ҳамдир. 1435 йилда Астрабодда тоун (вабо) касали билан вафот этган.

96. Яъни Абдураҳмон Жомий.

97. Султон Ҳусайн Бойқаро назарда тутулмоқда.

98. Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан ёзилган “Рисола”асари назарда тутилмоқда. Бу асарда Ҳусайн Бойқаро Навоийни кўтаринки руҳда мактайди, шахсияти ва ижодига юксак баҳо беради.

99. Дуо: Аллоҳ таъоло унинг салтанатли мулкини абадий қилсин, унинг ҳурматини оширсин.

100. Мазмуни:

То фалак дунё узра айланар экан ,
Юлдузлар гули ҳар тун бу чаманда очилар экан,
Қайси шоҳ унинг зоти каби ёдга олинади,
Қайси кўнгил унинг кўнглидек истаб топилар?

Токи фалак айланаркан, бу давомли бўлсин,
Унга баҳтиёрлик муносиб бўлсин.
Ҳам нутқ билан сўзи жонбахш бўлсин,
Ҳам шеърияти бардавом бўлсин

101. Яъни, сўз санъаткорлари — шонрлар.

102. Яъни ижодкорлар гуруҳи.

103. Аторуд. Уторуд – Меркурий сайёрасининг арабча номи. Қадимда, Шарқ мұмтоз адабиётида у фалак котиби, шоир ва ёзувчилар ҳомийси сифатида құлланып келинганды.

104. Султон Ҳусайн Бойқаронинг “Ҳусайнний” таҳаллуси билан ёзған ғазалларидан иборат девони хусусида гап бормоқда.

105. Яъни, Ҳусайн Байқоронинг.

106. Бұ ерда Ҳусайн Бойқаро қалбидаги истакни чиройли үхшатиш билан ифодаланмоқда: шеъриятта ошуфта қалбларни гул гүнчаларига, туркий тилда яратылажак шеърларни баҳорнинг ёқимли шамолига үхшатылмоқда. Яъни баҳор шабадасининг эсишидан гул гүнчалар юз очгани каби, туркий ижодкорларнинг үз она тилида яратған шеърларидан күнгиллар яшнасин.

107. Яъни, Ҳусайн Байқоро.

108. “Ул ҳазратга қуллук килиб” – Ҳусайн Бойқарога хизмат қилиб.

109. Шу жумладан, Навоий хизмат тақозоси билан узок вилюят ва шаҳарларда юрган кезларида Ҳусайн Бойқарога йүллаган мактубларининг баъзиларида яқинда ёзған, сұнгги кунларда битган, ёки ҳәёлиға келған байт ва шеърларини дұстидан таҳрир қилишни сұрайди. Шунингдек, “Хазойин ул-маоний”нинг “Дебоча” сида күпгина ғазалларни Ҳусайн Бойқаро “таҳрир назаридан ўтгазған” лигини тақидалайды.

110. Ал-мутакаллим – сўзловчи, мохир сўз устаси.

111. (Рубоийда айтилғанларга кўра, «Мұхокамату-л-лугатайн» ҳижрий 905 йилнинг жумодил – аввал ойнда хафтанинг чоршанба куни, ёзиб тутатылған. Бу милодий ҳисоб билан 1499 йилнинг декабр ойига тұғри келади. Бирок, ҳафта куни (чоршанба) қайд этилса-да жумодил-аввал ойининг куни күрсатылмаганлиги сабабли асар декабрнинг қайси куни хотима топғанлигини билиш имкони йўқ. Эҳтимол, ўша даврларда ёзилаётган асар ойнинг биринчи ҳафтасида итмом топса, унинг санасида ойнинг кунини күрсатиш шарт бўлмагандир.

Иловалар

1-илова

“Мұхокамат үл-луғатайн” асарининг муҳим жиҳатларидан бири муаллиф томонидан форс тилида мұқобил бўлмаган юзта туркий тилдаги феълларнинг келтирилганлигидир. Табиийки, бу ҳолат мутахассисларнинг дикқат-эътиборини тортиб келган. Зотан, бу сўзларнинг маънолари Навоий асарлари учун тузилган луғатларнинг бирортасида тулиқ ҳолда учрамайди. Шундай бўлса-да, уларнинг маъноларини аниқлаш устида бир катор ёндашувлар амалга оширилган. Асарга биринчилардан бўлиб илмий таважжух билан ёндашган проф. Абдурауф Фитрат мазкур сўзлар маъноларини изохлашга кўл урган эди. У 1928 йилда нашр эттирган “Ўзбек адабиёти намуналари” китобининг I-жилдида “Мұхокамату-л-луғатайн”га бағишлиланган саҳифасига илова тариқасида юзта феълга изоҳ беришга ҳаракат қилган. “Қўшимча” сўзи остида берилаётган ушбу илова шундай бошланади: “Навоий бу мақоланинг (асар назарда тутилмоқда-Ю.Т.) бошида мисол учун юзта сўз келтирганини ёзған бўлса ҳам Парижда босилган нусхада 99 сўз бордир. Бу сўзларнинг маъноларини кўлдан келганча изоҳ қилиб ўтиш лозим”. Бундай мисолларда ўрни-ўрни билан қадимий луғатларга ҳам таянилади. Шундай бўлса-да, баъзи феъллар маъносини аниқлаб бўлмаган. Бундай ўринларда Фитрат “англашилмади” сўзини кўллаш билан кифояланган. Ҳозирда маъноси маълум бўлган ва шунингдек, бугунги кунда истеъмолда бўлган феълларга нисбатан “маълум” сўзи кайд этилган.

Афғонистонлик адабиётшунос олим Тошқин Баҳоий 2000 йилда Тошкентда амалга оширилган Навоий асарлари тўпламига (ўн томлик) киритилган “Мұхокамат үл-луғатайн” матнини 2009 йили Кобулда нашр эттиради ва унга илова тариқасида мазкур феъллар маъносини ҳам берган. Табиийки, бу феъллар қаторида “чимдиламоқ” йўқ. Бироқ, феълларнинг умумий сони 99 та эмас, 96 тадир. Чунки яна учта сўз – “девдашмак”, “ушармак” ва “кенаркамак” гайри ихтиёрий равишда тушириб қолдирилган. Шунинг билан бирга матбаа айби билан баъзи сўзлар хато босилган.

Тадқиқотчи Мехринисо Абзалова “Юзта феъл қайси луғатларда изохланган?” мақоласи мазмунидан асарда келтирилган барча фелларнинг маъноси кайд этилаётгандек кўринса-да, аслида 98 та феъл тилга олинган. Яъни “Ўзбек тилининг изохли луғати”да 5 та “тўрт жилдлик Навоий асарлари луғатида юкоридаги қомусда кайд этилган 38 та феълнинг маъноси очиб берилган. Бир жилдлик Навоий асарлари луғатида юкоридаги луғатларда қайд қилинмаган яна икки сўзнинг маъноси изохланган: *кундалатмак* – оёғини бўғовга

солмоқ, умунмоқ – умид қилмоқ, күтмоқ. Демак, “Мухокамату-л-луғатайн”даги юзта феълдан 9 тасининг маъноси маълум. Колган 6 феълнинг маъносини “Санглоҳ”, “Абушқа”, “Сравнительный словарь турецко-татарских наречий”, “Опыт словар тюркиских наречий” луғатларидан “топдик”.

Бу маколада ҳам матбаа томонидан қўпол хатоликларга йўл қўйилган: “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да маъноси мавжуд бўлган феъллар 54 дейилган. Бироқ, у ерда 52 та феъл маъноси билан келтирилган; “арғадамоқ” сўзи “ағдармоқ” килиб босилган, “умунмоқ” эса, “унунмоқ” қа ўзгартирилган. Демак, келтирилган феълларнинг умумий сони 98(52+38+6+2) тадир. Дарвоке, макола муаллифи маъносини аниқлаган феълларнинг баъзилари асарда келтирилганлардан шаклан фарқ қиласди: “исқармоқ” эмас, “искармоқ”, “куруксамоқ” эмас, “кукурсамоқ”, “канаркамак” эмас, “кинаркамак” каби.

Маколада келтирилган феъллар орасида “чимдиламоқ” ва “сийпамоқ”ни кўрмаймиз. Кейинги сўз ғайри ихтиёрий равишда тушириб қолдирилган булиши мумкин, аввалгисининг йўклиги эса, муаллифнинг асарнинг мавжуд нашрлари асосидагина иш кўрганлиги оқибатидир.

Турк олимаси Само Баратчу Ўзандер “Мухокамату-л-луғатайн”га доир тадқиқотида мазкур 100 та феълга алоҳида тўхтанилиб, ўндан ортиқ луғатларга таянилган ҳолда уларнинг маъносини аниқлашга ҳаракат қылган. Муаллиф ҳар бір феъл устида чуқур мулоҳаза ва атрофлича фикр юритган ҳолда уларнинг асл маъносини белгилаган. Факат баъзи феълларнинггина маъносини тополмаганлиги ёки борларининг ҳам айримларига ишонч ҳосил қилмаганлиги ва бир карорга келолмаганлиги сабабидан очиқ қолдирган. Шундай бўлса-да, унинг баъзи сўзлар борасидаги тўхтамларига қўшилиб бўлмайди. Чунончи, у *серпмак* – сирпмак деб қарайди ва шу сўзниң луғатлардаги маъносини беради. Ҳолбуки, мазкур сўз (сирпамоқ) шу ҳолатда ҳам тилимизда маънога эга: зарб билан урмок, салмок. (Бироқ, негадир М. Абзалова маколасида бу сўз “серпмак” тарзида босилиб, ёнига кавс ичиди “сепмоқ” маъноси берилган. Бизнингча бу *серпимак* сўзининг икки хил: “серпамак” ва “серипмак” ўқилишининг оқибати бўлса керак.

Дарвоке, шу уринда Само хонимга хос бўлган бир ижобий ҳолатни эътироф этишга тұғри келади. Олима шу вактга қадар “гангирамоқ” дея ўқиб келинган сўзни *kengsiremek* – кансирамак ўқиган. Ва буни маъқуллаш керак. Чунки, мазкур сўз барча нусхаларда “сини қавсий” – ёйсимон, яъни тишсиз “син” билан ёзилган. Шундай бўлгач, уни “гангирамоқ” эмас “кансирамоқ” ёки “гангирамоқ” феълининг вактлар ўтиш билан ўзгаришга учраган шакли дейиш мумкин. Албатта, мазкур сўз юритилган ҳолатлар устида атрофлича сўз тўхталиш ишимиз доирасига кирмайди; асардаги 100 та феъл борасида ғап борганда ҳам аниқланиши лозим бўлган бир қатор масалалар ҳам бордек эканлигини айтмокчимиз, холос. Ана шу масалаларга ойдинлик киритиш йўлида ги ишларга аскатар, деган мақсад билан ишимиз жараёнида истифода этилган луғат ва манбаларнинг ўзаро қиёсий жадвалини бермоқдамиз.

“Мухокамату-л-лугатай” да көлтирилган юзга февлинник лугат ва илмий манбаларда берилган

МАЛЬОЛАРГА КУРА КИЕСИЙ ЖАДВАЛИ

№	Фельдпар	П.Шамсиев, С.Иброрхимов Навоий асафла- ри лугати	Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Түргт томлик рисола	Сема Боруғу Ўзбидер, «Мухок- амату-л-лугатай». Ики йилин мухо- камаси. Илмий	Уйбек адабиёти на- муналари. 1-жилд. Тузувчи: Фиррат.	Уйбек адабиёти на- муналари. 1-жилд. Тузувчи: Фиррат.	Тошкин Бақойи, «Мухокамату-л-луга- тай»даги бальзи лугат- ларининг ўзбекча маъно- ва шарҳлари
1	Кувормок		Куримок, сулимок	benzi uymak, solmak, sararmak	Турлича тусда кўрини- мок. Шайх Сулаймон “Лугати чигатой”да “кувадмок” - йўлар ёзилган, босмахона яниглишидир.	Хозирда ўзбек тили шеваларида “кабармок” ёки “қўлармок” шакли- да кўпланишиб, форсча “облизадти” маъноснда.	
2	Курукшамок	—	Курукшамок, курушмок, ковжрамок	çok kuru olmak, eisig- damak, cizirdamak	Жудаям курумок	Айнан “курукушамок”, яъни хаддан кўп курі- мок ва сувини йўқотмок.	
3	Ушарматак	оддинга сурмок	Қисқартирмок, парчамамок, буз- мок, мансабини пасайтирмок	qekmek, sürmek, yak- laşturnak, mejbur et- mek, zornunda brakmak sevketmek	Ишармок, шилари то- монга отмок	ашбак “ушатмок”, пул ёки шунга ужаш нарсани майдаламок	
4	Жиёнжаймок		Ковжрамок, курушмок	—	Англашилмади, Вам- бери хам Шайх Сулай- мон лугатларнда “кат- тиқ култмак” маъноснда “жиржасимок” сўзи бор Балким, бунинг хам тўриси шудур.	Ҳайратланниб колиши, геч (жон) бўлиб колиши маъ- носнда.	
5	Үнглаймок	тузадмок, согай- мок, ўнгаймок		йўннамок	—	Тўри кельмок, тўғриланмок	Кўтаришмок, ростлан- мок, бироз яхши холатга ўзгармок.

6	чекримок	—	Олдиңиң сүрмөк	—	Үйкү қоңымок үйкесіз-ланымок Вадиброй бу-сұға “хайрон қолымок” маңынан берадір-	Зависимииш ва хаяжонланыш
7	дүмсеймок	Бирор нарасадан ранжіб, тұмшукни солиб түрмөк, тұмсаїмок.	—	dumsaymak, hurnip sollamak, darlimak, hislanmak	Ачыгыдан қовок солғып үтүрмөк	Бирөвни хүш күрмаслик үчүн кошу қовог тушурмөк
8	үмүнмөк = үмүнүмок	Үмінд қылымок, құтмөк	—	beklenmek, ummak, tamah etmek	Умінд қылымок	Күнгилдан ҳавасланыш, умінд қынныш
9	үсанымок	Безмөк, зерілкемок, пұшай мөн бұлмөк	—	usannmak, bikmak, nefret etmek	безмак	Безмелиш, ҳафа бұлнаш
10	иғірмөк	Йігірмөк, іш пишиитмөк. Үрамоқ, ішота күлтөк.	Үрамоқ, айлан-тирмөк, ішпирмөк, пишиитмөк (ішпі)	igirmek dönmek, don-dürmek, egirmek	Мальдум	Қамал килиш, тәвардак атрофияны үраб олиш
11	иғармак = әгармак	айланмөк, давр үрмөк	айланпирмөк, гір айланпирмөк.	1. takip etmek, birinin, bir şeyin arkasından yürütmek 2. dönmek, döndürmek	Эргашмак	Изламок, таъкіб қылмөк
12	үхрәммөк	Үзинни қаһрамон олмок; саркашлық қылмөк	сескәтмөк	ohranmek ailar su ve yayim içen kişnemek ağılamak	Англазылмади.	Отларнинг озик бериш пайтіда чиқарадыған овоз
13	торикмөк	Зерікмөк, сипкілмөк	Зерикмөк, сипкілмөк	tartmak daralmaç, can sıkılmak, sıkıntılı olmak	аңғанланмок	Зерікмөк, иңкілесма

14	алдамок	—	1. Елғон сұзла- мок, лақыллат- мок, аддамок, 2. іопатмок, та- салы бермок.	aldalmak	Маңылум	Елғон билан бирорни фирірб бермок, елғон сүзламок
15	аргадамок	апдамок, хийла білән өнгтімок	алдамок, хий- ла, макр билан өнгтімок, бермок	arğadamanak	алдамок	Иргітмок, үриңдан бежо кілтімок, кімпіртатмок
16	ишинмок	—	—	inanmak, güvenmek, mutmain olmak	Маңылум	Ишонмок, әйтімод кіл- тімок
17	игланмок	—	касаң бўлмок, хасталанмок	duraklamak; olunmak, yerleşmek; vakit ge- çirmek, oyalanmak eğlenmek	Шайх Сулаймон бу сүзга "мажкамламок", "вактلى турмок", "эгранмок" деб турли маколлар берадир	Хазишашибмок, шўхлик кілтімок
18	аїланымок	—	Аїланмок, бу- радлмок, гирдида юрмок.	dolaşmak, gezmek; devretmek, benzemek	Эслатма: бу сұз берил- маган	Айланмок, тавоф кілтімок
19	штраймок	—	игранмок	—	Маңылум	нафратланмок
20	эрікмак	хәелгә чўммок	—	1. erken kalkmak; 2. acele etmek; 3. kalbi sıkıntılı ol- mak, can sıkılmak; usanmak, bıkmak yo- rulmak nesret etmek, işlekrah etmek	Эслатма: бу сұз хан берилмаган	Эрінмок, хуш ёқаспасык кілтімок, бир ишга майл- сизлік кілтімок
21	овунмок	—	Юпакмок, тасал- лі топмок, тиңч- ланмок	avunmak avunmak,- leselli bulmak, gönü- aldatmak	Маңылум	Овунмок, сарғары бүл- мок, тасалшы топмок
22	қистамок	—	Қистамок, шо- ширмок	zoriantmak, sıkıştırmak, miaebur etmek	Маңылум	Қистамок, біровға газ- шық е болсым ўткамок

23	күйнамок	—	Күйнамок, азоб-га солмок	iskeñce yartmak, tcdip elmek, lefi etmek, acı ve elem vermek	Маълум	Кийнамок, шикашжа кијмок, озорламок
24	күзгалимок	—	Күзгалимок, тинчизланмок, күзгалион кутармок	hareket etmek, kumildamak; heyeçanlanmak; yerinden kalkmak, ayaklanmak	Маълум	Күзгалимок, харакатта тушмок, жулибуш килмок
25	сөврүлмок	—	Сочимок, түзмок	savrulmak	Маълум	Шамолга борниш, түзид-сочилиб кеттии чайкамок
26	чайкалмок	—	1. Чайкалмок 2. Тұлжынланмок 3. Тиграмок, ларзага келмок	çalkannmak, sallanmak, harekete gelmek	Маълум	Чайкалмок
27	девдашмок	—		divdeşimök	Англыштади	Эслатма: бу сұз түшиб колган Босмахона хато-си булса керак
28	кимсанмок	Ортіқ даражада истамок	Ортіқ даражада истамок, күмсемок	kimdənamak, çok arzu etmek	Эслатма "кимтамок"- -жашаға боснанган ва маңынси "кирінмок" деб берілген	Эслатма: -“кимтамок” Кимтамок” боснанган. Кимтамок, харакатта кірмок
29	кизғанмок	—	Кизғанмок, рашик кілмок	kiskannmak	Маълум	Кизғанмок, баҳиллик кијмок
30	никамок	—	Кувмок, кетидан кувмок, оркастидан түшмок: пай-пода бүймок	Mütipliçada tekir eumek, kovalamak; istemek, yalvarmak	Эслатма: “шынкамак” — никамок	Эслатма: “никамак” — никамади. Балки, түркиси “енгімак” дір шахвоний алока билан озор етказмок

31	сүйлемнок	—	Сүйлемнок, хурматланмок	Kendi kendini sıvamak, kendi kendini sıvazlamak, kendine çekirdizen vermek, süsişmek	Малыум	Малыум	Эспатма: “сайланнок” – боситган Сайлан-МОК, интихоб бўтмок
32	таниламок	—	Сайлаб олмок, кўп нарса ичдан бўрини ектириб олмок	teñik ve temyiz etmek, ayırmak, seçmek	Малыум	Таниламок, сайлаб, интихоб килиб олмок	
33	жинирдамок	—	Жинирдамок, харкатта тушмок	kımdamak, sallanak	Малыум	Жинирдамок, харкатта келмок	
34	серпамок	—	—	sişmek, saçmak, (yağdır) inmek	серпмак. Ҳамма пусхаларда шундай ёзигтан. Бирок бугунг форсчаси бор. Бир турли “тикмак” майносидага “серпамок” бўлмасун	серпмок	
35	сијрмамак	1. Иллаб олмок, юлиб олмок, шиллириб олмок. 2. Чирмамак, шимармак	Юлиб олмок, иллаб олмок, ўтириламок, антлаб олмок	almak, karpmak, sıyırp almak	Котмок	Яширин тарзда кўл билан бирор нарсанни ахтариш	
36	канор-камок	—	—	sermek, yaymak, doşmek, açmak	Отии аробата кўшмок	Ейиш, нашр этиши	
37	сигрикмок	—	Яширишимок, писиб (бикиниб)	sığmak	Богчасарой босмасида “қотмак” деб изоҳ этиладид. Вамбери бішан Шайх Сулаймонда “қотмок” маъносида “спиртмок”	Котмок, кутулмок	

38	сигнимок	—	Топшымок, сажда кітімок; үшід білдірмок, иҳлос күймок.	siğmak; siğınmak; güvenmek	Малтұм	Сигнимок, панох кетір- мок.
39	клиномок	кітімок	Хұркмок, күрк- мок, чүчімок.	—	Эслатма: "қіл- мок"- <u>әзіз</u> босылған. Англашилмади.	Истакка қарши иш ки- лиши.
40	жилимок	—	Ялінмок, ёлвор- мок.	yalırmak; yaltaklan- mak	—	Жилимок, үзр за зорий кілмок.
41	мунгланмок	—	Чакирмок, өндә- мок.	kederlenmek; kaygılanmak	—	Паришондик билан шылдамок за нотімок.
42	индамак	Чакирмок, өңр- ламок, тақліф кітімок.	Чакирмок, үнда- мок.	çağıtmak, davet etmek	Эслатма: маңынси- рилмаган.	Үндамок, биронғы бір шыға мажбурламок, дая- ват кілмок
43	тергамок	—	Тергамок, бірор ишинни кишишта менеңдік килиши	1. sormak, sual etmek; aramak, araşturnmak. 2. direk dikmek; des- tek vermek, dayamak 3. engellemek: tenkid va tekdir etmek, azar- lamak.	Малтұм	Тахсик кілмок, бір нар- санын атрофида маңы- мот түлдемок
44	теврамак	Ботмок санч- мок, кадамок	Санчмок, када- мок	balmak, sapanmak	Тикмак	Эслатма: "ківрамок" — ^{әзіз} босилған. Пар- вариш кілмок, бокмок.
45	кингаймок	—	—	bir tarafa eğilmek	Эслатма: маңынси- рилмаган.	Күнчук ва шаколниң үшімок овози.
46	шығылдамок	—	Катпік урунмок	şağıldamak	Англашилмади.	Бирор нарасыннан оек екі күл зарби билан овоз беріши.
47	синграмак	Пласт овоз білган даршыл іштіламак	секін, охиста іштіламок	hızından yavaş ve gizli ağlamak	Секін іштіламок	Пласт овоз билан жолиши кіліб іштіламак

48	яшкәмөк	—	—	1. yassılamak, düzle- mek, 2. yaslısmak, dayamak (yaslık)	halırlamak; hesaba almak; kabılı etmek	Эслатма "яскамок" — ئىشقا سەبىسىلган . Ешармок, күзни ёшдан түймогى .	Бирорга урмок максады былан күл күтармок.	
49	искармок	—	—			Богча сарой босмасыда "хотыр кептirmak" деб изөх этилган. Бу маъ- нода Шайх Сулаймон "искармак" сүзини күрсатадыр.	Эсламок, хотирламок.	
50	күнгәнмок	—	—		soylemek, homurg- dannmak, mırıldanmak	Газабланып үзига га- ппирмок.	Үз-үзи билан газабланып гапирмок, гүр-гүрламок.	
51	сұхраимок	—	—	Минигирламок, ғүңгілламок, мужалл гапир- мок.	mırıldanmak, düdük altından yavaş yavaş soylemek, homurg- dannmak	Үзинчә гапириш, Шаңын бу сүзини "тұкранмок" шақылуда ёздайдыр.	Газаб билан лаб остида гапирмок.	
52	сүйпамок			совурмок	1. sıvamak, sıvazla- mak; sülşenmek 2. sepmek, saçmak; israf etmek	Малыум	сүйләмок	
53	кораламок	—		Айбламок кора- ламок.	1.bakmak, dikkat bir seye şeyirmek, ikide bir bakmak. 2. karalamak; iham etmek, kotulamak	Малыум	Малкум қилмок.	
54	сурғанымок		—		Эслатма "сур- ғанмак" берил- ган. Судралмок, күйналиб юрмок, эмакылаб юрмок.	surüklenmek, sürünen- mek, sürünenmek, sur- tünmek	Малыум	Суртмок
55	куйтаймак	уринмок		күрінмок	bahane etmek, seher ve vesile bulmak	Бахона килиш	Бирор нарасанни ту затиши- га майл бүлиш.	

56	шыграймок	—	Ишлямок нолимок	ağlamak, derdki ola-rak gizli gizli ağlamak, inlemek	Малыум	Нолиши килмок.
57	тұшалмак	—		tözelmek döşenmek	Малтын	Рұшы ва муноғиқлік
58	мұнгаймок	—	Кайтулымок, бүкүлімок	mâzun, gamil olmak, meyus olmak	Мұнгаймок Күкөн бос-масыда "мұнг-тәнмок"	Кайтулымок, түссе ки-мок.
59	тәнчикамок	—	Хайрон колдирмок, хайратта солмок	kokmak, bozulmak	Эслатма: қызық: "тән-шкамок" босыптан, мәйносис эса берилмаган	Хайратланыш.
60	тәнчиколмок	—	Хайрон колмок, хайратта түшмок	bozulup kokmak	Аңглашилмади.	Хайратлантириш.
61	құруксамак	—		canı gontilden istemek, arzu etmek, gormek istemek	Күрмакни исташ.	Биревинен ділдейорнан орзу килиш.
62	бүштүр-тәнмок	Газабланмок, ачыпгланмок	Газабланмок, ачыпгланмок	mitressi olmak, kedermenmek; sinirlenmek	Эслатма: "бушурхан-мок" бүштүр-тәнмок" босылған.	Жуда күп газабланыш.
63	бұхсаном	Эзилмок, кийнаммок	Эзилмок, кийнаммок	dokunaklı, yanık bir sesle, boğuna boğuna ağlamak	Кийнамок кийнамок, газаб чекмак.	Зор-зор йылғамок.
64	қиркшімак			titremek, sarsılmak, salannamak; işturma etmek; bir kimseyin ya da bir şeyin tizerine şiddetle çikmak, tırmamak	Эслатма: "қирғінмак" қызық босынған. Малыноси берілмаган.	Үңгі ва сүлға тақрор ҳаракаты кілмок.
65	құқадамак	—	Ковжирамок	—	Эслатма: қызық: "қадамак" босыткан. Бонгасарой босмасыда "натиробдан күтулғандан кейин дам олмок". деб изох этиладир.	Эслатма - қызық: "сұқа-дамак" босылған. У луглаш.

66	бұстомок	Түзок курмок; яшірнімок, пісімок.	Эслатта “бұстомок” бе- рилган. Пусмок; хавотірланмок; кайгурмок; умид- сізданмок.	pusmak, риши күртік; dişarı sırar etmek	Душмандан шикаст маъ- нисида “жиниш”, (جشن) яшиисини
67	бұрмак	—	—	bürmek, bükme, kır- vırmak	Бұрмок, бір нарасаны тоблаш за катлаш.
68	турмак	—	—	dürmek, kallamak	Истодан. Эслатма изоҳ: Бу сұғта тұрмок деб караталған ва уннан фор- сча мұқобилини беріш макбул күрілтән.
69	томшымок	—	Маза, таль бил- мок; тамшамок.	damla damla içmek	Маза-маза қилиб өз-оз пісімок.
70	кахамок	—	Томокка бітір нараса тиқиңіш көлмок.	Mügүлнада: sarmak, çevretmek, abluka altına akmak	Қамал қилиш, үраб олиш.
71	спіккармок	—	Шимирмок. ҚСЧ колдірмай іч- мок.	bir dikisite, çekiste içmek (içki ve ya suyu	Бирданияға баштаға құта- риб ичиш.
72	цищаркамак	—	Көвурмок.	—	Ілакшу ниторли бүлиш.
73	туркаптамак	Күйімок, қорал- тіб кетмок	Күйімок, ёнмок ковуртмок	yannmak, ateşe alaz- lanmak	Паранджи ёкі күреста (کریس) үралмок.
74	ұртаптамак	—	Күйімок, ёнмок.	Külmak	Еїмок
75	сіңгурмок	—	Күйірмок, ўр- тамок.	I.suzdirmak, eritmek; sezdirmek, ima etmek; belli etmek 2.çizmek, пакшетмек, hakketmek	Шайын Сулаймон “үй- мак”, “қазмак” деб изоҳ килады.

76	Күрнек-лашмок	—	körgökleşmek, hafılaşmek	Eñgillaşmak.	Эслатма: “гүрнеклаш- мак”
					Босилган. Шөвкин овоzi билин үйин килини.
77	щурумок	—	—	Етиштирмок.	Соңмок, таркатмок, па- роканда күлмок.
78	жыргамок	Завъттанмок	—	Кайф-сафо күлмок	Шод яшалмок.
79	бүчимок	білгімок	biçimek	Матьлұм	Білімок, андоза күлмок
80	кінграймок	—	azarlamak, darılmak, miridandanarak sizlan- mak; inat etmek	Эслатма: “кіңзәмәк” - босилған. Шундан кеіпін изох: Париж босмасыда шундай ёзилған Күкөн босма- сқа кінграймок” шактада күрсатылған. Түркиси шу ‘кінгра- мок’ дір.	Эслатма: “кіңзәмәк” - босилған. Дұшманлық ва инод күлмок.
81	сингурмак	1 Сингурмок, хазм этмак; 2. үзлаштирумок, едириб юбор- мок, ғам чекмок кайтурмок	Кайтурмок, ғам- ни ичига ютмок; нола күлмок.	sidirmek, hazmetmek	Сингурмак Хазм күлмок.
82	күндела-латмок	Оёкні буюға сөтмок	dondurmek, yuvarlat- mak; kündeye vurdur- mak, kündehane veya hapishaneyе koydur- mek	Юмалок күлмок. Күкон босмасыда хам шундай- дир. Бирок, Богчарой босмасыда “хундалан- мок” өзілған.	Күрашда бировининг өсигін күлмок сөтіб пікіртмок.
83	күмірмак	кемірмок, ғажімок	kemirmek (kemik)	Бир иарсанн гиши би- лан узған емак	Күмірмак, ковуң екі бо- шша нарасаннін гүлогини пілі билан күміртмак.

84	шыншымак	—	Айлатмок тусланмок	игренmek, tıksınmak, nefret etmek	Эслатма “бөтірмак” және боситтан, Бекітмок	Устувар килини, тиқлаш
85	күңгурламак	—	—	boğuk ses çıkmak, homurdanmak, mırıldanmak	Богнашарой босмасыда “каримок”, “бұшаш- мок” деб изох этилтан	Балашыннан сүстелешіши
86	кинарсамак	—	—	semek, yawmak, doş- mek, açmak	Эслатма “кетармак” және ақбосынған.	Эслатма: Бу сұз түшүб колган
87	кеңармак	—	—	—	Эслатма: “ғезармак” және (жарылған) боситтан Бурғурмок	Үзіл бірроваңдан зарб күр- ғандек килиб күрсатиш. Мугомбірліккә уриш
88	дүптүлмок	—	—	—	Мүгүлчілік: сіңепmek, ayakтар altında ezmek, ayaklarla kirelemek; tepimmek; koşmak, saldurmak, (suvarı) hücum etmek; inha etmek; yağmalamak (şehir, ülke)	Тепілмак Тошиш, хаддан ошиш
89	шидамок	—	Сабр қылтмок, тахаммул қылтмок	—	Мүгүлчілік: tohammül etmek, kattanmak, davamnak	Сабр кипипи, бардош берип
90	тұзмак	—	Тұзатмок, тұрги- ламок	—	Сайр қылтмок 1.toz- tahammül et- mek, sabretmek, da- yanmak, kattanmak 2.tuz-dizmek, düzelt- mek, düzenelemek 3. tuz- dizmek	Гузмок, тұзатмок

91	козғанмок	Козғанмок, күлгә кирилтмок, носил қылмок	—	kazanmak	Фойдацаланмок	Козотмок, күлгә кирилтмок
92	күнгіламок	—	Күнгіламок, күй кісмок	girdiklamak, tahrîk etmek	Малтум	Күнгіламок, таҳрік қылмок
93	шымшиламок	—	—	şimdiklemek	—	—
94	ғанғирамок. Аспида: Канғирамок ёки ғанғирап-	Эсіни іўкотмок, бөхүш бўлмок	—	Эслатма: "канкіра- мок", « каки » босилган. Малтум	Бош айданма бўлмок, хайратланмок	—
95	ядамок	—	—	zayflamak, güçten düşmek, yorulmak	Кучсиз, холстіз колмок	Нижоятда чарчамок, хоримок
96	адамок	—	—	Mügulchada: muhkem- leştmek, ғivilemek, perqinlemek, ғakmak, baturnak	Малтум	Учи итик нарсанш биг- ровга ёки бирор нарсага санчтирмок
97	шікізмок	—	Кадамок	1. ғігненмек, аяқтар алтунде ғігненменек sakinmak, ғekimmak; korkmak; gerilemek	Оёқ ости бўлмок	Оёқ ости бўлиш
98	күндиրмак	—	—	doğrulunmak, düzelt- mek, islah etmek	Рози қылмок	Күндиришмок, конеъ қилемок
99	сұндармак	—	—	söndürmek (ateş)	Үчирмок	Оловни ёки бошка шуль- лалы нарсанш үчирмок
100	сүктанмок	—	—	hırslanmak, aç gözülü olmak, tamah etmek	Эслатма: "сөвуклан- мок" жарылғасын	Завқ ва иштахага солиш ган Малтум

“Мухокамату-л-үғатайн”да келтирилган юзта феълнинг құләзмалар аро ёзилишига күра тафовутлари

2-илова

№	И	И	П	Х	И.т.м.
1	қоармак	қоармак	қоармак	қоармак	қоуармак
2	қороқшамак			қорроқшамак	форроқшамак
3	аушармак			аушармак	аушармак
4	жигаймак	діжаймак	жигаймак		жигаймак
5	аондаймак			аондаймак	аондаймак
6	జиқримак	జиқримак	జиқримак	జиқримак	జиқримак
7	домсиямак				домсиямак
8	аомониңақ	аомониңақ	аомониңақ	аомониңақ	аомониңақ
9	аосаңақ				аосаңақ
10	аикірмак			аикірмак	аикірмак
11	аікіармак			аікіармак	аікіармак
12	аохраниңақ	аохраниңақ	аохраниңақ	аохраниңақ	аохраниңақ
13	тарығыңақ				тарығыңақ
14	дадамак				дадамак
15	арғадамак	арғадамак	арғадамак	арғадамак	арғадамак
16	аішанамак			аішанамак	аішанамак
17	аікланамак			аікланамак	аікланамак
18	аіланамак				аіланамак
19	аікірнамак			аікірнамак	аікірнамак
20	аірікмак			аірікмак	аірікмак
21	аовнаңақ				аовнаңақ
22	қистамак			қистамак	қистамак
23	қиңамак			қиңамак	қиңамак
24	қорзұламак				қорзұламак
25	сауоролмак				сауоролмак
26	жайғалмак				жайғалмак
27	дійодашімек			дійодашімек	дійодашімек
28	қиқисалмак				қиқисалмак
29	қірзғанамак				қірзғанамак
30	никамак	никамак	никамак	никамак	никамак
31	сіліламак				сіліламак
32	тапаламак	тапаламак		тапаламак	тапаламак
33	қиімдердамак				қиімдердамак
34	сіріпмек	сіріпмак	сіріпмак	сіріпмак	сіріпмак
35	сірі мамак				сірі мамак
36	кнаркамак				кнаркамак
37	сінғырғыңақ				сінғырғыңақ

38	سیغیانماق				سیغیانماق
39	قیلینماق	قیلیماق	قیلیماق	قیلیماق	قیلینماق
40	پالینماق				پالینماق
41	مونکلانماق			مونگلانماق	مونکلانماق
42	اینداماک			اینداماک	اینداماک
43	تیر کامک			تیر کامک	تیر کامک
44	تیور ااماک			تیور ااماک	تیور ااماک
45	قینکنیماق			قینکنیماق	قینکنیماق
46	شغالاداماق				شغالاداماق
47	سینکر ااماک			سینکر ااماک	سینکر ااماک
48	پاشقاماک				پاشقاماک
49	ایسقارماق				ایسقارماق
50	کونکر انماک			کونگر انماک	کونکر انماک
51	سوخر انماق			سوخر انماق	سوخر انماق
52	سیپماق	سیپماق	سیپماق	سیپماق	سیپماق
53	فار الاماک				فار الاماک
54	سور کاتماک			سور گاتماک	سور کاتماک
55	کوپماتماک				کوپماتماک
56	اینکر انماق			اینکر انماق	اینکر انماق
57	توشالماك			توشالماك	توشالماك
58	مونغایماق				مونغایماق
59	تائجقاماک	تائجقاماک	تائجقاماک	تائجقاماک	تائجقاماک
60	تائجقالاماک	تائجقالاماک	تائجقالاماک	تائجقالاماک	تائجقالاماک
61	کوروک، ااماک			کوروکساماک	کوروکساماک
62	بوشور غانماق				بوشور غانماق
63	بوخساماک				بوخساماک
64	کیرکینماک			کیرینماق	کیرکینه‌اک
65	سوکذاماک	سوکذاماک	سوکذاماک	سوکذاماک	سوکذاماک
66	بوسماق				بوسماق
67	بورمک	بورمک	بورمک	بورماک	بورماک
